


Қ. ШАВАЗОВ

**ҒАЛЛАНИ КҮП БОСҚИЧЛИ ТЕХНОЛОГИЯ
АСОСИДА ЙИФИШТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ-ТЕХНОЛОГИК
АСОСЛАРИ**



**ТОШКЕНТ
2021**



ТИКХММИ

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини
Механизациялаш Муҳандислари Институти

Қ. Шавазов

/ ҒАЛЛАНИ КЎП БОСҚИЧЛИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА
ЙИФИШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНОЛОГИК
АСОСЛАРИ /
Монография

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

Қ. ШАВАЗОВ

**ҒАЛЛАНИ КЎП БОСҚИЧЛИ ТЕХНОЛОГИЯ
АСОСИДА ЙИФИШТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ-ТЕХНОЛОГИК
АСОСЛАРИ**

/монография/

ТОШКЕНТ

2021

“Фаллани кўп босқичли технология асосида йиғиштиришнинг илмий-технологик асослари” мавзусидаги монография Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг илмий кенгаши томонидан кўриб чиқилди ва чоп этишига руҳсат берилди (№ 1 2021 йил 24 сентябрь)

УЎК: 631.354.02.

Монографияда ғалла хосилини йиғиштиришда дон нобудгарчилигини кескин камайтирадиган технология жорий этилишнинг илмий-технологик асослари келтирилган бўлиб, бундай технология Скандинавия, Болтиқбўйи мамлакатларида ва Россиянинг кўп серёмфир минтақаларида яхши натижা бераётган кўп фазали усулдир. Ғалла хосилини йиғиштиришнинг кўп фазали усулида, бошоқлардаги дон думбул ҳолатида турли ўрғичлар билан тез ўриб олинади ва марказлаштирилган усти ёпиқ ҳирмонда ғарамланиб стационар ҳолатда янчиш воситаларидан фойдаланиб янчиб олинади.

Мазкур технологияни Ўзбекистон шароитидан келиб чиқиб қисман ўзгартирилган ҳолда қўллаш Республикаиз шароитида ўта яхши натижалар бериши тадқиқотлар асосида аниқланган.

Ушбу монография ғарамлаб йиғилган ғалла маҳсулотларини ғалла комбайнининг янчиш қурилмасига унинг янчиш қобилиятига мослаб бир текисда, бир хил ҳажмда узатиб берувчи мосламани ишлаб чиқиш ҳамда синаш масалалари билан шуғулланувчи илмий ходимлар, конструкторлар, мухандислар, мустақил изланувчилар ҳамда бакалавр магистратура талабалари учун мўлжалланган.

Тузувчилар: **Қ. Шавазов**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти

Тақризчилар: **С.Б. Темиров**

Наманган мухандислик-институти доценти, PhD
қурилиш
ТИҚҲММИ, техника фанлари
доктори, профессор

Б.М.Худаяров

Қ. ШАВАЗОВ
/ ФАЛЛАНИ КЎП БОСҚИЧЛИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА
ЙИҒИШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ /
Монография. –Т.: ТИҚҲММИ, 2021. 144 б.

**© Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти (ТИҚҲММИ), 2021 й.
КИРИШ**

Ўзбекистон мустақиллик йўлидан бориб, ўз иқтисодиётини мустахкамлар экан, бу борада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ғаллачилик соҳасининг хам улуши каттадир. Мамлакатимизни барқарор ривожлантириш мақсадида Республика ҳукумати қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳат қилиш стратегиясини ишлаб чиқди. Бу стратегия энг биринчи навбатда Республикага керак бўлган пахта хом ашъёсини етказишнинг мухум, энг мақбул хажмини сақлаб қолган холда, етиштиришни кўпайтириш, Ўзбекистонни дон мустақиллигини кафолатли тарзда таъминлашни кўзда тутади.

Дон етиштиришни кескин кўпайтириш учун иқлим шароитимизга мослаштирилган навларни яратиш, ғалла парваришининг илғор усулларидан ва айниқса, хосилни йиғиштиришнинг илғор технологиясидан фойдаланиш талаб қилинади.

“Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқиши доимий равишда модернизациялаш ва технологик жихатдан янгилаб бориш иқтисодиётни ислоҳ этишнинг стратегик вазифасидир. Фақат шунинг хисобидан иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш жаҳон бозорида муваффақиятли рақобатлашиш мумкин” лигидан келиб чиқиб, мамлакатимизда мустақиллик даврида амалга оширилган ишларга назар солсак, биргина қишлоқ хўжалигида, жумладан, ғалла етиштиришда иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришда бир қатор туб ўзгартиришларга, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига эришилди. Биргина ғаллачилик соҳасининг ўзини олсак, 1991 йил 771,8 минг га ерга ғалла экилиб, хосилдорлик ўртача 11,7 ц/га бўлган, 2002 йилга келиб эса 1241 минг га ерга ғалла экилиб, хосилдорликни

ўртача 37,7 ц/га гача кўтаришга эришилди. Бугунги кунга келиб илғор хўжаликларда ғалла хосилдорлиги 50-60 ц/га етказилди. Бунинг заминида албатта ғалла етиштиришнинг етук технологияларини қўллаш, уруғларнинг мамлакатимизда яхши натижа берадиган навларини экиш ва айниқса ғалла етиштиришда энг асосий жараён бўлган хосил йиғиштиришда юкори иш унумига эга комбайнларнинг иш қобилиятидан тўлиқ фойдаланганимиздир.

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш стратегиясига асосан кейинги йилларда дехқон ва фермер хўжаликлари кўпаймоқда ва бу хўжаликлар томонидан ҳам ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари кўп миқдорда экилмоқда.

Мамлакатимизда фермер хўжалирининг ривожига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда фермерлар сони 75 мингдан ошиб кетди. Уларга бириктирилган ер майдонлари 1 млн. 500 минг гектардан кўп бўлиб, уларда пахта ва ғалла етиштиришда ўзларининг муносиб хиссаларини қўшиб келмоқдалар. Улар томонидан ғалла хосили ўртача 33,4 ц/га дан 50-60 ц/га гача етиштиришга эришилди. Айни вақтда республикамиз далаларида қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб келаётган хўжаликларга Америка қўшма штатларининг «КЕЙС» хамда Германиянинг «КЛААС» фирмаларининг 3446 та ғалла комбайнлари мувоффақият билан хизмат кўрсатиб келмоқда. Ғалла хосилини йиғиштиришда, биринчи навбатда, дон нобудгарчилигини кескин камайтирадиган технология жорий этилиши лозим. Бундай технология, фикримизча, Скандинавия, Болтиқбўйи мамлакатларида ва Россиянинг кўп серёмғир минтақаларида яхши натижа бераётган кўп фазали усулдир. Ғалла хосилини йиғиштиришнинг кўп фазали усулида, бошоқлардаги дон думбул ҳолатида турли ўргичлар билан тез ўриб олинади ва марказлаштирилган усти ёпиқ ҳирмонда ғарамланиб, сунъий

қуритилади ва ғарамланиб қўйилади. Кейин, стационар холатда янчиш воситаларидан фойдаланиб шошилмасдан янчиб олинади.

I. ҒАЛЛА ЙИҒИШТИРИШДА НОБУДГАРЧИЛИК ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

1.1-§. Ғалла йигиштириш усуллари ва уларга қўйиладиган агротехник талаблар

Ғалла етиштиришда уни йигиштириш энг маъсулиятли жараён бўлиб, уни қисқа муддатда ва юқори аниқликда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ғалла етиштиришни қўпайтириш фақат хосилдорликни ошириш, йиғим-терим пайтида нобудгарчиликни камайтириш хисобига амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Хозирги вақтда ғалла етиштиришнинг энг самарали технологияларини қўллаш хосилдорликни 20% гача оширади. Шундай экан, ғалла етиштиришнинг самарали технологияларини қўллаш ғалла етиштириш келажагидаги асосий омилдир [4,5,15].

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ғалла етиштирувчилар об-ҳаво, иқтисодий ва бошқа шароитларни ҳисобга олган холда ғалла йигиштириш технологиялари танланиши зарур.

Умуман олганда ғалла йигиштиришнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, улар: бир босқичли, икки босқичли ва кўп босқичли ғалла йигиштириш усулларини ўз ичига қамраб олади.

-Бир босқичли ғалла йигиштириш усулида ғалла тўлиқ пишганидан кейин ғалла комбайнida тўғридан-тўғри ўриб янчиб кетилади. Бу усул кўп тарқалган усул бўлиб, содда ва кам меҳнат талаб этадиган усули хисобланади.

-Икки босқичли ғалла йигиштириш усулида ғалла биологик жихатдан тўлиқ пишган пайтида, яъни думбул пайтида хар-хил ўрғичлар ёрдамида ўриб қаторларга тўпланилади. Бир қанча вақт

ўтгач эса қаторлаб кетилган ғаллани комбайн ўрғичи ўрнига йиғгич (подборщик) тақилиб, комбайн билан ғалла янчидан кетилади. Бу усулнинг афзалик томони шундаки, шимолий зоналарда ғаллани ёғин-сочин мавсумларигача йиғишириб олинади ва энг асосийси бу усулда дон нобудгарчилиги кескин камаяди, етиштирилган хосил эса, бир қанча сифат устунликларига эга бўлади [4,5].

- Кўп босқичли ғалла йиғишириш усулида эса, аввал ғалла думбул ҳолатида ўрилиб, транспорт воситаларига юкланиб стационар хирмонларга келтирилади, сўнгра масса сунъий равишда қуритилиб стационар янчгичларда янчидан олинади. Бу усулдан шимолий зоналарда об-ҳаво нам келган йилларда фойдаланилади [9,10].

Хозирги пайтда ғалла етиштириш технологиялари ва унда ишлатиладиган техникаларнинг такомиллаштирилиши муносабати билан асосан ғалла йиғишириш комбайннида тўғридан-тўғри ўриб янчидан кетиш ва шимолий зоналарда об-ҳавонинг нокулай келишига қараб ғаллани бўлаклаб йиғишириш усуллари кенг кўламда қўлланилмоқда.

Албатта, юқорида таъкидланган ғалла йиғишириш усулларига бир қанча агротехник талаблар ҳам мавжуддир:

- Ғалла комбайн ёрдамида тўғридан-тўғри ўриб-янчидан кетиш усулида ғалла авваламбор тўлиқ пишган бўлиши, ундаги намлик миқдори 12-15% дан ошмаслиги зарур, ўриладиган майдондаги ғалла поялари ётиб қолмаган бўлиши керак ва бу ўриш усулида ғалла поясининг узунлиги ҳам чегаралангандан бўлади.

Ўрим-йиғим пайтида бу усулда бошқа усулларга нисбатан нобудгарчилик кўпроқ бўлади, чунки тўлиқ қуриб пишган ғаллага мотовилло ва ўргичнинг келиб урилиши натижасида яъни, ғаллага механик куч таъсирида дон тўкилиши содир бўлади. Бундан ташқари комбайннинг қисмлари яхши ростланмаган бўлса, янчиш

жараёнидаги нобудгарчилик ортиб бораверади. Галла түлиқ пишгандаги белгилари: дон қаттиқ бўлиб, унинг бошоқ билан бирикиши бузилади. Поя мўрт бўлиб, доннинг ранги хира сариқ ёки кулранг тусга киради. Бошоқ осон синадиган бўлади. Бу усул қуриқ, тўлиқ пишган ва бегона ўсимликлар аралашмаган далаларни ўришда яхши самара беради. Чет элларда ғалла йиғиштиришнинг механизациялаштиришган холати таҳлили шуни кўрсатадики, АҚШ ва Канадада ғаллани тўғридан-тўғри комбайн билан ўриб-янчидек кетиш асосий усул хисобланади. Ғарбий Европа мамлакатларида ғаллани тўғридан-тўғри йиғиштириш усули билан бир қаторда уни бўлаклаб йиғиштириш ҳам кенг кўламда қўлланилиб келинмоқда чунки, ғаллани бўлаклаб йиғиштириш ҳам кенг кўламда қўлланилиб келинмоқда чунки, ғаллани бўлаклаб йиғиштиришнинг ҳам бир қатор афзалик томонлари мавжуд.

Ғаллани бўлаклаб йиғиштириш асосан, бир текисда пишиб етилмаган далаларда, ёввойи ўтлар униб чиққан далаларда, об-ҳавонам келадиган зоналарда кенг қўлланилади. Бўлаклаб йиғиштириш усули асосан ғалла думбул пайтида яъни, намлиги 25...27% бўлган пайтда амалга оширилади. Бу пайтда ғалла биологик жиҳатдан тўлиқ пишган бўлиб, ранги қуриб пишган ғалланикига ўхшаш бўлади, поя ранги сариқ тусга кирган бўлади, дон тирноқ билан қирқилмайди, лекин из қолдиради, пояси эгилувчан бўлади.

Ғалла йиғиштиришда бўлаклаб йиғиштиришни қўллаш бир қанча техник иқтисодий қулайликларни беради. Машиналар иш унуми ортади, йиғим-терим вақти сезиларли даражада қисқаради, гектар бошига ғалла йиғиштириш ортади.

Ғаллани бўлаклаб йиғиштириш комбайн билан тўғридан-тўғри йиғиштиришдан олдинроқ бошланади. Уни қаторлардан йиғгич ёрдамида олиб янчидек кетилади.

Тажрибалар шуни күрсатадыки, бир текис пишмаган далаларда, бегона ўт босган далаларда ва ётиб қолган далаларда бўлаклаб йиғишириш усулини қўллаш юқори самара беради. Комбайнлар қаторлаб кетилган ғаллани янчишда тўғридан-тўғри ўриб янчиб кетилгандагига қараганда 20...30% самаралироқ ишлайди, дон 20...30% га тозароқ бўлади. Нобудгарчилик эса комбайнда ўрганданига қараганда 4...5 баробар кам бўлади [11,13,15].

Тажрибалар яна шуни күрсатадыки, ғаллани бўлаклаб йиғиширишда комбайнда тўғридан-тўғри йиғиширишга қараганда 15...20% ёнилғи кўпроқ ишлатилади, меҳнат сарфи эса 1...1,5 одам соат \square га га ортади. Лекин бу кўрсаткичларнинг ҳаммаси тўликроқ ҳосил йиғишириш, кейинчалик ғаллага ишлов бериш хисобига қопланиб кетади [15,55].

1.2-§. Галла йиғиширишда дон нобудгарчилиги ва унинг олдини олиш

Маълумки, ғалла етиширишдаги энг асосий жараён бу уни йиғиширишdir, чунки йигим-терим пайтида йиғишириш технологиялари ғалла етиштирувчи зонага мос келмаса, йигим-терим техникалари тўғри ростланмаган бўлса, қанчалик юқори ҳосил етиштирилмасин нобудгарчилик ялпи ҳосилдорликни камайтириб юборади. Умуман олганда далада нобудгарчилик сон ва сифат жихатидан хар хил сабабларга кўра содир бўлади. Айримларини назорат қилиб бўлади, айримларини эса йўқ. Далада нобудгарчиликка сабаб бўлувчи омилларга қўйдагиларни мисол қилиш мумкин:

- ғаллани пишиб ўтиб кетиши;
- йиғишириш усуллари тўғри келмаслиги;
- йиғишириш оптималь вақтларда ўтказмаслиги;
- техника билан тўлиқ таъминланмаганлиги.

Йиғим-терим ишларига яхши тайёргарлик күриш ва уни оптималь даражада бошқариш таъкидланган жиҳатларни пасайтиради.

Фалла етиштиришда нобудгарчилик табиий ва механик нобудгарчиликка бўлиниб, ғалла бошоғи морфологик жиҳатга етгандан бошлаб ҳар хил факторларнинг таъсири натижасида нобудгарчилик ортиб бораверади. Табиий нобудгарчиликга шамолнинг таъсири, қушлар галасининг учиб қўниши ва ғалланинг ўта пишиб кетиши натижасида ўз-ўзидан тўкилиб кетиши каби факторларнинг таъсирини мисол қилиб олиш мумкин.

Механик нобудгарчиликка эса, йиғим-терим техникасининг ўз вактида қўлланмаганлиги, уларнинг талаб даражасида ростланмаганлиги, йиғим-терим техникасидан фойдаланиш уюшқоқлик билан амалга оширилмаслиги натижасида механик нобудгарчилик юзага келади.

Бизга маълумки, ҳар қандай қуруқ нарса мўрт бўлади, таркибида намлик миқдори етарли бўлган нарсалар эгилувчан бўлади. Шунинг учун ҳам қуриб пишган ғаллага механик (мотовилло ўрғичлар ва бошқа) кучлар таъсир қиласа, куч таъсирида дон тўкилади. Агар механик куч таъсирида ўрилаётган ғалла майдоннинг хар $I \text{ m}^2$ жойига биттадан бошоқ тўкилган бўлса, бу ҳол гектарига 14-17 кг/га ни ташкил қиласи [21]. Аслини олганда эса ғалласи ўрилганда майдоннинг хар $I \text{ m}^2$ жойига битта эмас, балким бунга қараганда анча кўпроқ бошоқ тўкилади, нобудгарчилик эса гектарига олганда анча юқори кўрсатгичга эга бўлади. Шундай экан, тўлиқ пишган ғалазорга комбайн тушишидан олдин уни тўғри ва жуда аниқ ростлаш нобудгарчиликни камайтиришга олиб келади.

Фалла йиғим теримида нобудгарчиликни кескин камайтириш усууларидан биттаси бу ғаллани думбул пайтида яъни, бўлаклаб йиғиш усули хисобланади. Чунки думбул пайтида пишган ғалла дони

поясида тўлиқ қуриб пишган ғалла донига нисбатан механик зарбларга жиҳатдан турғунроқ бўлади. Думбул пайтида ўрилган ғалла тўлиқ қуриб пишган ғаллага нисбатан биологик жиҳатлари билан қолишмаслиги тажрибалар асосида тасдиқланган [15,21].

Ғалла етиштирувчи хар қандай мамлакат ўз майдонининг жойлашишига, иқлим шароитига, иқтисодий шароитига ва экилган ғалла уруғига қараб нобудгарчилиги энг кам бўлган ғалла йиғишириш технологиясидан фойдаланади. Масалан: АҚШ да ғалла асосан комбайнда тўғридан-тўғри йиғишириш усули ёрдамида йиғишириб олинади. Сомон керакли бўлган жойлардагина пресс-подборщик билан қисман йиғиб олинади қолган қисми эса, тупрокда чириши учун ағдариб ташланади.

Евropa мамлакатлари ва Россияда ғалла комбайн билан тўғридан-тўғри йиғишириш усули билан биргалиқда ғаллани бўлаклаб йиғишириш технологияси ҳам кенг равища қўлланилиб келинади. Чунки, бу усуллар шу мамлакатлар учун ғалла йиғиширишда ва унда нобудгарчиликнинг олдини олишда самарали хисобланади.

Республикамизда ғалла етиштириладиган хўжаликларда ғалла ўрим-йигими ишлари икки (аввал ўриб, кейин янчиш) ва бир босқичли (комбайнда бира йўла ўриб-янчиб олиш) усулида олиб борилади. Бунда “Ростсельмаш”, «Кейс», «КЛАСС» фирмаларининг ғалла комбайнлари, ЖВН-6 ўрғичлари ППТ-3 ва барабанли подборшиклар ишлатилади.

Иккила усулдан ҳам шароитга қараб оқилона фойдаланиш керак, шундагина ғалла ўрим-йигимининг энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаб қисқа вақтда юқори сифат билан ўтказиш мумкин.

Ўрим-йигим вақтида дон нобудгарчиликка учраши ва механик шикастланишининг, нобудгарчилик миқдорини белгиловчи омиллар

бир-бирига боғлиқлигини, уларнинг ўзаро таъсирини чуқур ва хар томонлама ўрганиш лозим. Бу комбайнни ўрганиш натижаларини эътиборда тутган холда иш юритишга, ташкилий тайёргарлик ишлари хўжаликда йил бўйи ўтказилишига ёрдам беради.

Ўтказилган тажрибалар кузатишлар жараёнида шу нарса маълум бўлдики, нобудгарчилик асосан қуйидаги сабабларга кўра содир бўлади:

-хўжаликда ўрим-ийғимни ташкиллаштириш шароитлари: Ўрим-ийғим ишларини вактида бошламаслик ва чўзиб юбориш, далаларни пайкал (зона) ларга нотўғри тақсимлаш, иш сифати текширувининг ёмон ташкил қилиниши, хақ тўлаш тизимининг нотўғри кўлланиши ва бошқалар.

-агротехник сабаблар: ғалла етиштириш жараёнида агротехник талабларнинг бузилиши, экин далаларининг нотекислиги, кўчатларнинг қалин ёки сийраклиги, бегона ўтлар мавжудлиги, ўсимликларнинг ётиб қолиши, улар парваришининг ёмон олиб борилиши ва бошқалар.

-техник сабаблар: ўрим-ийғим машиналари ишчи органларининг талаб даражасида ростланмаганлиги, техник ишга ёмон тайёрланганлиги ва бошқалар.

-технологик сабаблар: хосил ўрим-ийғими узлуксиз давом этирилмаслиги, нотўғри ташкил қилиниши, агрегатларни меъёридагидан кўпроқ туриб қолиши кабилар.

-биологик сабаблар: ғалла тупларининг ётиб қолиши, доннинг паст сочиувчанлиги хусусиятига эгалиги, қийин янчилиши, енгил шикастланиши ва бошқалар.

-механизатор касб маҳоратининг пастлиги: комбайн ҳайдовчиларининг тажрибасизлиги натижасида содир бўладиган нобудгарчилик.

-кўзда тутилмаган сабаблар: ғалла бошоқ чиқарган даврдаги ёки йиғим-терим пайтидаги табиий оғатлар жала, ёмғир, дўл, қаттиқ шамол ва шу кабилар. Донни заараркунандалар, кемирувчилар ва қушлар ейиши, ўсимликларнинг касалланиши ва бошқалар.

Бу каби сабаблар доннинг бевосита ва билвосита нобуд бўлишига турли даражада таъсир этади. Шунинг учун хам комбайнчи уларнинг ҳар бирини чуқур билиши лозим. Шунингдек, у фақат техник жиҳатдан эмас, балки агрономик, иқтисодий, маъмурий-ташкилий ишлар бўйича ҳам саводли бўлиши керак. Бу энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, ўрим-йиғим машиналарининг техник имкониятларидан самарали фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.

Комбайнни тўғри йиғиш ва олдиндан ишга созлаш катта аҳамиятга эга.

Ишлатишга мўлжалланган машиналар янги ремонтдан чиқсан ва ишлатилган бўлиши мумкин. Шу боис комбайнни қабул қилаётганда комбайнчи унинг ахволига эътибор бериши керак. Консервацияни бузиш, комбайнни йиғиш ва чиниқтириш ишларини машинага завод томондан берилган йўриқнома (инструкция) асосида бажарилиши лозим.

Комбайнни йиғиш жараёнида ғалвирнинг зич жойлашишига, текширтириш ва ростлаш учун мўлжалланган тешик ва дарчаларнинг қопқоқлари зич ёпишиб туриши ва мустахкамлигига, шнек ва элеваторнинг бир-бирига зич жойлашишига, ўргич ва қия камеранинг туташ жойининг зичлигига алоҳида эътибор билан қараш зарур. Шу каби узел ва агрегатларнинг мустахкамланишини кўздан кечириш лозим. Комбайннинг ишли органларини кўздан кечириб туриш, уларга тегишли бўлмаган асбоб, болт, гайка каби деталлар кўйилмаслигини таъминлаш, агрегатни олдин қўлда айлантириш, бутун механизмлар нормал айланишига ишонч хосил қилгач, сўнгра

двигатель ёрдамида паст айланишларда чиниқтиришни бошлаш керак.

Бир ёки бир неча нұқсанларнинг мавжудлиги ғалла массасининг нотекис узатилишига, бу эса комбайнни нормал ишлаши бузилишига ва нобудгарчилик күпайишига олиб келади.

Ғаллани ўриб, кейин янчишда йўқотиладиган доннинг энг кўп миқдори пояси ўсган ғалазорлар учун 2,5%, ётиб ўсган ғалазорлар учун 3,5% ни комбайн билан бира йўла ўриб янчишда эса, бу кўрсатгич 2...3% ни ташкил қилиши керак. Бунга эришиш учун ўрим машиналари узеллари ва ишчи органларининг туташ жойларини зичлаш лозим.

Комбайнни тирқиши ва нозичликларидан дон тўкилиши икки босқичда аниқланади:

1. Гаражда, комбайнни ўрим-йиғим ишларига тайёрлаб бўлганидан сўнг.
2. Дала шароитида, комбайн далада ишлаётган вақтда.

Гараж шароитида дон нобудгарчилигини аниқлаш учун комбайн 5□8 метрли брезент устига ёки тоза текис майдонга жойлаштирилади.


Ўрғичига 35...40 секунд ичида қўлда (доннинг сомонга нисбати 1:1,5 бўлган) 200 кг дан кам бўлмаган масса қўлда ташланади. Бу масса комбайндан ўтказилгандан сўнг дон тўкиладиган жойлар аниқланади ва беркитилади.

Дон тўкиладиган қисмларни дала шароитида аниқлаётганда янчиш аппарати ва қия камера остига брезент осилади. Бир бункер дон янчилгандан сўнг брезентларга тушган дон миқдори хисобланади. Тирқишлиардан тўкилган дон миқдори 0,1% дан ошмаслиги керак.

Мотовило катта тезликда айланганда ва унинг парраклари ғалла пояларига урилганда бошоқлардан донни уриб чиқаради, айниқса

осон янчилган ва пишиб кўп туриб қолган ғаллани ўришда донни кўп нобуд қиласди. Мотовило баланд кўтарилигани учун планкалар пояларга, бошоқларга яқин ҳатто бошоқларга таъсир этиб, бошоқни уриб чиқаради. Мотовило жуда паст ўрнатилганда, поялар қисман планкалар таъсирида ва айниқса, паст бўйли ва энгашиб қолган далаларни ўришда ерга тўкилади. Бошоқлар ҳар хил баландликда жойлашган ғаллани ўришда мотовило парракларига тасмали кенгайтиргичлар (150...200мм) ёки қўшимча парраклар ўрнатилган бўлиши мумкин. Шу сабабли баланд пояларнинг бир қисми парраклар устидан улоқтирилади, паст пояларники эса ўриш аппаратининг қирқилган поялардан тозаланиши сабабли нобуд бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ғалла биологик жихатдан тўлиқ пишгач вақт ўтиши билан ўз-ўзидан тўкила бошлайди, нобудгарчиликнинг бу кўрсатгичи қуйидаги графикда келтирилган [71,72].



1-буғдой; 2-арпа.

1.1-расм. Биологик тўлиқ пишган бошоқдан

доннинг тўкилиши графиги

Юқоридаги таъкидланганларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, ғалла йиғим-теримида нобудгарчиликка йўл қўймаслик учун ғалла биологик жиҳатдан пишиб етилгач, уни йиғиштириш технологиясидан қатъий назар йиғим-терим ишларини оптимал муддатларда ўтказиш ва йиғиштиришда қўлланиладиган техникани юқори аниқликда ростланган бўлиши зарур.

1.3-§. Ғаллани ўриб ғарамлаб, сўнгра янчиш технологияси

Ғаллани ўриб сўнгра уни стационар холда янчиб олишнинг қуийдаги усуллари мавжуд бўлиб, уларга

- уч босқичли технология;
- Кубан технологияси;
- ёғингарчилиги кўп зоналар учун «Гидрокомплекс» технологияси;
- «Кокумс Аграр» технологияси [15];
- ғаллани думбул ҳолатда ўриб стационар ҳолатда янчиш технологияси;
- «Невейка» схемаси бўйича ғалла йиғиштириш технологияси;
- «Крестцовая» йиғиштириш технологияси;
- «Hard barge» технологияси [15];
- «Ленточная» йиғиштириш технологияси;
- хосилни ғарамлаб йиғиштириш технологиялари киради.

Юқорида таъкидланган яъни, ғаллани биологик жиҳатдан тўлиқ пишган пайтда ўриб уни ғарамлаб сўнгра янчиб олишнинг ўзига хос бир қанча устунлик томонлари мавжуд бўлиб, улар асосан етиштирилган хосилни нобудгарчиликсиз йиғиштириш, хосилни иложи борича қуруқроқ йиғиштириш, ғалла хосилини ичига бегона ўтлар уруғини аралаштирмасдан йиғиштириш, хосилнинг ем-хашакка

яроқли қисмини хам тұлиқроқ йиғишириш каби ижобий томонларга әгадир.

Бу технологияларни тадбиқ этиш ғалла йиғим–теримини яхши ташкиллаштириш бўлибгина қолмай, балким йиғишириш ишларида электроэнергия, автоматизация ишларини тадбиқ қилган холда кенг саноатлиштиришга ўтказиш хамдир.

Уч босқичли йиғишириш технологияси.

Ғалла тракторга тақилган ўрғичлар ёрдамида қаторлаб ўриб кетилади. ЖВ-15 ўргичи 15 м кенгликда ғалла массасини ўриб қаторлаб кетгач сўнгра, СШ-75 йиғгич-майдалагич қаторлаб кетилган массани тўрт пичокли барабан ёрдамида майдалаб ТПУ-70 тележкасига бира-йўла ортиб беради. Юкланган масса стационар пунктга келтирилиб, МС-10 сепаратор-янчиғич билан жихозланган ўрага келтирилиб тўкилади ва ўрада келтирилган масса иссиқ шамол билан шамоллатиб қуритилгач янчиғичга узатилади ва масса янчиб олинади.

Кубан технологияси бўйича ғалла йиғишириш.

Технологик жараён бўйича бу йиғишириш усули уч тармоқли йиғишириш усулидан фарқ қилмайди, фақат Таганрог ГСКБ си таклиф этган ғалла комбайни яъни, янчиш барабани ўрнига майдалайдиган аппарат ўрнатилган комбайн ёрдамида ўриб-майдалаб бир йўла 2ПТС-4-887Б тележкаларига ортилади ва усти ёпиқ стационар янчиш пунктларига келтирилиб тўкилади. Келтирилган масса қуритгич-сепаратор билан жихозланган ўрага узатилади. Ўрада қуритилган масса ПЭМ-1,5 таъминлагичи орқали юқори қувватли СК-6-11 «Колос» ёки СК-10 «Ротор» комбайнларига узатилиб янчиб олинади.

«Гидрокомплекс» технологияси бўйича ғалла йиғишириш.

Бу усулни ёғингарчилиги кўп зоналарда етиштирилган ғаллани йиғиштиришга мўлжалланган бўлиб, Латвия мутахас-сислари ишлаб чиқкан. Намлиги 30-40 %, ётиб қолганлик даражаси 40-60 % ва ёввойи ўт босганлик даражаси 25 % ва ундан ортиқ бўлган далаларда бу усулни ишлатиш яхши самара беради. Ҳосил ўргич майдалагичлар Е-281 ва КСК-100 машиналари ёрдамида ўриб бира-йўла транспорт воситаларига юкланди ва стационар пунктга келтирилади. Стационар пункт олдиндан тайёрланган ва ПМЗ-1,5 дозатори билан жихозланган асфальтланган майдончадан иборат бўлиб, бу ерда ғалла қуритгич 2 та Доминатор-130 комбайни орқали кетма-кет равишда янчиб олинади.

«Кокумс Аграр» технологияси бўйича ғалла йиғиштириш.

Мураккаб климатли минтақалар учун «Кокумс Конструк-шин» швед фирмаси ғалла йиғиштиришнинг «Гидрокомплекс» йиғиштириш усулига ўхшаш усулни ишлаб чиқди. Бу технология учун бир қатор машиналар мажмуини яратдилар.

Жами биологик ҳосил бир йўла ўриб 30-50 мм узунликда майдаланиб, стационар пунктга келтирилиб, қуритиб янчиб олинади.

Бу технология швед қурилмаларини ишлатган холда Англия ва Данияда синовдан ўтказилди. Тажрибалардан шу аниқ бўлдики, бу йиғиштириш усулида нобудгарчилик жуда кам бўлиб, ҳосилнинг ем-хашакка яроқли қисмини йиғиштириш 25-35 % га ортади. Дания фирмасининг хисоб-китобига кўра 1250 га ғалла майдонини йиғиштириш учун 3 та дала машинаси, 12 та контейнер, 3 та контейнер ташигич керак бўлса, комбайнда йиғиштириш усулида эса, 5 та комбайн, 5 та трактор, дон ташиш учун 5 та прицеп, 5 та пресс-подборшиклар зарур экан [15].

Ғаллани думбул холатда ўриб стационар холатида янчиш технологияси.

Сибир қишлоқ хұжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқод институти (СиБИМЭ) таклиф қилған технология асосида ғаллани думбул холатида ўриб ғарамлаш ва сүнгра уни қуритиб янчыб олиш бўлиб, думбул холатда ўриб ғарамланган ғаллани ғарамда сунъий равища қуритилғанда поядаги озиқа миқдорлари бошоққа ўтиб дон тўлиқроқ бўлиши ва тўлиқ пишиб етилған ғалла ҳосилидан фарқ қилмаслиги ўтказилған тажрибалар асосида аниқланди [15].

Бунда ғалла думбул пайтида яъни, намлик миқдори 25-27% бўлганда майдаламасдан ўриб транспорт воситасида стационар пунктларга келтирилади ва ғарамлаб қўйилади. Сунъий равища қуритилған ғалла шу майдонда КТУ-10 таъминлагичи ёки ПЗМ-1,5 таъминлагичи ёрдамида комбайнга узатилади ва янчилиб олинади.

«Крестцовая» технологияси бўйича ғалла йиғишириш [15].

Бу технологияда ғалла думбул пайтида ўрилиб, катта-катта ғалла қучоқлари бир-бирига қалаштирилиб ғарамлаб қўйилади. Ғарамга комбайн келтирилиб қўлда ташлаб туриб янчыб олинади ёки ғарамларга комбайн янчиш қувватидан 5...10 баробар кучлироқ стационар янчиш мосламалари келтирилиб янчыб олинади.

«Hard barge» технологияси бўйича ғалла йиғишириш [15].

Бу технология 20-30 йилларда Канада ва АҚШ мамлакатларида кенг равища қўлланилған технология бўлиб, унда ғалла думбул пайтида баланд ўрилиб транспорт воситалари ёрдамида стационар пунктларга келтирилади хамда ғарамга ёғингарчиликлар кам таъсир этиши мақсадида, сувнинг сидирилиб тушиши яхши бўлиши учун устки томони конуссимон қилиб ғарамланади. Ғарамга комбайн судраб келтирилиб масса қўлда ташлаб туриб янчыб олинади.

Кейинчалик шу технология учун «Catpillar» заводи ғарамдан комбайнга масса узатувчи мослама ишлаб чиқди.

«Ленточная» технологияси бўйича ғалла йиғиштириш [15].

Украина қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-тадқиқод институти томонидан кашф қилинган бу технология бўйича ғалла йиғиштириш ноёб бўлиб, унда ўргичлар ўрилаётган ғалла бира йўла эни 2 м ва узунлиги 200-300 м бўлган полиэтилен лентага келиб тушади. Дала четига бориб ўргич тўхтагач лента қайта ўралиш хисобига массани янчиш аппаратига бир маромда узатиб туради.

Узлуксиз-потокли ғалла йиғиштириш технологияси.

УНИИМЭСХ нинг Харьков филиали томонидан таклиф қилинган бу технологияда хам ғалла йиғиштириш таъкидлаб ўтилган технологиялар каби бажарилиб, унда ўргич-юклагич билан ўрилиб майдаланмасдан шу ўргич-юклагич прицепига юкланиб стационар пунктга келтирилиб уюлади ва пунктга узатгич билан жихозланган ўзиорар янчиш агрегати келтирилиб яншиб олинади.


Ғаллани ғарамлаб йиғиштириш технологияси.

Бу технологиянинг афзаллиги шундаки, ўрилган ғалла ўргич ғарамлагичнинг кузовида йиғилиб, дала четига ёки алоҳида ғалла янчиш пунктларига келтирилиб тўкилади. Келтирилган ғаллага янчиш аппаратлари келтирилиб ғалла яншиб олинади. Хисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ўргич ғарамлагич (1.3-расм) кузовидаги ғалла массасини бира йўла чорвачилик фермалари ховлиларига келтирилиб тўкилса ва сўнгра шу ернинг ўзида яншиб олинса, мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бу ҳолда янчишдан чиқсан сомонни бир жойдан иккинчи жойга ташиш учун ортиқча меҳнат сарф бўлмайди.

Юқорида таҳлил қилинган технологиялар шуни кўрсатадики, хозирга келиб уларни танлаш имконияти каттадир. Бизнинг фикримизча уларнинг ичида келажаги порлоқ технология бу жами биологик ҳосилни бира йўла йиғишириб унга саноатлаштирилган ҳолда ишлов бериш технологиясидир. Чунки бу йиғишириш жараёнини автоматлаштириш имконияти ортиб, меҳнат харажати камайиши мумкин. Улардан Ўзбекистон шароитида етиштирилган ғаллани йиғишириб олишда ҳам фойдаланилса бўлади. Аммо уларнинг махаллий шароитда иқтисодий самара бериш ёки бермаслигини олдиндан айтиш бир мунча мураккабдир. Чунки, ушбу технологиялар асосан кенг қамровли майдонларда текшириб кўрилган, иқлим, тупроқ шароитлари Ўзбекистонда етиштирилган ғалланинг шароитидан тубдан фарқ қиласди. Шу бир қаторда қуйидаги технологияларнинг, Ўзбекистон Республикасида етиштирилган ғаллани йиғишириб олиш шароитига мос келадиган жихатларидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу жихатларга СиБИМЭ илмий-тадқиқод институти таклиф этган «Крестцовая», Канада ва АҚШ да кенг қўлланилган «Hard barge» ва ғаллани ғарамлаб йиғишириш технологияларидаги ғаллани думбул ҳолатда ўриб, транспорт воситалари ёрдамида маҳсус тайёрланган сақлаш майдонларига ташиш, ғарамлаш каби технологик операцияларни кўрсатиш мумкин. Чунки бу технологик операциялар ғалла йиғиширишда дон нобудгарчилигини кескин равишда камайтириш имконини беради.


Ғаллани ўриб, ғарамлаб, сўнгра янчиш технологияларида ғарамдаги ғаллани керакли миқдорда ажратиб олиш, маҳсус янчиш қурилмасига, ғалла комбайнига ёки янчиш аппаратларига уларнинг янчиш имкониятларига қараб узатиб бериш операцияларини амалга оширишда қўл кучи ёки маҳсус қурилмалар; майдалаб узатгич,

таъминлагич-узатгич ва бошқалардан фойдаланилган. Уларнинг конструкциялари турли хил бўлиб, айримларининг умумий схемалари 1.2-расмда келтирилган. Бу қурилмалар тузилиш жихатдан бир-бирига ўхшаш бўлиб, асосан ғарамтитгич қурилма, планкали транспотёр ва ёрдамчи қисмлардан иборат. Улар алоҳида ишлайдиган қурилма шаклида лойиҳалаштирилган бўлиб, комбайнларда мослама сифатида ишлатиш кўзда тутилмаган. Юқорида таъкидлаб ўтилган технологияларни амалга оширишда 1.3-расмда келтирилган ўрғич-ғарамлагич машина-сидан фойдаланиш бир мунча самара бериши мумкин. Аммо, Ўзбекистон Республикаси шароитида етиштирилган ғалани йиғишириб, янчидан олишда кўрсатилган технологияларнинг самара берадиган операцияларини, уларни амалга оширишда фойдаланиладиган қуроллар, ишчи қисмлар ва машиналарни танлаш, шароитга мослаштириб такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.



1-титгич; 2-планкали транспортёр; 3-сидирғич.

1.2-расм. Гарамтитгичларнинг конструктив схемалари



1-ўрғич; 2-қия камера; 3-қўшимча транспортёр; 4-вентилятор; 5-улоқтирувчи қисми; 6-дефлектор; 7-асосий камера; 8-зинчловчи камера; 9-орқа клапан; 10-сиқувчи девор; 11-бурилувчи шарнир.

1.3-расм. Ўзиорар ўрғич-гарамлагич схемаси

1.4-§. Тадқиқотнинг гипотезаси, мақсади ва вазифалари

Фалла комбайни асосий йиғиштириш машинаси сифатида фойдаланишга асосланган фалла йиғиштириш технологиялари бир қанча камчиликларга эга. Бунга уларнинг мураккаблигини ишлов бериш жараённинг кўп фазалигини, машиналардан фойдаланиш тупроқ, иқлим шароитига, фалла ўрими пайтида умумий ҳолатига боғлиқлигини ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Йиғиштириш вақтининг агротехник вақти ўтказиб юборилса ушбу технологиялардан фойдаланиш дон нобудгарчилигининг кўпроқ бўлишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам уни жуда қисқа вақтларда йиғиштириш ишларини юқори равишда ташкиллаштирилган холда ўтказиш

мақсадга мувофиқ бўлади. Акс холда нобудгарчиликнинг миқдори ортиб кетади ва етиширилган хосилнинг таннархи баланд бўлади.

Ғалла йиғишириш технологиясини танлашда уни ташкил этишда, қуидагиларга эътибор бериш керак:

1. Йиғишириш ишларини оптимал муддатларда ўтказиб, дон нобудгарчилигини камайтириш чораларини тўлиқроқ амалга оширишга.

2. Биологик хосилни тўлиқроқ йиғишириб олишга.

3. Мавжуд комбайнларнинг технологик имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланишга.

4. Техникани ишлатишга фақат юқори малакали, маҳсус тайёрланган механизаторларни жалб этишга.

Кўрсатилган талабларнинг энг муҳими албатта, бу дон нобудгарчилигини кескин камайтиришдир. Бу талабни қониқтирадиган йиғишириш технологиясини танлашни хаётнинг ўзи тақоза қилмоқда. Чунки, бундан кейин экин майдонларини кўпайтиришнинг иложи йўқ. Маҳсулотни кўпайтиришнинг бирдан-бир йўли эса етук технологияларни қўллаш ва етиширилган хосилни нобудгарчиликсиз йиғишириб олишдир.

Мамлакатимизда ғалла йиғиширишни қисқа вақтда ва нобудгарчиликсиз йиғишириш учун комбайнда тўғридан-тўғри йиғишириш усули билан бир қаторда хосилни бўлаклаб йиғишириш усулини қўллаш ҳам мақсадга мувофиқдир:

-Ғалла тўлиқ пишишидан олдин, яъни думбул холатида ўриб дала четига чиқарилиб ғарамлаб қўйилади.

-Хирмонда ғарамланган ғаллани 7...10 кундан кейин комбайн ёрдамида янчишни бошлаш керак.

Ўриш, тўплаш, транспорт воситаларида ташиш ва ғарамлаш пайтида содир бўладиган тўзитиш, силташ каби механик зарбалар

таъсирида думбул холатидаги ўрилган ғалладан доннинг ажралиб тўкилиши деярли бўлмайди. Думбул пайтида ўрилган ғалла поясининг шираси қуриш жараёнида бошоқдаги донга ўтиб, унинг тўлиқроқ бўлиши, қуриб пишган ғалла хосилидан қолишмаслиги, озуқа сифатининг яхшиланиши олимлар ўтказган тажрибаларда тасдиқланган [15]. Хирмонда бир жойда ишлаётган комбайндан тўкилган донни кейин йиғиштириб олиш мумкин, сомон ва чори исрофгарчилиги кескин камаяди. Демак ўз-ўзидан технологиядаги юқоридаги иккинчи талаб ҳам бажарилиб ғалланинг биологик хосили тўлиқроқ йиғиштирилади.

Ғалла билан биргаликда тўлиқ пишиб улгурмаган бегона ўтларнинг уруғлари ҳам далага тўкилмасдан четга олиб чиқилади. Пайкалда турли техникаларнинг юриш сони камайиб, тупроқда зарарли зичланиш камаяди.

Хирмонда ғарамланган ғалла шамол эсадиган йўналишга кўндаланг қилиб уюмланади. ёзнинг қуруқ ҳавоси бу ғарамлардаги ғалланинг тезда табиий равишда, тўлиқ ва безарап қуришини таъминлайди. Ғарамдаги ғалланинг моғорлаб кетмаслигини ўтказилган тажрибалар тасдиқлади [13,14,15,21].

Тўлиқ қуритилган ғарамга оддий ёки маҳсус жихозланган комбайн келтирилиб, ғалла бир жойда янчилади. Оддий ўзгартирилмаган комбайнга ғалла поялари ғарамдан қўлда ёки бошқа восита ёрдамида олиб берилади ва янчилади. Аммо комбайн ўрғичи (жаткаси) ўрнига барабанли маҳсус мослама ўрнатилса, комбайннинг фойдаланиш самарадорлиги сезиларли даражада яхшиланиб харажатлар камаяди.

Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, маҳаллий шароитда етиштирилган ғалла хосилдорлиги ўртача 25-35 ц/га айрим пайтларда 45 ц/га ни [15, 21] ташкил этади. Етиштирилган ғалла янчиш қобилияти катта (12 кг/с гача) бўлган «Кейс»-2166, «Кейс»-2366 ва

«Класс», «Доминатор-130» ва бошқа комбайнлар билан йиғишириб олинади. Ушбу кўрсатгичларни қиёсий солиштириш ғалла ҳосилдорлиги ва ишлатилаётган ғалла комбайнларининг янчиш қобилияти орасида номутаносиблик борлигини ва мавжуд комбайнлар тўлиқ юкламасдан ишлатилаётганини кўрсатди. Натижада улардан фойдаланишнинг даражаси 0,5...0,6 дан ошмайди. Маълумки, янчиш қобилиятидан тўлиқ фойдаланилмаган ҳолда ишлатилган комбайн донни сезиларли даражада шикастлайди (синдириб майдалайди). Ғалла ҳосилдорлигига мос келадиган ғалла комбайнини танлаш ва улардан самарали фойдаланиш унинг янчиш қобилиятидан фойдаланиш коэффициенти билан аниқласа бўлади. У қуидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$K = \frac{B_{II} q V_K}{I},$$

бу ерда: B_{II} -комбайн ўрғичининг мос равища ишчи ва назарий қамров кенглиги, м; q -ғалла ҳосилдорлиги (бошоқдаги дон ва сомон йиғиндиси), кг/м²; V_K -комбайн тезлиги, м/с; I -комбайн янчиш аппаратининг оптимал янчиш имконияти, кг/с.

Республикамизда суғориладиган ерларда жўяклар олинган бўлиб, дала юзаси микрорельефини ўзгарувчан қиласи. Иш вақтида комбайн ва комбайнда учрайдиган тебранишлар жоиз бўлган ўлчамларни ошиб кетмаслиги учун агрегатнинг тезлиги чекланган бўлади. Шу сабабли комбайнлар амалда 1,2...1,3 м/с (4,3...4,6 км/соат) дан ошмайдиган тезликларда ишлатилади. Суғориладиган ерлардаги дон бўйича ҳосилдолик 30 ц/га бўлса, сомон билан дон нисбати 1:1,5 бўлганида ғалла ҳосилдорлиги $q=0,75$ кг/м² ($Q=75$ ц/га) ни ташкил этиш керак. Бу кўрсаткичларда янчиш имконияти $I=5$ кг/с бўлган СК-5 “Доминатор-130” комбайнидан фойдаланиш коэффициенти максимал қиймати ($K=1,0$) ни таъминлаш учун ўрғичнинг қамров кенглиги

$$B_H = \frac{K \cdot I}{q \cdot V_K} = \frac{1 \cdot 5}{0,75 \cdot 1,2} = 4,5$$

м. дан кам бўлмаслиги керак.

Лалмикор жойларда дон бўйича ўртача ҳосилдорлик 15 ц/га бўлса, $V_i=9$ м бўлиши лозим.

Аммо, табиийки, комбайн ўргичининг чап томони четидан 0,1...0,3 м. жой ўримда иштирок этмайди яъни, $V_i < V_h$ бўлади.

Демак, ҳосилдорлиги 30 ц/га жойларда ҳатто ўта юқори янчиш қобилиятига эга бўлмаган СК-5 “Доминатор-130” комбайнидан самарали фойдаланиш учун унинг ўргичи амалда $V=4,5$ м бўлиши керак. Лекин ўргич қамров кенглигини $V_h=4,1$ м лигини эътиборга олинса, комбайндан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлмайди. СК-5 “Доминатор-130” комбайни ўрнига “Кейс” ёки “Дон-1500” каби юқори ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган комбайнлар ишлатилса, улардан фойдаланиш коэффициенти 0,5...0,6 дан ошмасдан қолади. Бу эса ўз навбатида махсулот сифати ва таннархига салбий таъсир кўрсатади.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, юқори янчиш қобилиятига эга бўлган ғалла комбайнларини амалдаги ғалла йиғишириш технологияларида самарали ва янчиш қобилиятидан тўлиқ фойдаланиш учун энг аввало ғалла ҳосилдорлигини ошириш (70...90 ц/га) ёки комбайн учун кенг қамровли ўргич танлаш лозим бўлади. Аммо ҳар иккала омил ҳам хозирча махаллий шароитда ўз ечимини топиш бирмунча муракабдир. Чунки биринчидан ғалла ҳосилдорлигини ошиши тупроқ унумдорлигига, танланган уруғ навининг талаб этилган ҳосилдорликни таъминлай олиш қобилияти ва тупроқ, иқлим шароитига мос келишига, дехқончилик маданияти ва бошқаларга боғлиқ. Буларни махаллий шароитда амалга ошириш учун изчиллик ва узоқ муддат талаб этилади. Иккинчидан ғалла экиладиган кенг майдонларда ернинг текисланиш даражаси, суғориш

ариқларининг олиниши ва бошқалар хозирги кун талабига жавоб бермаслиги, уларни таъминлашда эса техник муаммоларнинг мавжудлиги, кенг қамровли агрегатлардан фойдаланиш самарасини пасайтиради. Ғалла комбайнларини ишлатишда эса дон нобудгарчилигининг кескин ошишига сабаб бўлади. Ушбу муаммони ғалла йиғишириш технологиясиغا ўзгартериш киритиш орқали билан ечиш ҳам мумкин. Республикада дехқон ва фермер хўжаликлари томонидан экиладиган ғалла майдонлари (умумий ғалла майдонининг 45 % ни ташкил этади) юзаси 5...10 гектарни ташкил этади ва улар бир-биридан етарлича узоқликда жойлашган. Майдонлари кичик ва тарқоқ ҳолда жойлашган ерларда етиштирилган ғаллани комбайнларда йиғишириб олиш бир мунча ноқулайликларга эга, ўрим-йиғим ишларнинг ўз пайтида-агротехник жихатдан белгиланган муддатда бажарилмаслигига, юқори унумли комбайнларни кичик юзали майдонларда ишлатиши сабабли, улардан фойдаланиш коэффициенти паст бўлиши, дон нобудгарчилигининг кескин ортиб кетишига, ёнилғи ва энергия сарфининг ошишига ва бошқа салбий оқибатларнинг вужудга келишига олиб келади. Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси шароитида ғалладан тозаланган ерларга ем-хашак, полиз ва сабзавод экинлари экилади. Бунинг учун ғалла имкон борича эрта йиғишириб олингани маъқул.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, бу борада мамлакатимиз тупроқ, иқлим шароитига мос келадиган ғалла йиғишириш технология ва техникалар мажмуини тўплаш лозим.

Аксарият кичик юзали ва тарқоқ жойлашган ғаллазорлардан ғаллани йиғишириб олишда қуйидаги, олдиндан маълум бўлган, Ўзбекистон Республикаси тупроқ, иқлим шароитига мослаштирилган йиғишириш технологиясидан фойдаланишни тавсия этамиз. Ушбу

технология ғалла йиғиширишдаги мавжуд муаммоларни хал қилиб, қуидагиларни кўзда тутади:

-ғалла думбул ҳолатга етганда мавжуд йиғишириш машиналари билан ўриб олиниб, дала четида маҳсус таёrlанган майдонда ғарамланиб қўйилади. Ўриб ғарамланган ғалла ёзниг иссиқ ва қуруқ ҳавосида табиий равишда қуритилади.

-Керакли муддат ўтганидан кейин (10...15 кун) маҳсус мослама билан жихозланган ғалла комбайнлари ёрдамида янчиб олинади.

Ушбу ғалла йиғишириш технологияси амалдаги технологияларга нисбатан қуидаги афзалликларга эга бўлиши кутилади:

1. Ғалла йиғим-терими ишларини қисқа агротехник муддат давомида бажариш имконини беради ва дон нобудгарчилигининг олдини олади (амалдаги технологияга нисбатан дон нобудгарчилигини 4...5 баробарга камайтиради).

2. Сомон нобудгарчилигини кескин камайтиради ва уни марказлаштирилган ҳолда йиғишириш имконини беради.

3. Ғалла майдони қайта экинлар экилиши учун эртароқ бўшатилади (15...25 кун олдинроқ), натижада уларни эртароқ экиш имконияти яратилади.

4. Тўлиқ пишиб етилмаган бегона ўтларнинг уруғлари ғалла билан ўриб-йиғишириб олинганлиги сабабли, ўт уруғларининг ерга тушишининг олди олинади.

5. Ўримга технологияни самарали амалга ошириш ва унга сарфланадиган харажатларни кескин камайтириш учун ғарамланган ғаллани ғалла комбайнлари билан янчиб олиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ғалла комбайнни ўргичи маҳсус ғарамтитгич мослама билан жихозланиши лозим.

Шундай қилиб, таклиф этилган ғалла йиғишириш технологияси асосида ғалланинг янчиб олиниши: ҳосили думбул пишган ғалла

максус тайёрланган майдончаларда ғарамланиб йиғиш ғарамда ғаллани табиий иссиқликда куриши, ғарамни титиб, ғалла комбайнинга керакли миқдорда узатиш ва янчиб олиш каби технологик операциялардан иборат. Ғаллани ўриб олиш, ташиш, ғарамлаш, янчиш каби технологик операциялар аксарият мавжуд техник воситалар ёрдамида амалга оширилади. Фақат ғарамдаги ғаллани титиб уларни керакли миқдорда ажратиб олиб, комбайн янчиш қурилмасига узатиб бериш операцияларигина максус қурилма ёрдамида амалга оширилади. Ушбу қурилма комбайн ўргичи ўнига ўрнатилади ва охирги технологик операция-ғалланинг комбайн билан янчиб олиниши жараёнини тугалланишини таъминлайди. Шундай қурилма билан жихозланган комбайн (дастлабки патент 15144) тадқиқот обьекти сифатида қабул қилинган. У қуйидаги қисмлардан тузилган: юритиш қисми, двигател, кабина, янчиш қурилмаси, гидросистема, бошқариш механизмлари, бункер ва бошқа ёрдамчи қисмлардан, транспортли қия камера ҳамда барабанли ғарамтитгичдан иборат (1.4-расм). Қисқача қилиб айтганда комбайн ўргичининг ўрнига ғарамтитгич қурилма ўрнатилган. Ушбу ғарамтитгич қурилма ғарамдан керакли миқдорда ғаллани ажратиб оладиган бармоқли барабан, бармоқларидан пояларни ажратиб оловчи планкали транспортёрдан, тагликдан, икки ён деворли рамадан ва ҳаракат узатиш механизмларидан тузилган. Бармоқлар барабанга мустаҳкам ўрнатилган ва уни эса барабан айланиш йўналиши тамонга эгилган. Барабанга нисбатан ажратгич қурилма–планкали транспортер кетма-кет ўрнатилган бўлиб, у ўз навбатида қия камера транспортёри валидан ҳаракат олиб ишлайдиган қилиб жойлаштирилган. Бармоқлар пўлатдан тайёрланганлиги сабабли, ғарамда зинчланган ғалла пояларини ажратиб олиш имкониятига эга, ажратиб олинган ғалла поялари бармоқдан ўзи ёки барабан билан

биргалиқда ишлайдиган ёрдамчи транспортёр ёрдамида ажратилиб олинади. Гарамтитгичнинг асосий ва ёрдамчи қисмлари икки ён деворли рамага махкамланади ва унинг ўзи эса ўз навбатида комбайн қия камерасига қотирилади. Комбайн қия камераси, уни күтариб тушириш учун гидросистема билан жихозланган.

Комбайн қуйидагича ишлайди, комбайн ғарамдаги ғалла пояларига таъсир эта бошлаганида ғарамтитгичнинг барабани олдинги томонга ҳаракатланиб ғалла пояларини юқоридан пастга қараб ғарамдан ажратади ва уларни планкали транспортёр таъсири зонасига келтиради. Бу зонада ғалла поялари бармоқдан марказдан қочма ва бошқа кучлар таъсирида ўзи ажрала бошлайди. Турли хил сабабларга кўра бармоқлардан ажралмай қолган пояларни планкали транспортёр ўзи мажбуран ажратиб олади. Планкали транспортёр ўзи ажралган ва ажратиб олинган ғалла пояларини транспортёр ва таглик орасидаги тирқиш ичкарисига тортиб киритади ва кейинчалик эса қия камера транспортёрига ташлаб беради. Бошқа бажариладиган ҳамма технологик операциялар ва жараёнлар ғалла комбайннида қандай кечадиган бўлса, шундай кечади. Ғарамдан ғалла поясини кейинги ажратиб олиш жараёнини комбайн юриш қисмини ишга тушириш ёрдамида амалга оширилади.


Ишчи гипотезаси:

Монографиянинг илмий гипотезаси қуйидагича кўринишида қабул қилинган:

1. Ўзбекистон шароитида, дон нобудгарчилигини кескин камайтириш мақсадида ғаллани думбул вақтида ўриб олиш ва зудлик билан уни дала четларида ғарамлаб қўйиш, кейинчалик уларни маҳсус жихозланган комбайн билан стационар ҳолатида янчиб олиш мақсадга мувофиқдир.

2. Ғарамланган ғаллани янчиш учун комбайнни жиҳозлашда ўргич ўрнига ўрнатиладиган маҳсус ғарамтитгич қамров кенглиги комбайннинг қия транспортёри кенглигига teng ва баландлиги ўзгарувчан бўлиши керак.

Қабул қилинган ишчи гипотезани амалга ошириш учун комбайн ўргичи ўрнига, қия транспортёрига ўрнатиладиган мослама ишлаб чиқилди. Ғарамланган ғаллани стационар ҳолатда ишлаётган комбайнга унинг янчиш қобилятига мос равища узата оладиган мосламанинг умумий кўриниши 1.4-расмда келтирилган. Мослама қуидаги қисмлардан ташкил топган: 1-барабан, 2-ғаллани сидириб оловчи бармоқ, 3-пояни бармоқдан ажратиб оловчи тасма, 4-ростлагич, 5-Комбайн қия камераси, 6-рама, 7-таглик.



1-Барабан; 2-Ғаллани сидириб оловчи бармоқ; 3-Пояни бармоқдан ажратиб оловчи тасма; 4-Ростлагич; 5-Комбайн қия камераси; 6-рама; 7-таглик.

1.4-расм. Ғарамланган ғаллани узатувчи мосламани умумий кўриниши.

Мосламага харакат комбайн қия камераси орқали узатилиб, у қуидаги тартибда ишлайди: Бармоқли барабан 1 ғаллани ғарамдан керакли миқдорда сидириб олиб ажратгич 3 га узатади. Ўз навбатида ажратгичнинг тезлиги бармоқли барабан 1 никидан бирмунча кўп бўлганлиги сабабли бармоққа илашган пояни у сидириб олади ва комбайн қия камерасидаги транспортёрга узатиб беради.

Ишнинг мақсади:

Дон нобудгарчилигини камайтириш учун думбул холатида ўриб дала четида ғарамланган ғаллани комбайнда янчиб олишни механизациялаш.

Илмий ишнинг вазифаси:

1. Ғарамланган тўпланган ғаллани комбайннинг янчиш қурилмасига узатиб берувчи, комбайннинг ўрғичи ўрнига ўрнатиладиган ғарамтитгичнинг технологик жараёнини назарий нуқтаи назардан асослаш.
2. Таклиф этилган мосламанинг параметрларини асослаш.
3. Ғарамтитгичнинг иш кўрсаткичларини лаборатория, дала шароитида аниқлаш ва баҳолаш.
4. Ғарамтитгичнинг иқтисодий самарадорлик кўрсатгичларини аниқлаш.

Биринчи боб бўйича хulosалар

1. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, жаҳонда ғалла етиштиришда уни йиғишириб олиш асасий жараён хисобланиб, йиғишириб олишнинг бир неча ҳил технологиялари мавжуд. Бу технологиялар мамлакатларнинг жойлашиш географиясига ва иқтисодий холатларига қараб танланади. Ғалла етиштирувчи илғор мамлакатларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, техникалар таъсирида бўладиган дон нобудгарчилигини камайтириш ва етиштирилган ҳосилни думбул ҳолатида йиғишириб олиш мақсадга мавофиқлигини кўрсатади.

Ғаллани думбул пайтида ўриб уни дала четида ғарамлаб кейинчалик стационар ҳолатда яншиб олинса,

- 1) дон нобудгарчилиги кескин камаяди;
- 2) комбайнлар янчиш қобилияtlаридан тўлиқроқ фойдаланилади.
- 3) бегона ўтлар уруғининг далага тушиши камаяди.
- 4) суғориладиган ерлар такрорий экинлар учун 20-25 кун олдин бўшатилади.
- 5) ғалланинг ем-хашакка яроқли қисми тўлиқроқ йиғиширилади.

II. ҒАРАМТИТГИЧ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

Тадқиқод объектни сифатида олинган мослама, ғарамланган ғаллани стационар ҳолатда ишлаётган комбайнга унинг янчиш қобилятига мос равишда узата оладиган ғарамланган ғаллани узатувчи мосламанинг умумий кўриниши 1.4-расмда келтирилган. Мослама қўйидаги қисмлардан ташкил топган: 1-барабан, 2-ғаллани сидириб оловчи бармоқ, 3-пояни бармоқдан ажратиб оловчи тасма, 4-ростлагич, 5-Комбайн қия камераси, 6-рама, 7-таглик.

Мосламага харакат комбайн қия камераси орқали узатилиб, у қўйидаги тартибда ишлайди: Бармоқли барабан 1 ғаллани ғарамдан керакли микдорда сидириб олиб ажратгич 3 га узатади. Ўз навбатида ажратгичнинг тезлиги бармоқли барабан 1 никидан бирмунча кўп бўлганлиги сабабли бармоққа илашган пояни у сидириб олади ва комбайн қия камерасидаги транспортёрга узатиб беради.


Ушбу жараёнларнинг бирортаси қониқарли бажарилмайдиган бўлса, ғарамдан ғаллани ажратиб, уни комбайннинг янчиш аппаратигача узатиб бериш технологик жараёни сифатли бажарилмайди. Натижада ғалла комбайни қониқарли ишламайди. Ушбу мослама бажарадиган технологик иш жараёнининг узвийлигини таъминлаш, таҳлил қилиш учун кинематикасини ўрганишни, параметрларини асослашни тақоза қиласди.

§ 2.1. Ғарамтитгич бармоқининг ўлчамлари

Хирмонда ғарамланган ғаллани стационар ишлаётган комбайнга керакли меёрда узатиш учун унинг ўрғичи ўрнига маҳсус мослама

ўрнатилган бўлиб, у хирмонда ғарамланган ғаллани қўл меҳнатисиз комбайнга узатиб бериш имконини беради.

Ғарамдаги ғалла пояларини мослама бармоқлари ёрдамида илаштириб олиш, поянинг бармоқдаги ҳаракати ва бармоқлардан пояни ажратиб олиш жараёни таҳлил қилинди.



2.1-расм. Бармоқ учига илинган поянинг силжиши схемаси

Айланаётган барабандаги бармоқ учи ғарамдаги пояларни қониқарли илинтириб олиш учун унинг абсолют тезлигининг йўналиши бармоқ сирти билан хосил қиласидаги бурчак ишқаланиш бурчагидан катта бўлмаслиги керак. Жойида қўзғалмасдан ишлаётган комбайн ғарамтитгичи бармоқи учининг абсолют тезлиги барабан сиртига уринма бўлишини эътиборга олиб, бармоқ учи хам уринма йўналишида бўлгани, маъқул деб хисоблаш мумкин. Бармоқ маълум тўпламни илинтириб олиши учун уринма йўналишидаги қисмнинг узунлиги шу тўплам ўлмасига мос бўлиши, бармоқнинг кейинги қисми (барабанга ўрнатиш учун) радиал йўналишда бўлиши, яъни бармоқ гипеболик спиралига ўхшаш бўлиши керак. Тайёрлашни

енгиллаштириш учун бармоқни (2.1-расм) АВ қисми радиал, ВС қисми эса унга нисбатан α бурчагига бурилган деб қабул қиласиз.

C_1B_1 учи горизонтал хотатига келгунча бармоқ ғарамга тегмаслиги керак, чунки ундан юқори холатда поя бармоқдан чиқиб кетади, тушиб қолади, илашмайди. Пояга теккан бармоқ C_1 нүктасидан С нүкта томонига кетаётіб, АС нинг горизонтга энгашиш бурчаги поя билан бармоқ орасидаги ишқаланиш бурчаги φ дан кичик ҳолатига келганидан сўнггина В га қараб силжишни бошлайди. C_1 да илинган поя С нүктага келганида ғарамдан суғирилаётіб тўлиқ таранглашади, ва унинг суғирилашга қаршилик кучи N_t таъсир чизиги C_1C ёйига урунма бўйлаб жойлашади. N_t ни бармоқ бўйлаб N_r ва нормал N кучларига ажратамиз. Агар пояни бармоқ бўйлаб силжитадиган N_r кучи ишқаланиш кучи $F = N \cdot \tan \varphi = Nf$ дан катта бўлганда поя бармоқ бўйлаб ичкарига силжий бошлайди. Демак, барабан ва бармоқ $\alpha > \varphi$ бурчагига бурилиши лозим (2.1-расм).

Барабаннинг (бармоқ учидаги) уринма V_b тезлигининг миқдори пояни узмасдан ғарамдан суғириб олиш учун жоиз бўлган энг кичик $[V]$ дан хам кичик, яъни $V_b < [V]$ бўлиши керак. Бармоқнинг зарб бериши ўта қисқа Δt вақт давом этади ва зарбдан сўнг поя бармоқнинг V_b тезлигига эга бўлиб қолади деб фараз қилинса, ω бурчак тезлиги билан айланадиган r радиусли барабаннинг чизиқли тезлиги $V_b = \omega \cdot r$ эканлиги эътиборга олинса Δt массали пояларга узатилган харакат миқдори $\Delta t V_b$ бўлади. Ҳаракат миқдорининг ўсиши бўйича зарб импульсининг миқдори $P_1 \Delta t = \Delta m$ ($V_{n1} - V_{n0}$) ни топиш мумкин. Агар $V_{n1} = V_b$ ва поянинг бошланғич тезлиги $V_{n0} = 0$ эканлиги эътиборга олинса, зарб кучи,

$$P_1 = \frac{\Delta m V_b}{\Delta t} = m' V_b \quad \text{дир.} \quad (2.1)$$

Бу ердаги $m' = \Delta m / \Delta t$ бир секундда ажратиладиган поялар массаси бўлиб, ўлчами кг/с. Шу сабабли P_1 нинг ўлчам бирлиги $\frac{\kappa \cdot M}{c^2}$, яъни Ньютон бўлиб чиқади.

Агар P_1 кучининг микдори пояларнинг узилишига қаршилиги P_{yz} дан катта бўлса, улар узилиб ғарамда қолиб кетади. Поялар узилмасдан бармоққа илашиб чиқиши учун P_1 нинг микдори P_{yz} кучидан камроқ, яъни $P_1 < P_{yz}$ бўлиши керак.

Бу ердан бармоқларнинг m' массали пояларга таъсири жоиз бўлган тезлигини аниқлаш мумкин,

$$\text{яъни, } V_\delta < \frac{P_{yz1}}{m'}; \quad \omega R_\delta < \frac{P_{yz1}}{m'} \quad (2.2)$$

барабанинг бурчак тезлиги,


$$\omega_\delta < \frac{P_{yz1}}{m' R_\delta}, \quad (2.3)$$

бу ерда: P_{yz1} —якка поянинг узилиш кучи;

m' —якка поянинг массаси.

Керакли V_δ микдорини таъминлаш учун барабан диаметрини аниқлаш лозим. Бундан олдин узунлигини топамиз (2.2-расм).

Бармоқли барабанинг ўлчамлари схемаси




2.2-расм.

Хар бир бармоқнинг узунлиги $l_b = l_a + l_s$ бўлиши учкак.

Бу ерда: l_a —бармоқ асосининг яъни, бармоқнинг барабан радиуси бўйлаб йўналган қисмининг узунлиги; l_s —бармоқнинг эгилган қисмининг узунлиги; l_b —бармоқнинг умумий узунлиги.

Пояларнинг бармоқда тўпланиши схемаси



2.3-расм.

Фармдаги поялар тўпламини олаётганда улар бармоқнинг уни С нуқтадан асоси А нуқта томонга тез силжиб, янги пояларга жой бўшатиши лозим. Лекин поялар А асосига етиб бормасдан В букилиш жойида тўпланиб туриши керак. Акс холда кейинчалик бармоқдан уларни ечиб олиш қийинлашиб кетади. Бир бармоқнинг букилган жойида тўплаш лозим бўлган поялар миқдори қуйидагича аниқланади. Комбайн янчиш аппаратининг янчиш қобилияти Q ни таъминлаб бериши учун (барабан ω бурчак тезлиги билан айланса) керак бўладиган бармоқлар сони

$$n = \frac{\pi Q}{30\omega_b q} \text{ дона бўлиши керак} \quad (2.4)$$

Бу ерда: q —бир бармоқнинг пояларни илинтириш қобилияти, кг.

Бир поянинг массаси (бошоғи билан) m' бўлса, Z дона пояни илинтирган пояни илинтирган бармоқнинг қобилияти

$$q = m' \cdot Z, \text{ кг/с ошмайди.} \quad (2.5)$$

$$\text{Бу ердан, } Z = \frac{Q}{m'n} \quad (2.6)$$

дона поя бир бармоққа илинганидагина комбайн янчиш аппаратидан тўлиқроқ фойдаланилади. Поянинг ўртача диаметри d_n бўлганда, бармоқнинг букилган кўндаланг кесими

$$F_n = \frac{\pi Z d_n^2}{4} \quad (2.7)$$

га тенг поялар сифиши лозим.

Кузатувлар шуни кўрсатадики, аксарият холларда, пояларнинг ички ишқаланиш бурчаги поянинг пўлат бўйлаб ишқаланиш бурчагидан катта бўлганлиги сабабли, бармоқ устига таралган поялар бир қатор жойлашади, айрим поялар биринчи қатор устига жойлашиши мумкин (2.3-расм). Бармоқлар бир-бирига яқин ўрнатилса, улар айқашган пояларни хам икки қатордан кўпроқ этиб илинтириб силжитади. Шуни эътиборга олиб модель сифатида поялар бармоқ устида икки қават бўлиб жойлашади ва t_n қалинликда ва b_n кенглиқдаги шаклидаги тўрт бурчак шаклига эга бўлади деб фараз қиласиз.

$$\text{Унинг кенглиғи } l_n = \frac{F_n}{t_n} = \frac{\pi d_n^2 Z}{4 t_n}$$

$t_n \approx d_n$ лигини эътиборга олиб,

$$l_n = \frac{\pi d_n Z}{8} \quad (2.8)$$

бўлади.

$$Z = \frac{8l_n}{\pi d_n} \quad (2.9)$$

Бармоқнинг букилган қисмининг узунлиги $l_{66} > l_n$, яъни

$$l_{\delta\delta} \geq \frac{\pi d_{\Pi} Z}{8} \quad (2.10)$$

бўлиши лозим.

(2.4), (2.5) ва (2.9) формулалардан комбайн янчиш аппаратининг потенциал янчиш қобилияти Q ни таъминлаш учун ғарамтитгични созлаш, хар бир бармоқ илинтириши лозим бўлган поялар сони аниқланади:

$$Z = \frac{\pi Q}{30\omega_{\delta} nm'} \quad (2.11)$$

Демак, хар бир шароитда алоҳида олингагн бир поянинг (галланинг массаси) m' , n дона бармоқ ўрнатилган барабан ьурчак тезлиги ω_{δ} аниқланса, комбайн янчиш аппаратининг янчиш қобилияти Q ни тўлик таъминлаш учун хар бир бармоқка Z дона поя илинтириш туриши керак.


§ 2.2. Ғарамтитгич кинематикаси

Юқорида таъкидланганидек ғарамтитгич ғарамдан ажратиб олинган ғалла пояларини комбайн янчиш қурилмасига узлуксиз ва унинг янчиш қобилиятини қониқтирадиган микдорда етказиб бериши лозим.

Бунинг учун ушбу қурилманинг конструктив параметрлари ва иш режимлари шундай танланиши керакки, унинг барабанига ўрнатилган хар бир бармоқ бир бирлик вақт ичida ғарамда белгиланган хажмдаги ғалла пояларини ажратиб олиб, ажратгичга етказиб бериши керак, ажратгич эса ўз навбатида пояларни бармоқдан тўлик ажратиб олиб, комбайн қия камераси транспортёрига тўлик узатиб берилишини таъминлаши лозим. Ғарамтитгичнинг ушбу сифат кўрсаткичларига ғарамга таъсир қилаётган бармоқнинг харакатланиш

траекториясининг шакли ва бармоқнинг ғарам ичига кириш чуқурлиги, сидириб олинаётган пояларнинг қалинлиги ва бош=а омиллар катта таъсир кўрсатади.

Ғарамтитгич бармоқининг харакатланиш схемаси



2.4-расм.

Шу сабабли ушбу қурилманинг асосий ишчи қисми барабан бармоқинематикасининг айрим жихатларини тадқиқод қиласиз.

Комбайн иш бажариш жараёнида унинг ўргичи ўрнига ўрнатилган мослама барабани бармоқи мураккаб-қия камера бурилиш ўқига нисбатан кўчма айланма ва барабан ўқига нисбатан айланма харакатланади. Бармоқнинг абсолют харакат тенгламасини қуидагида ёзиш мумкин (2.4-расм).

$$X = (R + r) \cos \varphi_k + r \cos \varphi_0$$

$$Y = (R + r) \sin \varphi_k + r \sin \varphi_0 \quad (2.12)$$

Бу ерда, R -бармоқли барабан марказидан қия камера бурилиш марказигача бўлган масофа, м;

r -барабан марказидан бармоқ учигача бўлган масофа, м;

φ_k -бармоқли барабаннинг қия камера бурилиш марказига нисбатан бурилиш бурчаги;

φ_0 - бармоқнинг барабан айланиш марказига нисбатан бурилиш бурчаги

$\varphi_k = \omega \cdot t$ ва $\varphi_0 = \omega_1 \cdot t$ эканлигини хисобга олиб, ушбу тенгликлардан

$$t = \frac{\varphi_k}{\omega} \text{ ва } t = \frac{\varphi_0}{\omega_1} \text{ ни топамиз,}$$

Вақтлар тенглиги $t = t$ дан фойдаланиб,

$\frac{\varphi_k}{\omega} = \frac{\varphi_0}{\omega_1}$, $\varphi_k = \frac{\omega_1 \varphi_0}{\omega}$ ни топамиз ва (2.12) формуладаги φ_0 нинг

ўрнига қўйиб, уни қўйидагича ёзамиш:

$$\begin{aligned} X &= R \cos \varphi_k + r \cos \varphi_k + r \cos \frac{\omega_1}{\omega} \varphi_k \\ Y &= R \sin \varphi_k + r \sin \varphi_k + r \sin \frac{\omega_1}{\omega} \varphi_k \end{aligned} \quad (2.13)$$

$\frac{\omega_1}{\omega} = i$ деб белгилаб, (2.13) ни қўйидаги холга келтирамиз.

$$\begin{aligned} X &= R \cos \varphi_k + r \cos \varphi_k + r \cos i \varphi_k \\ Y &= R \sin \varphi_k + r \sin \varphi_k + r \sin i \varphi_k \end{aligned} \quad (2.14)$$

(2.14) формула шуни кўрсатадики, ғарамтитгич барабани бармоқи эпициклоида бўйлаб харакатланади. Унинг циклоида – симон қаракатланиш траекториясининг характеристи ва у хосил қилган сиртмоқ ўлчамлари, асосан

$$i = \frac{\omega_1}{\omega} \text{ қийматига боғлиқ.}$$

Барабан бармоқи қаракат траекториясининг эътиборга лойиқ томони шундаки, унинг харакатланишидаги хосил бўлган сиртмоқсимон шаклдаги изи қия камеранинг бурилиш маркази томон қараган бўлади. Бундай харакатланиш изи бармоқларнинг ғарам

билин үзаро таъсирда тўлиш жараёнида бармоқнинг вертикал текисликда кўпроқ, горизонтал текисликда эса камрок йўл босишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида бармоқقا ғарамдан ғалла пояларини кўпроқ хажмда олишига ва тезда ғарам таъсиридан чиқишига имкон беради.

Ғарамтитгич иш унумига мослама барабани бармоқнинг тезлиги хам таъсир кўрсатади (2.14) дан φ_k бўйича дифференциал олиб

$$V_x = \frac{dx}{d\varphi_k} = R(\cos \varphi_k)' + r \cdot (\cos \varphi_k)' + r (\cos i \varphi_k)'$$

$$V_y = \frac{dy}{d\varphi_k} = R(\sin \varphi_k)' + r \cdot (\sin \varphi_k)' + r \cdot (\sin i \varphi_k)'$$

ёки

$$\frac{dx}{d\varphi_k} = -R \sin \varphi_k - r \sin \varphi_k r i \sin i \varphi_k$$

$$\frac{dy}{d\varphi_k} = R \cos \varphi_k + r \cos \varphi_k + r i \cos i \varphi_k \quad (2.15)$$

Барабан бармоқлари учининг абсолют тезлигини қуийдаги ифода

$$V = \sqrt{\left(\frac{dx}{dt} \right)^2 + \left(\frac{dy}{dt} \right)^2}, \quad (2.16)$$

ёки $dt = \frac{d\varphi_k}{\omega_1}$ бўлганлигини хисобга олиб,

$$V = \omega_1 \sqrt{\left(\frac{dx}{d\varphi_k} \right)^2 + \left(\frac{dy}{d\varphi_k} \right)^2}, \quad (2.17)$$

(2.17) дан топамиз (2.15) хадларини (2.17) га қўйиб,

$$V = \omega \sqrt{(-R \sin \varphi_k - r \sin \varphi_k - ri \sin i\varphi_k)^2 + (R \cos \varphi_k + r \cos \varphi_k + ri \cos i\varphi_k)^2} \quad (2.18)$$

бир неча математик амаллардан кейин уни, (2.18) қуидаги холга келтирамиз,

$$V = \omega \cdot \sqrt{(R+r)^2 + r^2 i^2 + 2ri(R+r)\cos(i\varphi_k - \varphi_k)}, \quad (2.19)$$

Ушбу формула ғарамтитгичнинг параметрлари (R , r ва i) нинг ғалла ғарамига нисбатан бармоқлар тезлиги таъсирини ўрганиш имконини беради. (2.19) дан кўриниб турибдики, агар R , r ва i лар ўзгармас қийматларга эга бўлганда ҳаракатланаётган бармоқ тезлиги фақат ($i\varphi_k - \varphi_k$) га, яъни бармоқнинг барабан ва қия камеранинг айланиш марказига нисбатан бурилиш бурчагига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Бунда ($i\varphi_k - \varphi_k$) = 0, 2π , 4π ... ларга тенг бўлган нуқталарда, айланиш марказидан энг узоқ жойлашган нуқтасида, бармоқ тезлиги максимал қийматга эга бўлади, яъни

$$V_{\max} = \omega \sqrt{(R+r)^2 r^2 i^2 + 2ri(R+r)} = \omega [(R+r) + ri], \quad (2.20)$$

Бармоқнинг қия камераси айланиш марказига энг яқин нуқталарида, яъни ($i\varphi_k - \varphi_k$) = π , 3π , 5π ... ларга тенг бўлганда эса минимал қийматга эга бўлади.

$$V_{\min} = \omega \sqrt{(R+r)^2 + r^2 i^2}, \quad (2.21)$$

(2.19) дан элементар йўл билан интеграл олиш мумкин эмаслигини, ҳамда ушбу қурилма бармоқлари тезлигининг ўртача

арифметик қийматини амалда жоиз хисобланадиган ҳатолик ($\pm 5 \div 10\%$) аниқлигига топамиз:

$$V_{\bar{y}p} = \frac{V_{\max} + V_{\min}}{2} = \frac{\omega \left\{ (R + r) + ri \right\} + \sqrt{(R + r)^2 + r^2 i^2}}{2}, \quad (2.22)$$

Ғарамтитгичнинг иш унумига барабан бармоқларнинг ишчи зонадаги яъни барабан ва ғарам пояларининг ўзаро таъсир зонасида босиб ўтган йўли ҳам катта таъсир кўрсатади. Ўз навбатида бармоқнинг босиб ўтган йўли барабанинг ишчи зонадаги айланма сирт бурчагига боғлиқ.

Бармоқнинг ишчи зонада босиб ўтган йўлини, аввалдан маълум бўлган ечимдан [29] фойдаланилган ҳолда айниқлаймиз:

$$S = \int_0^\varphi \sqrt{[x^1(\varphi)]^2 + [y^1(\varphi)]^2} \cdot d\varphi, \quad (2.23)$$

Бу ифодадаги $[x^1(\varphi)]^2$ ва $[y^1(\varphi)]^2$ ўрнига яъни (2.15) формуладаги ҳадлардан ҳосила олиб, квадратларга кўтариб ва бир неча математик амаллар бажарилганидан кейин қуйидагича ёзамиз,

$$S = \int_0^{i\varphi_k - \varphi_k} \sqrt{(R + r)^2 + r^2 i^2 + 2ri(R + r) \cos(i\varphi_k - \varphi_k)} \cdot d(i\varphi_k - \varphi_k), \quad (2.24)$$

Ғарамтитгич бармоқли барабанинг ғарам ичига ботиб кириш даражасига қараб, унинг ғарам билан ўзаро таъсирида бўладиган ишчи сирти қисми (айланма сирт бурчаги 0 дан $2r$) кенгликда, яъни бармоқ учи тегиб турганидан барабан диаметри бўйича тўлиқ ёки унинг бир қисми шаклида тайинланиши мумкин.

Бармоқли барабанинг ғарамга таъсир этадиган қисмини унинг диаметрига teng деб тайинлайдиган бўлсак, унда бармоқлар ёрдамида ғарамдан ажратиб олинган ғалла пояларини ажратиб олиш қийинлашади. Бундай ҳолатда бармоқлар билан ажратиб олинган

поялар 180^0 га сидирилиб юқорига күтарилади. Уларни бармоқлардан ажратиб олиш учун ажратгични албатта барабаннинг устки қисмига ўрнатиш ва ғарамтитгич конструкциясиغا қўшимча ўзгартиришлар киритиш лозим бўлади.

Одатда, бармоқлар ғарам ичига тўлиқ кириб, керакли пояларни ажратиб олиш учун, барабаннинг цилиндрик сиртигача ўзаро таъсирда бўлиши кифоядир. Бунда ғарамдан ажратиб олинган пояларни бармоқдан ажратиб олиш анча осонлашади.


(2.24) формуланинг интеграл остидаги ҳади хам оддий, элементар усул билан олинмаслиги, хамда бизни амалдаги хатолиги ($5 \div 10\%$) қониктирганлиги сабабли S ни, бармоқнинг ўртача тезлиги орқали ифодалаб топамиз. Унда

$$S_0 = S = \frac{V_{y\rho} \cdot i\varphi_k}{\omega} =$$

$$\frac{\omega_1 \left\{ (R + r) + ri \right\} + \sqrt{(R + r)^2 + r^2 i^2}}{2} \cdot (i\varphi_k - \varphi_k) =$$

$$= \frac{\left\{ (R + r) + ri \right\} + \sqrt{(R + r)^2 + r^2 i^2}}{2i} \cdot (i\varphi_k - \varphi_k), \quad (2.25)$$

Ғарамтитгич барабани бармоқининг ғарам ичида ҳаракатланиш йўлини аниқлашга доир схема.



2.5–расм.

(2.25) формула келтирилган бармоқли барабаннинг ғарам билан ўзаро таъсирда бўладиган таъсир этиш бурчаги ($i\varphi_k - \varphi_k$) ни 2.5-расмдаги схемадан аниқланади.

АС ёйининг эгрилик радиуси катта бўлганлигини ҳисобга олиб, уни тўғри чизик деб қабул қиласиз ва $AO_1C \Delta$ дан ($i\varphi_k - \varphi_k$) ни аниқлаймиз.

$$\text{Cos}(i\varphi_k - \varphi_k) = \frac{O_1C}{O_1A} = \frac{r - (R_1 - R_1^1)}{r}$$

ундан

$$i\varphi_k - \varphi_k = \arccos \left(\frac{r - (R_1 - R_1^1)}{r} \right) \text{ топилади.}$$


$i\varphi_k - \varphi_k$ нинг қийматини (2.25) га қўйиб уни қуидагича ёзамиз.

$$S = \frac{\{(R + r) + ri\} + \sqrt{(R + r)^2 + r^2 i^2}}{2i} \cdot \arccos \left(\frac{r - (R_1 - R_1^1)}{r} \right) \quad (2.26)$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики ғарамтитгич бара-бани бармоқининг ғарам ичидағи ҳаракатланиш йўли i га, $\omega = \text{const}$ қабул қилинганида эса барабаннинг бурчак тезлиги ω_1 ёки айланишлар сони n_1 га боғлиқ.

Ғарамтитгичнинг иш умуми, ғарамдан барабан бармоқлари билан олинаётган ғалла пояларининг қалинлигига ҳам боғлиқдир. Бу поялар қалинлигини қўшни жойлашган бир хил из бўйлаб ҳаракатланадиган, олдинма-кетин жойлашган бармоқлар ҳаракатланиш траекториялари орасидаги ва ушбу траекторияларга перпендикуляр йўналишда ўлчанадиган масофага δ_y тушинилади (2.6-расм).

Барабан бармоқи билан ажратиб олинадиган ғалла поялари қалинлигини аниқлашга доир схема.



2.6-расм.

Ажратиб олинадиган ғалла поялари қалинлигини (2.6-расмга қаранг), маълум бўлган формуладан (29) фойдаланган ҳолда аниқлаймиз.

$$\delta_{\max} = S_z \sqrt{2m - m^2}, \quad (2.27)$$

бу ерда, S_z —барабан бир айлангандаги бармоқнинг силжиш йўли,

$$S_z = \frac{2\pi \cdot V}{\omega_1 \cdot n'} = \frac{2\pi \cdot R \cdot \omega}{\omega_1 \cdot n'}, \quad (2.28)$$

n' —барабан кесмасида жойлашган бармоқ қаторлари сони:

m —ҳаднинг белгиси:

$$m = \frac{a}{r} = \frac{R_1 - R_1'}{r}, \quad (2.29)$$

a — бармоқли барабаннинг ғарам ичига ботиб кириш чуқурлиги:

$$\delta_{\max} = \frac{2\pi \cdot R \cdot \omega}{\omega_1 \cdot n'} \sqrt{\frac{R_1 - R_1'}{2} \left(2 - \frac{R_1 - R_1'}{r} \right)}, \quad (2.30)$$

Барабан бармоқи билан ғарамдан ажратиб олинадиган ғалла пояларининг умумий кўндаланг кесим юзасини куйидагича ифодалаймиз.

$$F = \delta_y \cdot S \quad (2.31)$$

δ_{yp} ва S ҳадлар ўрнига қийматларини (2.31) ва (2.26) қўйиб (2.28) ни қўйидагида ёзамиз.

$$F = \frac{2\pi \cdot R \cdot \omega}{\omega_1 \cdot n'} \sqrt{\frac{R - R_1}{2}} \left(2 - \frac{R_1 - R_1'}{r} \right) \times \\ \times \frac{\{(R + r) + ri\} + \sqrt{(R + r)^2 + r^2 \cdot i^2}}{2i} \cdot \arccos\left(\frac{r - (R_1 - R_1')}{r}\right) \quad (2.32)$$


Барабаннинг бир маротаба айланishiда унинг бармоқлари билан олинадиган ғалла поялари ҳажми:

$$V = / \cdot l_\sigma \cdot n_1 = \frac{2\pi \cdot R \cdot \omega}{\omega_1 \cdot n'} \sqrt{\frac{R_1 - R_1'}{r}} \left(2 - \frac{R_1 - R_1'}{r} \right) \times \\ \times \frac{\{(R + r) + r \cdot i\} + \sqrt{(R + r)^2 + r^2 \cdot i^2}}{2i} \arccos\left(\frac{r - (R_1 - R_1')}{r}\right) \times l_\sigma \cdot n_1 = \\ = \frac{\pi \cdot R \cdot l_\sigma \cdot n_1}{n'} \sqrt{\frac{R_1 - R_1'}{r}} \left(2 - \frac{R_1 - R_1'}{r} \right) \times \\ \times \frac{\{(R + r)r \cdot i\} + \sqrt{(R + r)^2 + r^2 \cdot i^2}}{i^2} \arccos\left(\frac{r - (R_1 - R_1')}{r}\right) \quad (2.33)$$

Ғарам ичида барабан бармоқининг харакатланиш йўли, у билан ажратиб олинадиган ғалла поялари қалинлиги ва барабан бир айланганда ғарамдан ажратиб олинадиган ғалла пояларининг ҳажмининг барабан айланишлари сонига боғлиқ холда ўзгариши 2.7-расмда келтирилган. Ундан кўриниб турибдики барабаннинг айланышлар сони 50 айл/мин дан 80 айл/мин гача ортганида бармоқининг ғарам ичида харакатланиш йўли ($S = f(n_1)$) 10% гача қисқаради, бармоқ ажратиб оладиган ғалла пояларининг қалинлиги ($\delta_{yp}=f(n_1)$) эса 15% нача ва барабаннинг бир айланishiда ажратиб олинадиган ғалла поялари ҳажми $V = f(n_1)$ -17% гача камаяди. Бармоқ босиб ўтган йўлнинг қисқариши ажратиб олинган ғалла пояларининг

қалинлиги ва хажмининг камайиши бошланишида ($n_1 = 50$ айл/мин) жадалроқ, кейинчалик эса сустроқ кечади.

Ғарам ичида бармоқнинг ҳаракатланиш йўли (S), бармоқ илаштириб оладиган ғалла поялари қилинлиги (δ_{yp}) ва барабан бир айланишида ажратиб олинадиган ғалла поялари ҳажмларининг (V) барабан айланишлар сонига (n_1) боғлиқ графиги.



2.7-расм.

Ғарамтитгич иш унумини унинг бармоқлари ажратиб олган ғалла пояларига боғлиқ холда қуидагича ёзамиз.

$$q = \frac{\pi \cdot R \cdot \ell_\sigma \cdot \gamma \cdot n_k \cdot n_1}{60n} \cdot \sqrt{\frac{R_1 - R_1'}{r}} \left(2 - \frac{R_1 - R_1'}{r} \right) \times \\ \times \frac{\{(R + r) + ri\} + \sqrt{(R + r)^2 + r^2 i^2}}{i^2}, \quad (2.34)$$

бу ерда: γ - ғала поялари зинчлиги $\text{кг}/\text{м}^3$;


n_k - бармоқли барабаннинг айланишлар сони, айл/мин.

Ғарамтитгич ғалла комбайнининг янчиш аппаратини янчиладиган ғалла массаси билан тўлиқ таъминлаши лозим. Бизнинг

холатимизда ғарамланган ғаллани янчишга мослашитрилган "Доминатор-130" СК-5А ғалла комбайнинг янчиш қобилияти 5-6 кг/с ни ташкил этади. Ушбу комбайн қобилиятига мос келадиган ғарамтитгич иш унуми формуласи (2.34) дан фойдаланиб унинг ишчи органларини аниқлаш мүмкін. Бунда ғарамтитгичнинг айрим параметрларини баъзи конструктив мулоҳазалар асосида қабул килинди. Баландлиги уч метргача бўлган ғалла ғармини янчидан олиш учун бармоқли барабан марказидан қия камеранин бурилиш марказигача бўлган масофа (R) 1,8... 2,0 м; ғарамтитгич барабани кенглиги 1,20 м яъни комбайн қия камераси кенглигига teng қилиб олинди.

Ғарамтитгич бармоқли барабанининг ғарм ичига ботиб киришини барабан диаметрининг ярмига ($D_b/2$), қия камеранинг ҳаракат тезлигини эса 0,6 ... 0,65 м/с қабул қилинди.

**Ғарамланган ғаллани узатувчи мосламанинг
(Ғарамтитгич) иш унуми (q) нинг барабан айланиш сони (n_1)
орасидаги боғланиш графиги**



2.8-расм.

1-Бир бармоққа илинган ғалла пояларининг ҳажми $V = 0,1275 \text{ м}^3$; 2- $V=0,102 \text{ м}^3$; 3- $V=0,0846 \text{ м}^3$; 4- $V=0,073 \text{ м}^3$ бўлганида.

Ғарамтитгич иш унумига конструктив мулоҳазалар ва экспериментлар асосда қабул қилинган параметрларнинг таъсири ўрганилди. Ғарамтитгич иш унумига бармоқли барабаннинг айланишлар сони катта таъсир кўрсатишини хисобга олиб, ғарамтитгич иш унуми ва бармоқли барабан айланишлар сони орасидаги бо\ланиш графиги қурилди (2.8-расм). Графикдан кўриниб турибдики бармоқли барабаннинг бир айланишида ғарамдан ажратиб олинадиган ғалла пояларининг ҳажми ҳар хил ($V = 1-0,1275; 2-0,102; 3-0,0846$ ва $4-0,073 \text{ м}^3$) бўлишига қарамасдан, барабан айланишлар сони ўсиши билан ғарамтитгичнинг иш унуми ортиб боради ва уларнинг ўзгариши эгри чизиқли ўсиш қобилиятига бўйсинади. Бармоқли барабаннинг айланишлар сонини ўзгартириш оптимал қийматини топиш йўли билан ғалла комбайнининг янчиш қобилиятини тўлиқ таъминлайдиган ғарамтитгич иш унумига эга бўлиш мумкин.

§ 2.3. Бармоқли барабан ўлчамларини асослаш

Ғарамтитгич барабани ўлчамларига барабан қурувининг диаметри (цилиндр диаметри). Бармоқларнинг узунлиги, бармоқлар учи бўйича барабан диаметри, бармоқларнинг барабан сиртида бўйлама ўқ ва унинг кўндаланг кесими бўйича жойлашиши ва бошқалар киради. Уларнинг тайинланган оптимал қийматлари ғарамтитгич бажарадиган технологик жарайннинг сифатли бажарилишини таъминлайди.

§ 2.3.1. Фарамтитгич барабанинг диаметри ва узунлиги


Фарамтитгич барабани цилиндрик қувр ва унга ўрнатилган бармоқлардан иборат. Барабаннинг цилиндрик қисми диаметри унинг ишчи сиртига керакли бармоқларни тенг жойлаштириш, талаб қилинадиган инерция моментини таъминлаш ва ажратиб олинган ғалла поялари унга ўралиб қолмаслиги шароитларини ҳисобга олган қолда танланиш керак.

Фарамдан ажратиб олинган ғалла поясининг узунлиги барабан цилиндри ёйилмаси узунлигидан кичик бўлгандагина, поянинг барабан сиртидан ўзи ажралиши ёки ажратгич транспортёри ёрдамида енгил ажратиб олиниши мумкин. Шу сабабли поянинг узунлиги барабан диаметри ёйилмаси узунлигидан кичик бўлиши ($L < l_{\text{ц}}$) керак, ёки уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин.

$$r = \frac{L + \Delta}{2\pi} \quad (2.35)$$

бу ерда, L -фарамдан ажратиб олинган ғалла поясининг узунлиги, Δ -барабан қувирини ўраб турган ғалла поясининг қирқилган жойи ва бошоги учи орасидаги масофа.

Бармоқли барабаннинг диаметрини аниқлашга доир схема



2.9-расм.

Бармоқли барабаннинг бармоқлари учи бўйича диаметрини қуидаги (2.9-расмдан) схемадан аниқланди.

Ушбу расмдан косинуслар теоремаси ёрдамида ($ABC \Delta$ дан) бармоқли барабан диаметрини аниқлаймиз.

$$D = 2 \sqrt{(r_u + l_1)^2 + l^2 + 2(r_u + l) \cdot l \cos \alpha} \quad (2.36)$$

Бу ерда: r_u – барабан қувурининг радиуси;

l_1 - бармоқнинг қувурга радиал ўрнатилган қисми узунлиги;

l - бармоқнинг эгилган қисми узунлиги;

α - бармоқнинг эгилган қисми энганиш бурчаги.

Юқорида келтирилган (2.35) ва (2.36) формулаларга кира-диган хадларнинг қиймати экспериментал (4 бўлимга қаранг) ҳолда тажриба ва конструктив муроҳазалар асосида аниқланган. Уларнинг аниқланган қийматлари $L=0,3\ldots0,5$ м; $\Delta=0,09\ldots0,13$ м. [70]. $l_1 = 0,08\ldots0,12$ м; $l=0,08\ldots0,12$ м; $\alpha=15\ldots45^0$ (2.35) ва (2.36) ларга қўйиб хисоблаб бопилганда, барабан қувирининг диаметри $d=0,120\ldots0,200$ м; бармоқлари учи бўйича диаметри $D_b=0,48\ldots0,7$ м оралиғида ўзгариши мумкин.

§ 2.3.2. Ғарамтитгич бармоқининг барабандада жойлашиш қадами

Тайинланган бурчак тезлик билан айланаён барабан ғарам билан ўзаро таъсирда бўланганда унинг бармоқлари ғарам массаси ичига керакли масофагача ботиб киради, массани зичлайди ва =амраб олган пояларни ажратиб олади. Бунда бармоқ ғарам ичига кам куч сарфлаган ҳолда енгил кириши учун, бармоқ кўндаланг кесими муқобил шакли (бизнинг мисолимизда айлана) учи эса ўткирланган (конуссимон, ўткирлик бурчаги γ) бўлиши лозим. Бармоқ ғарам ичига киришида, унинг атрофида пояларда кучланиш, зичланиш

кузатилади, бармоқ учи сиртида эса пояларнинг қаршилик кучи (нормал ва ишқаланиш куч) ҳосил бўлади. Поялар ичига енгил, сирпаниб киришини таъминлаш учун бармоқ учининг ўткирлик бурчаги $\gamma < 2(\pi/2 - \varphi)$ бўлиши лозим (бу ерда φ - бармоқ сирти ва поялар орасидаги ишқаланиш бурчаги).

Пояларни ажратиб олишда ғарамтитгич бармоқлари орасидаги масофа ҳам катта роль ўйнайди. Барабаннинг ғарамтитгич ичидаги ҳаракатланиши давомида ҳар бир бармоқларга илинган пояларнинг миқдори жадал равишила ортади ва қўшни жойлашган бармоқлар олдила поялар тўпланиб кейинчалик зичлана бошлайди. Натижада ҳар бир бармоқлар олдида ички ишқаланиш бурчаги ψ остида поялар зичланиш зонаси пайдо бўлади.

Бу ҳолат пояларнинг икки бармоқ орасига сиқилишга ва кейинчалик эса уларни ғарамдан ажратиб олишни таъминлайди. ω бурчак тезлик билан ҳаракатланаётган барабан бармоқлар ғарамдаги пояларга P куч билан таъсир кўрсатади. Ушбу куч пояларда ψ -ички ишқаланиш бурчаги остида пояларга силжитиш (зичлаш) кучланиши ҳосил қиласи (2.10-расм). Унинг қийматини қуийдаги ифодадан аниқланади [70].

$$P_c = \frac{P}{\cos \psi}, \quad (2.37)$$

§ 2.3.3. Бармоқларни барабан сиртида жойлаштириш

Барабаннинг айрим ўлчамлари конструктив ва техник мурохазалар асосида қабул қилинган. Жумладан барабаннинг узунлиги, қия камера кенглигига тен яъни 1,2 м бўлиши лозим.

-бармоқлар ғарамга бир текис таъсир этиши учун уларни барабан ёйилмасида кўп киrimли винт майдони бўйича жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ, чунки бундай холда барабан тўлиқ бир

айланганида бир издан бир неча бармоқ ўтиб, ғарам бир текис титилади (2.11-расм), пояларнинг ажралиши яхши-ланади. Бунинг учун бармоқларнинг винт бўйлаб жойлашган майдонидаги киримлар сонини $K=2\ldots 4$ оралиғида қабул қилингани маъқул;

-бир издан ўтадиган қўшни бармоқлар оралиғи S_δ (2.7-расм) ғарамдан икки букилиб суғирилиб олинайтган поя узунлиги L_n дан катта ($S_\delta > L_n$) бўлиши керак, акс холда бармоқларга поялар ўралиб қолади. Республикамиз шароитида $L_n \approx 30\ldots 60$ см қабул қилиш мумкин;

-айланаётган барабандаги бир из қолдирадиган бармоқлар ғарамга берадиган зарблар оралиғидаги Δt вақтни жоиз бўлган миқдори деформацияланган пояларнинг тикланиб улгуришига боғлиқ. Зарбдан сўнг ғарамда қолган поя эски жойига =айтиб улгурмаса, кейинги бармоқ уни илаштириб олмаслиги мумкин. ёзги иссиқ вақтда ғарамланган поялар $t \approx 0,040$ с ичидан тикланади деб қабул қиласиз.


Пояни ғарамдан суғириб олиш тезлигининг жоиз бўлган миқдорини (2.26) формуладан $[V_\delta] \leq \frac{P'_{yz}}{m'}$ деб қабул қилинади.

Тажрибалар асосида $P'_{yz} = 150$ Н, $m'=5$ кг/с. Демак, $[V_\delta] \approx 2,5$ м/с деб қабул қилинса, барабан радиуси $R_\delta = \frac{[V_\delta]}{\omega_\delta} = 340$ мм бўлиши керак.

Бармоқларни барабан сиртида юқоридаги талабларга жавоб берадигандек жойлаштиришни таъминлаш учун барабанни тайёрлашдан олдин унинг ёйилмасини чизиш керак (2.11-расм). Барабан четларидаги бармоқларни урнатадиган жойларнинг мустахкамлигини таъминлаш мақсадида $\Delta\ell=10$ мм жой қолдириб бармоқлар ўрнатиладиган тешиклари 3 киримли винт майдони йрдамида белгиланади.

З киримли винт майдонида 6 та қатор бармоқ ўрнатилса, диаметр бўйича 1 қаторда 5 та бармоқ, бир изда эса 3 та бармоқ жойлашиши лозим. Шунда бармоқларнинг ғарамга таъсир излари $a=100$ мм бўлади ва поялар бир текис ва узлуксиз ажратиб олишини таъминлайди.

Барабан ёйилмаси схемаси



2.11-расм.

l_b – барабан узунлиги, B – винт киримлари оралиғи, a – излар оралиғи, t_b – винт қадами, S_b – кўндаланг кесим бўйича бармоқ қаторлари орасидаги масофа, Δl – барабан четидан бармоққача бўлган масофа, l' – четки бармоқлар излари орасидаги масофа.

Барабаннинг бармоқлар асоси бўйича диаметрини ўрилган пояларнинг барабанга ўралиб қолмаслиги шартидан келиб чиқиб, унинг ўртача қиймати:

$$d_b = 162 \text{ мм} \text{ қилиб танлади.}$$

Барабан сиртида жойлашган бармоқлар қатори $M = 6$ қатор, бармоқлар қатори орасидаги масофа ёки қадами, S_B қўйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$S_B = \frac{\pi \cdot D_o}{M} = \frac{3,14 \cdot 162}{6} = 84 \text{ мм}$$

Винт киримлари сони, $K = 3$ деб қабул қиласиз. Винт йўналиши унинг қадами билан аниқланади.

$$t_B = a \cdot M,$$

бу ерда: a - қўшни бармоқлар қолдирган излар орасидаги масофа.

$$a = 100 \text{ мм.}, t_B = 100 \cdot 6 = 600 \text{ мм}$$

$$B = \frac{M \cdot a}{K} = \frac{6 \cdot 100}{3} = 200 \text{ мм}$$

Юқорида аниқланган ўлчамлар асосида тайёрланган барабанга узунлиги $\ell_b=260$ мм бўлган бармоқлар ўрнатилгандан сўнг ўтказилган тажрибалар юқоридаги талабларнинг бажарилишини кўрсатди.

§ 2.4. Бармоқларга илашган пояларни ажратиб олиш


Ажратгичнинг ишлаш жараёни

Ғарамтитгич ажратгичининг асосий вазифаси бармоқли барабан сидириб олиб келаётган ғаллани тўлиқ ечиб олиб комбайн қия камерарсига узатишдан иборат. Хар икки қатор бармоқлар орасига биттадан ажратгич жойлаштирилган бўлиб, у қўйидагicha ишлайди (2.12-расм).

Бармоқ 1 илинтириб олиб келаётган пояларни унинг ВС учи горизинтал холатга келгунча, улардан ажраткичнинг лента 4 да жойлашган планка 3 лар ёрдамида ечиб олиниши талаб қилинади. Ажратиб олинган поялар транспортёр 4 ёрдамида қия камерага узатилади.

Агар бармоқлар 1 сидириб олиб келаётган ғалла поялари тўлиқ ечилмаётган бўлса, у холда ажратгич ростловчи болт 2 ёрдамида бармоқлар орасига кўпроқ ёки камроқ ботирилиб ростланади.

Ажратгичнинг иш жараени схемаси



2.12-расм.

1-сидириб олувчи бармоқ; 2-ажратгични ростловчи болт; 3-планка; 4-транспортёр; 5-ажратгич ролиги; 6-таглик; 7-кожух.

§ 2.4.2. Ажратиш жараёни модели

Бармоқقا илашган поя ажратгичга келтирилганида уни тўлиқ ажратиб олишни тъминлаш керак. Шу мақсадда P пояга тъсир этишини кўриб чиқамиз (2.13-расм).

Пояни P материал нуқта кўринишида тасаввур этсак, уни бармоқда BC бўйлаб тушириш ва ажратиб олиш учун, ажратгич тасмадаги қиррали сидирғич (планка) D ўзининг горизонтал холатидан пастга ўтган бўлиши, натижада унинг абсолют тезлиги V_o

нинг бармоқ бўйлаб йўналган бўлаги $V_{аж}$ бармоқдаги B нуқтадан C томонга йўналган бўлиши лозим. Акс холда сидирғич пояни ажратишга халақит беради. \mathcal{D} нуқта \mathcal{D}_1 гача бурилганида P нуқтаси BC дан тушиб улгуриши керак. Бу шарт бажарилмаса ажратгич поянинг бармоқдан тушиб кетишига яна халақит берадиган бўлиб қолади. Демак, ажратгич $\mathcal{D}\mathcal{D}_1$ ёйига (90^0) бурилганича P поя BC бармоқдан тушиб улгуриши керак. Шу шарт бажарилишини таъминлаш учун P заррачанинг BC бўйлаб ҳаракатланишини дифференциал тенгламасини тузиб, унинг BC йўлни босиб ўтишга сарфлайдиган вақти t ни аниқлаб, $\mathcal{D}\mathcal{D}_1$ масофага буриш учун ажратгич бурчак тезлиги ω_a нинг миқдорини топамиз.


Масалани ечиш учун қуйидаги белгилашларни қабул қиласиз: m —бармоқнинг B жойда турган P заррачанинг массаси, кг; ω_b —бармоқнинг O маркази атрофида айланиш бурчак тезлиги, рад/с; r_b —заррача жойининг марказ O га нисбатан бошланғич радиуси, м; Y —заррачанинг O марказига нисбатан радиуси r_b нинг ўсиши, м; \dot{Y} , \ddot{Y} —заррачанинг оний қузатилаётган вақтдаги тезлиги ва тезланиши, м/с ва $\text{м}/\text{с}^2$; g — эркин тушиш тезланиши, $\text{м}/\text{с}^2$; f — поянинг BC бармоқ билан ишқаланиш коэффициенти; γ - бармоқ BC нинг холати билан Y ўқи орасидаги ўзгарувчан бурчак; поянинг дастлаб силжита бошлашда $\gamma = 0$ деб қабул қилинса хато бўлмайди, демак схемада BC бармоқ Y ўқи бўйлаб жойлашади; τ - радиус OP билан Y ўқи орасидаги бурчак.

P заррачага қуйидаги кучлар таъсир этади:

$$G = mg \text{ — оғирлик кучи;}$$

$P_{m=1} = m\omega_b^2(r_b + y)$ — марказдан қочирма куч. Унинг Y ўқига проекциясини $P_{m=1} = P_{m=1} \cos \tau$, $\tau = \alpha$ деб қабул қилиш мумкин;

Бармоқдан ажратиб олинаетган пояга таъсир этувчи кучлар схемаси



2.13-расм.

$N_{kor} = 2m\omega \dot{y}$ – Кориолис инерция кучи.

$N_{aer}=K\rho_x S(V_b-U)^2$ – бармоқ билан V_b тезликда ҳаракат-ланётган пояга аэродинамик қаршилик кучи;
бу ерда: K -ҳаво қаршилик коэффициенти; ρ_x -ҳавонинг зинчлиги; S -поянинг Мидел кесими; V_b -поянинг барабан билан биргаликда айланганидан олган тезлиги; U -ҳавонинг тезлиги ($U=0$); T -поянинг таранглик кучи; $P_{ажe}$ -ажратгичнинг таъсир кучи.

$F_u=f(N_{aer}+N_{kor}+T)$ поянинг $N_{aer}+N_{kor}$ кучлари нормал босимидан ва поянинг таранглиги T таъсирида пайдо бўладиган ишқаланиш кучи; f -поя билан бармоқ орасидаги ишқаланиш коэффициенти. Бармоқ бўйича пояни силжитиш учун $P_{ажe}+P_m > F_u$.

Поянинг бармоқ бўйлаб ҳаракат тенгламасини тузиш учун Лангражнинг иккинчи турдаги тенгламасидан фойдаланамиз. Поянинг ҳаракат эркинлиги битта (бармоқ бўйлаб) деб қабул қиласиз.

Умумлаштирилган координата сифатида поянинг ўзгарувчан бўлган барабан атрофида айланиш радиучини танлаймиз.

$$\frac{d}{dt} \frac{\partial T}{\partial \dot{y}} - \frac{\partial T}{\partial y} = Q_y \quad (2.38)$$

бу ерда: T –поянинг кинетик энергияси; y –умумлаштирилган координата; Q_y –умумлаштирилган тезлик; Q_y –умумлаштирилган куч.

Q_y умумлаштирилган кучини аниқлаш учун пояга δ_y умумлаштирилган силжиш берамиз ва шу жараёндаги умудлаштирилган координатадаги элементар ишларнинг йигиндисини топамиз.

$$\sum_{k=1}^n \delta A = \left(\sum_{k=1}^n F_k y \right) \delta_y = (P_{mk} + P_{ajc} - F_u) \delta_y \quad (2.39)$$

бу ердан,

$$Q_y = \frac{\sum_{k=1}^n \delta A}{\delta y} = (P_{mk} + P_{ajc} - F_u) = m \omega_b^2 (r_b + y) + P_{ajc} - 2m \omega_b f \dot{y} - \kappa \rho_x S V_b^2 f \quad (2.40)$$

Поянинг кинетик энергияси

$$T = \frac{1}{2} m (\dot{y}^2 + \omega^2 y^2) \quad (2.41)$$

Лагранж тенгламасини тузиш учун кинетик энергиянинг у ва \dot{y} бўйича хусусий хосилаларни топамиз:

$$\frac{\partial T}{\partial y} = m \omega^2 y \quad (2.42)$$

$$\frac{\partial T}{\partial \dot{y}} = m \dot{y} \quad (2.43)$$

Вақт бўйича хосила

$$\frac{d}{dt} \frac{\partial T}{\partial \dot{y}} = m \ddot{y} \quad (2.44)$$

(2.44) тенгламасига (2.42), (2.43) ва (2.44) ларни киритиб,

$$m \ddot{y} - m \omega^2 y = m \omega_b^2 (r_b + y) + P_{ajc} - 2m \omega_b f \dot{y} - \kappa \rho_x S V_b^2 f \quad (2.45)$$

Поянинг харакати унга таъсир этадиган кучлар мавозанатининг бузилишидан кейин содир бўлади. Шу сабабли,

$$\ddot{y} + 2f\omega_0 \dot{y} - 2\omega_0^2 y = \omega_0^2 r_0 + \left[\frac{(P_{ax} - \kappa\rho_x S V_0^2 f)}{m} \right] \quad (2.46)$$

(2.46) поянинг бармоқ бўйлаб чизиқли абсолют ҳаракатининг (ўзгармас ω_0) дифференциал тенгламасидир.

Агар

$$\omega_0 f = a; \quad 2\omega_0^2 = \epsilon;$$

$$\omega_0^2 r_0 + \left[\frac{(P_{ax} - \kappa\rho_x S V_0^2 f)}{m} \right] = C \text{ деб белгиласак, (2.46) қуйидаги шаклга келади:}$$

$$\ddot{y} + a\dot{y} - by = C \quad (2.47)$$

(2.47) тенглама бир хил жинсли бўлмаган чизиқли иккинчи даражали тенламадир. Унинг умумий ечими

$$\ddot{y} + a\dot{y} - by = 0 \quad (2.48)$$

кўринишдаги бир жинсли тенгламанинг умумий ечими Y_1 ва ўнг томонли тенгламанинг хусусий ечими Y_2 ларнинг йиғиндисига тенг,

$$Y = y_1 = y_2 \quad (2.49)$$

(2.48) тенгламани характеристик тенгламасини тузамиз

$$r^2 + 2ar - \epsilon = 0 \quad (2.50)$$

Характеристик тенгламанинг илдизлари,

$$r_1 = -a + \sqrt{a^2 + \epsilon}$$

ёки

$$Y_1 = C_1 e^{(-a + \sqrt{a^2 + \epsilon})t} + C_2 e^{(-a - \sqrt{a^2 + \epsilon})t} \quad (2.51)$$

(2.49) тенгламанинг ўнг томони ўзгармас бўлганлигини эътиборга олиб, унинг хусусий ечимини $Y_2 = a$ кўринишида излаймиз.

(2.47) га буни киритиб, $Y_2 = a = -\frac{\epsilon}{b}$ эканлигини аниқлаймиз.

Шундай қилиб, (2.49) га биноан, умумлаштирилган ечим,

$$Y_1 = C_1 e^{(-a + \sqrt{a^2 + \epsilon})t} + C_2 e^{(-a - \sqrt{a^2 + \epsilon})t} - \frac{c}{\epsilon} \quad (2.52)$$

Интеграллашдаги C_1 ва C_2 ларни топиш учун

$$\dot{y} = (-a + \sqrt{a^2 + \epsilon})C_1 e^{(-a + \sqrt{a^2 + \epsilon})t} + (-a - \sqrt{a^2 + \epsilon})C_2 e^{(-a - \sqrt{a^2 + \epsilon})t} \quad (2.53)$$

Бошланғич шартлар $t = 0; y = r_\delta$; $\dot{y} = 0$ ни эътиборга олиб,

$$C_1 = \frac{\left(a + \sqrt{a^2 + \epsilon}\right) \left(r_\delta + \frac{c}{\epsilon}\right)}{2\sqrt{a^2 + \epsilon}} \text{ ва } C_2 = \frac{\left(-a + \sqrt{a^2 + \epsilon}\right) \left(r_\delta + \frac{c}{\epsilon}\right)}{2\sqrt{a^2 + \epsilon}} \quad (2.54)$$

(2.54) ни (2.52) га киритиб, изланаётилган тенгламани, поянинг бармоқ бўйлаб силжиши қонуни топамиз.

$$Y = \frac{\left(a + \sqrt{a^2 + \epsilon}\right) \left(r_\delta + \frac{c}{\epsilon}\right)}{2\sqrt{a^2 + \epsilon}} e^{(-a + \sqrt{a^2 + \epsilon})t} + \frac{\left(r_\delta + \frac{c}{\epsilon}\right) \left(-a + \sqrt{a^2 + \epsilon}\right)}{2\sqrt{a^2 + \epsilon}} e^{(-a - \sqrt{a^2 + \epsilon})t} - \frac{c}{\epsilon} \quad (2.55)$$

V_δ миқдори ва поя учун K коэффициенти ўта оз бўлганлиги сабабли $C = \omega_\delta^2 r_\delta + P_{ажс} / m$ деб қабул қиласак хамда $a = f\omega_\delta$ ва $\epsilon = 2\omega_\delta^2$ эканлигини эътиборга олсак нисбий харакатда поянинг босиб ўтадиган йўли:

$$Y = \frac{\left(3r_\delta\omega_\delta^2 + \frac{P_{ажс}}{m}\right)}{4\omega_\delta^2 \sqrt{2 + f^2}} \left[\left(f + \sqrt{f^2 + 2}\right) e^{(-f + \sqrt{f^2 + 2})\omega_\delta t} + \left(-f + \sqrt{f^2 + 2}\right) \times \right. \\ \left. \times e^{-\left(f + \sqrt{f^2 + 2}\right)\omega_\delta t} \right] - \frac{r_\delta\omega_\delta^2 + \frac{P_{ажс}}{m}}{2\omega_\delta^2}; \quad (2.56)$$

(2.56) формуладаги $\frac{\left(3r_\delta\omega_\delta^2 + \frac{P_{аж}}{m}\right)}{4\omega_\delta^2\sqrt{2+f^2}} \cdot \left(f + \sqrt{f^2 + 2}\right)$ ни M деб, e

нинг даражаси $\left(-f + \sqrt{f^2 + 2}\right) \cdot \omega_\delta$ ни N деб, $\frac{\left(3r_\delta\omega_\delta^2 + \frac{P_{аж}}{m}\right)}{4\omega_\delta^2\sqrt{2+f^2}} \cdot \left(-f\sqrt{f^2 + 2}\right)$ ни

S деб, e нинг даражаси $- \left(f + \sqrt{f^2 + 2}\right) \cdot \omega_\delta$ ни Q деб, елгилаб олсак, ажраткич таъсирида бармоқ бўйлаб силжишининг, нисбий харакатининг тезлиги

$$\dot{y} = MNe^{Nt} + SQe^{Qt} \quad (2.57)$$

хосил бўлади.

Ўз навбатида нисбий харакатдаги тезланиш эса,

$$\ddot{y} = MN^2e^{Nt} + SQ^2e^{Qt} \quad \text{бўлади.} \quad (2.58)$$

(2.56) тенгламани ЭХМда ечиш учун блок схема (илова) ечиш дастури (илова) тузилди.

2.4.3. Дифференциал тенглама ечими асосида ажратгичнинг айланиш тезлигини тайинлаш.

Юқоридаги (2.58) дифференциал тенгламани компьютерда ечиш учун маҳсус блок-схема ва ечиш дастури ишлаб чиқилди. Ечишда қуйидаги бошланғич ўлчамлар $const$ коэффициентлар кўринишда эътиборга олинди: титгич барабани диаметри $D_\delta = 680$ мм ва унинг айланиш тезлиги $\omega_\delta = 7,32$ рад/с илгари 2.1 параграфда танланган эди. Поянинг бармоқ бўйлаб силжишида ишқалиниш коэффициенти $f = 0,35$ қабул қилинди [70].

Поя бармоқнинг радиал йўналишидан эгилган жойида, яъни барабан марказига нисбатан $r_\delta = 210$ мм масофада жойлашган деб қабул қилинди. Ажратгичнинг пояга таъсир кучи $P_{аж}$ нинг ўзгарувчан (аста секин ўсаётган) миқдори ишқаланиш кучи $F_{ши=}$ га тенглашган

холатидан бошлаб, поя бош=а кучлар, хусусан, марказдан қочма кучлар таъсирида, бармоқ бўйлаб силжий бошлайди деб фараз қилинди, яъни

$$P_{ажс} = F_{uu=} = f(N_{aэр} + N_{кор} + T) \quad \text{деб қабул қилинди.}$$

Поя жойлашган (бармоқ букилган) жойдаги барабаннинг чизиқли тезлиги ($V = \omega_0 r_0 = 7,32 \cdot 0,21 \approx 1,4 \text{ м/с}$) оз бўлганлиги сабабли, аэродинамик қаршиликни $N_{aэр} \approx 0$ деб қабул қилиш жоиздир. Бундан ташқари, ўзгарувчан Кориолис инерция кучи ҳам $N_{кор} = 0$ деб қабул қилиш катта ҳатога келтирмайди. Демак, $F_{uu=} = f \cdot T$ бўлади. [70] бўйича поянинг пўлат юзаси бўйича ишқаланиш коэффициентини $f=0,35$ ва пояни ғарамнинг ичидан суғириб олишга қаршилик кучи $T \approx 0,8 \dots 1,1 \text{ Н}$ оралиғида қабул =тламиш. Натижада $F_{uu=} = f \cdot T = 0,35 \cdot 1,0 = 0,35 \text{ Н}$.

$$\text{Яъни, } P_{ажс} = F_{uu=} = 0,35 \text{ Н.}$$

Юқоридаги қабул қилинган шартлар эътиборга олиниб, поя бармоқнинг турли жойларида жойлашган холатлари ($r_1 = 0,21 \text{ м}$, $r_2 = 0,25 \text{ м}$, $r_3 = 0,30 \text{ м}$, $r_4 = 0,36 \text{ м}$) учун тенгламанинг ечимлари топилди. Аммо, бизлар учун асосан фақат бармоқнинг букилган В жойида жойлашган поянинг харакати қизиқтиради, чунки фақат шу поя тах йўл босиб ўтади. 2.14-расмдаги парабола кўринишдаги график тахлил қилиниб, қўйдагилар аниқланди:

1. Ғарамтитгичнинг қабул қилинган схематик компановкасида, бармоқдаги пояга ажратгич бармоқлари таъсир эта бошлагандан сўнг, у бармоқ бўйлаб сидирилиб, $t_a = 0,035 \dots 0,040$ секунддан сўнг ундан тушиб кетади (бармоқ 2.15-расмдаги P холатидан Q гача бурилиб ўтиши вақтида).

2. Бармоқнинг букилган учи горизонтал Q холатига етиб келгунича ажратгич ундаги пояни ечиб улгуриши лозим. Акс холда, бармоқ учи юқорига тикланиб кетиши сабабли, пояни тўлиқ ечиб олиш қийинлашади (2.15-расм).


3. Поянинг бармоқдан сирпаниб тушиши вақти t_a ичида барабан $Q_b \approx 15^0 \dots 17^0$ бурчакка бурилиб улгуради. Юқоридаги шарт (2-банддаги) бажарилиши учун ажратгич $Q_a = 85^0 \dots 90^0$ бурчакка бурилиб улгуриши керак. Демак, ажратгичнинг айланиш тезлиги,

$$n_a = n_b \frac{Q_a}{Q_b} = 70 \frac{(80^0 \dots 90^0)}{(15^0 \dots 17^0)} = 70(6,5 \dots 7,5) = 450 \dots 510 \text{ айл/мин}$$

бўлиши керак. Бизлар харакат узатмаси кинематикаси имкониятларини эътиборга олиб, $n_a = 490$ айл/мин қабул қиласиз.


4. Кейинчалик ўтказилган лаборатория тадқиқодлари ажратгич $n_a = 490$ айл/мин тезлик билан айланиб ишлаганида, қониқарли натижалар кузатилди, поялар бармоқдан тўлиқ ечиб олинди.

Поянинг бармоқ устида сирпаниб харакатланиш йўли (y), тезлиги (\dot{y}) ва тезланиши (\ddot{y}) нинг вақт (t) бўйича ўзгариш графиги ($r_b = 0,21$ м)



2.14-расм.

Ажратгичнинг бармоқларга таъсир эта бошлиши холати схемаси.



2.15-расм.

§ 2.5. Пояни бармоқдан ажратиши вақтини аниқлаш


Юқоридаги (2.3), (2.4) ва (2.5) формулаларнинг тадқиқод қилинаётган жараёнга мослигини бевосита текшириш ўта мураккаб усул ва воситаларни талаб қиласди. Шу сабабли, бизлар бармоқнинг букилган қисми бошланган жойига алоҳида ўрнатилган поянинг ажратилиши учун сарфланадиган вақтни аниқлаб, пояни силжиш тезлигининг ўртача микдорини таҳлил қилишни режалаштиридик. Шу мақсадда маҳсус қурилма тайёрланди. Диаметри 14 мм бўлган бармоқнинг эгилган учи тагининг энг пастки ясовчисига қалинлиги 0,3 мм бўлган пластина 1 (2.16-расм) вертикал текисликда пайванд этилган.

Пластинага диэлектрик ёрдамида электр ўтказгич сими билан уланган фолга иш 2, 3 лар ўрнатилган. Фолга ишнинг учи бармоқ ён томонидан унинг устига чиқиб туради. Фолга 2 мм дан ортиқроқ энгашганида унга тегадигандек қилиб электр контакт А ва магнит 4 ўрнатилган. Магнитнинг қучи эркин холатдаги фолга ишларини ўзига

тортиб ола олмайдиган, аммо фолга учи 1 ... 2 мм га энгашса уни тортиб оладиган этиб танланган. Шу сабабли иш 2 эркин ҳолатида *A* контактга ҳамда магнит 4 га тегмасдан туради, иш 3 эса эркин ҳолатида *B* контактига тегиб туради, аммо магнит 5 нинг кучи иш 3 ни *B* контактидан ажратада олмайдигандек танланган. Шу сабабли иш 3 тик ҳолатида *B* контактига узлуксиз тегиб туради. *A* ва *B* контактларидан электр ўтказгич сим барабан ўқи 6 да сирпанувчи контаклар 7 билан сирпанувчан контактлардан бошланган электр ўтказгичлар эса электр ғалтак ЭГ билан уланган. Электр ғалтак *SQ* улагични ҳаракатлантиради.

Ажратгич паррагининг ўрнига поя *P* га дастлабки туртки берадиган ғалтак *M* нинг электр занжирини улайдиган улагич *SQ₂* ни айланаётган бармоқ ишга туширади. *SQ₂* уланганида электр ғалтак *M* ўзининг *P* харфига ўхшаган ўзагини кескин силжитиб, пояни жойидан кўзғатишга ёрдам беради.

Пояни бармоқдан ажратилиш вақтини аниқлаш мосламасининг схемаси



2.16-расм.

1 - Пластина; 2,3-Фолга; 4,5-Магнит; 6,7-Токосъемник.

Курилма қуйидагида ишлайди: бармоқ биринчи даврда ўрнатилиб, барабан ишга туширилади. Бармоқнинг эгилган қисми горизонтал ҳолатига келишига $\alpha = \omega_0 \cdot t = 11,9^0$ қолганида (бу ердаги t – поянинг бармоқдан тушушига сорфланадиган вақт назарий ҳисобларга кўра $t = 0,04$ с).

P электр ғалтагининг ўзаги тахминан 0,02 Н куч билан таъсир этиб (ишқаланиш кучидан бир мунча ортиқ) пояни жойидан қўзғалишига ёрдам беради. Таъмир этувчи кучлар пояни бармоқнинг учига қараб силжитиб кетади. Поя таъсирида фолга ип 2 магнит 4 га яқинлашади ва унга тортилиб ёпишади. Натижада A контактга тегади ва B батареяning токи $B-A-7-\mathcal{E}G-6-B-B$ занжирида харакайланиб SQ улагични ишга туширади ва секунданинг 0,001 бўлажи аниқлигида ишлайдиган таймер (СТЦ-1) Т ишлай бошлайди.

Сирпаниб кетаётган поя бармоқнинг учига этиб борганида фолга ипи 3 ни эгиб магнит 5 га яқинлаштиради. Магнит фолгани тортиб олади ва B баратеясининг занжирини узиб қўяди. $\mathcal{E}G$ ғалтаги SQ_1 улагичини ажратиши билан таймер тўхтайди.

Тажрибалар ўтказишида фолга или 2 нинг поя қўзғалиши бошлаганидан қанча вақтга кечикиб A контактини уласа, худди шу вақтга кечикиб B контактини узади деган фаразлар асосида таймер поянинг l йўлини босиб ўтишга сарфланадиган вақт деб қабул қилинди.

Беш маротаба такрорланган тажрибалар асосида амалдаги вақт $t_a = 0,0440...0,0046$ с, яъни назарий $t_h = 0,040$ с вақтидан $0,0020...0,0046$ с (тахминан 12...15%) кўпроқ сарфланиши аниқланди. Бу натижа назарий тадқиқодлар моделида айрим ноаниқлар, эҳтимол айрим факторларнинг таъсири эътиборга олинмаганлигини кўрсатади. Умуман олганда, назарий тадқиқодлар жоиз этилган аниқликда тўгри ўтказилганлигини бу амалий экспериментлар тасдиқлайди деса бўлади.

2- боб бўйича хулоса

1. Гарамтитгич иш унумига унинг ишчи қисмлари параметрларининг таъсирини тадқиқ этиш, ишчи бармоқларнинг харакатланиш траекториясини, тезлигини, бармоқнинг ғарам билан ўзаро таъсир йўлини ва ажратиб олинадиган ғалла поялари қалинлигини аниқлаш имконини беради.

2. Ғалла комбайнининг янчиш қобилиятига мос келадиган гарамтитичнинг максимал параметрлари иш унумини таъминлаш учун барабан бармоқлари абсолют тезлигини $1,2\ldots3,5$ м/с оралиғида бўлиши керак.

3. Гарамтитгич барабани айланишлар сони ошиши билан унинг иш унуми ортади. Аксинча, барабан бир айланишида бармоқларнинг ғарам ичидаги харакатланиш йўли (10% гача), ажратиб олинадиган ғалла пояларининг қалинлиги (15% гача) ва хажми эса ($0,7\%$ гача) камаяди.

4. Гарамтитгич иш унуми, ғалла пояларининг зичлиги, бармоқли барабан билан ажратиб олинадиган ғалла пояларининг хажми ва унинг параметрларига боғлиқ ва уни (2.34) формула ёрдамида аниқланиши мумкин.

5. Ғалла поялари бармоқли барабангага ўралиб қолмаслиги учун унинг цилиндри диаметри $d = 0,124\ldots0,2$ м, бармоқлари учлар бўйича диаметри $D = 0,48\ldots0,7$ м бўлиши лозим.

6. Бармоқлар барабан цилиндри сиртида $t = 8\div12$ см қадам билан жойлаштирилса, ғарамдан ғалла пояларини сифатли ажратиб олиш таъминланади.

7. Гарамтитгичнинг амалда қабул қилинган параметрлари, ғарамдан ажратиб олинган поялардан бармоқларнинг $t=0,035\ldots0,04$ секунд вакт оралиғида тозаланишини таъминлаб беради.

8. Гарамтитгич билан ажратиб олинган ғаллани комбайн қия камерасига тўлиқ ва сифатли узатиши учун ажратгич транспортёрининг етакловчи ролигиниг айланиш тезлиги $n_a = 450...510$ айл/мин бўлиши лозим.

$$Y = \frac{\left(1 + \omega_\delta f - \sqrt{(1+2\omega_2)^2 + \omega_\delta^2}\right) \left(r_\delta + \frac{\omega_\delta^2 r_\delta + P_{аж}}{\omega_\delta^2}\right)}{2\sqrt{(1+2\omega_\delta f) + \omega_\delta^2}} e^{[1+2\omega_\delta f + \sqrt{(1+2\omega_\delta f)^2 + \omega_\delta^2}]t} + \\ + \frac{\left(r_\delta + \frac{\omega_\delta^2 r_\delta + P_{аж}}{\omega_\delta^2}\right) \left(1 + 2\omega_\delta f \sqrt{(1+2\omega_\delta f)^2} + \omega_\delta^2\right)}{2\sqrt{(1+2\omega_\delta f) + \omega_\delta^2}} e^{[1+2\omega_\delta f - \sqrt{(1+2\omega_\delta f)^2 + \omega_\delta^2}]t} \quad (2.56)$$

(2.56) формуладаги $\frac{\left(1 + \omega_\delta f - \sqrt{(1+2\omega_2)^2 + \omega_\delta^2}\right) \left(r_\delta + \frac{\omega_\delta^2 r_\delta + P_{аж}}{\omega_\delta^2}\right)}{2\sqrt{(1+2\omega_\delta f) + \omega_\delta^2}}$ ни M

деб, e нинг даражаси $1 + 2\omega_\delta f + \sqrt{(1+2\omega_\delta f)^2 + \omega_\delta^2}$ ни N деб,

$\frac{\left(r_\delta + \frac{\omega_\delta^2 r_\delta + P_{аж}}{\omega_\delta^2}\right) \left(1 + 2\omega_\delta f \sqrt{(1+2\omega_\delta f)^2} + \omega_\delta^2\right)}{2\sqrt{(1+2\omega_\delta f) + \omega_\delta^2}}$ ни S деб, e нинг даражаси

$1 + 2\omega_\delta f - \sqrt{(1+2\omega_\delta f)^2 + \omega_\delta^2}$ ни Q деб белгилаб олсак, ажраткич таъсирида бармоқ бўйлаб силжишининг, нисбий харакатининг тезлиги

$$\dot{Y} = MNe^{Nt} + SQe^{Qt} \quad (2.57)$$

хосил бўлади.

Ўз навбатида нисбий харакатдаги тезланиш эса,

$$\ddot{Y} = MN^2 e^{Nt} + SQ^2 e^{Qt} \quad \text{бўлади.} \quad (2.58)$$

(2.56) тенгламани ЭҲМда ечиш учун блок схема (илова) ечиш дастури (илова) тузилди.

III. ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР МЕТОДИКАСИ

Фараз қилинган ишчи гипотеза, назария тадқиқотлар ва улар асосида чиқарилган хулосаларнинг амалдаги тасдиқини синаб, текшириб кўриш ҳамда уларнинг тўғрилигини фақат экспериментал тадқиқотлар натижасидагина исботлаш мумкин. Олинган натижаларнинг ишончлилик ва аниқлик даражаси эксперимент ўтказиш методикасига, ўлчов асбоб ва приборларига, эксперимент ўтказиш воситаларига ҳамда тажриба ўтказиладиган объект ва шароитларнинг тўғри танланишига, ўтказилиш режаси тартиби ва тақрорлаш сонига, олинган натижаларга тўғри статистик ишлов беришга боқлиқ. Юқоридагиларни хисобга олиб, танланган объект назарий йўл билан топилган параметрларнинг тўғрилигини экспериментал хусусиятларини хисобга олган холда хусусий методикалар ишлаб чиқдик ва лаборатория ускуналари, ўлчов асбоблари, жиҳозлар ва приборлардан фойдалангандик. Куйида уларнинг баёни келтирилган.


§ 3.1. Далада тажрибалар ўтказиш методикаси

Иш сифат кўрсаткичлари ўзаро таққосланадиган ғалла комбайнлари устида олиб бориладиган тажрибалар ерларининг ҳолати ва рельефи ҳамда ғаллазорнинг агротехник фони бир хил кўрсаткичларига эга бўлган жойларда ўтказилиши керак. Шуни хисобга олган холда далада тажрибалар ўтказиш усулидан [62] фойдаланиб, тажрибалар ўтказиш майдонини танладик. Бунда танланган майдон кейинги 3-4 йил ичida ўғитланган, тупроқига бир хил ишлов берилган ҳамда бир хил экин экилган.

Тажрибалар ўтказиш учун майдони 1 гектарга тенг бўлган дала танланди ва у икки пайкалга бўлинди. Танланган майдоннинг ярми ғалла думбул бўлган холда ўриб олиш учун, иккинчи ярми дон тўлиқ пишган пайтда ғалла комбайнни билан ўриб янчиб олишга ажратилди.

Агротехник тавсифини олиш учун хар бир бўлак тажриба катакларига ажратилди, яъни бир хил участканинг беш жойидан 3.1-расмда кўрсатилган схемага мос равишида бир квадрат метр-дан катак ажратилиб, унинг чегаралари белгиланиб қозиқчалар (диаметри $3\div 4$ см узунлиги 150 см) ёрдамида белгилаб қўйилди. Тажриба катаклари умумий майдон чеккасидан 10 м масофада танланган.

Тажриба ўтказиладиган майдоннинг схематик режаси



3.1-расм.

1-қозиқча; 2-хосилнинг «масса-ўлчам» тавсифи олинадиган катак.

Катакларни белгилашда теодолит, рулетка, қозиқлар ва шнур ўрамидан фойдаланилди.

Ажратиб олинган ушбу тажриба катакларида хосилнинг «масса-ўлчам» тавсифи яъни, хосилдорлиги, минг дона доннинг абсолют массаси, ўсимлик пояси массани дон массасига нисбатининг ўртacha қиймати миқдори, йиғиштиришдан олинган ўсимлик поясининг ўртacha қалинлиги аниқланди.

Бу кўрсаткичларни аниқлашда рулетка, $1,0\text{m} \times 1,0\text{m}$ шаклли рамка, ВЛКТ-500Г-М (ГОСТ 19491-74) маркали электрон тарозидан фойдаланилди.

Хосилнинг пишиб етилиш даражаси думбул ҳолатига етилганлигини, унинг намлиги ўрта хисобда 25-27% бўлиши билан баҳоланди [15,21]. Хосилнинг намлиги тажриба бошлашдан олдин ва тажриба ўтказиш пайтида аниқланади. Тажриба бошлашдан олдин хосилнинг намлиги «КОЛОС-1» приборида (3.2-расм) аниқланди.

«КОЛОС-1» ғалла намлигини ўлчаш прибори



3.2-расм.

Бунинг учун майдоннинг турли хил жойларидан олинган бошоқлар 0,5-1 сантиметр узунликда қирқиб унинг идишига солиниб қапқоқи ёпилади. Прибор кўрсаткичи (%) да баҳоланди.

Хосилининг пишиб етилиш даражаси думбул ҳолатига етган ғалла бошоғининг намлигини аниқлаш учун тажриба майдонининг беш жойидан бошоқлар қирқиб олинади ва унинг абсолют намлиги аниқланади. Бунинг учун йиқиб олинган бошоқларнинг массаси ВЛКТ-500г-М русумли электрон тарозида (± 1 грамм аниқликда) тортиб олинди. СНОЛ-3,5 русумли қуритиш шкафида қуритилади ҳосил намлиги қўйидаги формула бўйича аниқланади,

$$V = \frac{(a - v) \cdot 100}{a}, \%$$

Бу ерда: a -хосилнинг қуритилганга қадар оқирлиги, грамм.

v -хосилнинг қуритилганидан сўнгги оқирлиги, грамм.

Умумий тажриба майдони тавсифи, яъни буғдой бошоқидаги дон намлиги, поялар сони, узунлиги, бошоқ ўлчамлари ОСТ 70.2.15.73 [69] асосида аниқланди. Тажрибаларни Тошкент вилоятининг Ўрта-Чирчик туманидаги ТИҚҲМИИ ўқув-тажриба хўжалиги далаларида ўтказилди.

§ 3.2. Ўрим-йиғим даврида дон нобудгарчилигини аниқлаш

Тажрибалардан [12,13,14,15,21] маълумки, ғалла хосилини тўлиқ пишиб етилгандан кейин, уни тезликда ўриб-йиғиштириб олинмаса, вақт ўтиши билан турли омиллар таъсирида ҳамда табиий ҳолда ўз-ўзидан дон тўкилиши кузатилади. Натижада хосилдорлик мўлжалдан бирмунча паст бўлган. Мисол учун дон пишиб етилгандан 15 кун ўтгач нобудгарчилик умумий ҳосилнинг 3 % дан 20 % гача етган [15]. Юқорида келтирилган маълумотлар асосан Россия мамлакати шароитига хос бўлиб улардан, Республикамиз шароитида етиштирилган ғалла маҳсулотлари нобудгарчилигини баҳолашда фойдаланиб бўлмайди.

Республикамиз шароитида етиштирилган ғалла махсулотларининг дон нобудгарчилиги қуйидагича аниқланади.

Дон нобудгарчилигини аниқлаш бўйича тажриба ўтказиш учун ажратилган дала майдони 1m^2 бўлган тўғри тўртбурчакли катаклар билан ажратилди ва тажрибалар $4\frac{1}{2}/4$ лотин квадрати [62] услубида ўтказилади. Ажратилган катакларда ғалла донининг ерга тўкилиши (яъни нобудгарчилиги) дон тўлиқ пишиб етилгандан бошлаб хар 6 кун ўтганидан кейин аниқланиб борилади. Бунинг учун аввалдан белгиланган (тасодифий сонлар жадвали асосида) тартибда катаклардаги ғалла эҳтиёткорлик билан ўриб табиий холда тушган донлар териб массаси аниқланди.

Таққосланаётган технологиялар яъни ғаллани думбул пайтида ўриб, уни хирмонда янчиб оладиган янги ва одатдаги анъанавий бир фазали ўриб-янчиб олиш технологиялари операцияларини бажаришда дон нобудгарчилигини аниқлаш қуйидагича амалга оширилади.

Биринчи технологиядаги дон нобудгарчилиги ғалла думбул пайтига келганида, яъни намлиги 25% гача камайганда, бевосита ғалласи ўриб олинган пайкалда, даладан хирмонга ташиш жараёнида (транспорт воситасида) ва хирмонда янчилганда аниқланади.

Ғаллани ўриб-йиқиб олишда йўл қўйилган дон нобудгарчилигини аниқлаш учун ғалласи ўриб олинган $100\frac{1}{2}/100\text{m}$ юзали майдондан 3.1-расмда кўрсатилган схема бўйича юзаси 1m^2 бўлган тажриба катаклари (5 вариант) ажратилди ва ерга тўкилган дон йиғишириб олиниб, унинг массаси аниқланди (5.1-жадвал).

Думбул ҳолатида ўриб олинган ғаллани ташиш жараёнида тўкилган доннинг микдорини аниқлаш учун ғалла юклангандан транспорт воситаси ичига тушган дон йиғиширилиб, унинг массаси аниқланади. Тажриба ўтказишдан олдин транспорт воситаси

асосининг юзаси ўлчаб олинди ва дон тўкилиши мумкин бўлган жойлари яхшилаб беркитилди.

Хирмонда сақланаётган ғалланинг дони думбул ҳамда тўлиқ пишганидан кейинги ҳолатида механик кучлар таъсирида дон тўкилиши қуидагича (5 маротаба) аниқланди: 10 кг ғалла ўриб олиниб 5×5 м. бўлган брезент устида бир хил куч ва жадаллик таъсирида 5 минут давомида қориштирилди ва тушган донлар массаси ўлчаб олинди.

Одатдаги технологияда яъни, ғаллани бир йўла ўриб-йигиб олиш усулида дон нобудгарчилигини аниқлашда стандарт (аввалдан маълум бўлган) усулда [4,6,15,21,41] фойдаланилди. Бунда Доминатор-130 комбайн ўргичи ва янчиш қурилмасидан ерга тўкилиб қолган бошоқдаги дон микдори ва нисбий нобудгарчилиги аниқланди. Тажриба учун 1 гектар ғаллазор ажратиб олиниб унинг агротехник тавсифи олинди. Тажриба ўтказишдан олдин Доминатор-130 комбайни, уни эксплуатация қилиш бўйича инструкция [16,25,57] асосида созланди ва ишлатиш учун оптимал режимлари танланди.


§ 3.3. Тўпланган ғалла ғарами баландлигининг дон сифатига таъсирини аниқлаш методикаси

Дони думбул пишган ғаллани ўриб, хирмонда ғарамлаб сақлаш сифатига табиий омиллар таъсирини ўрганиш учун хирмонда маҳсус жой ажратилди. Ушбу жойга асоси $5\frac{1}{2}5$ м, баландлиги 3 м бўлган ғарам тайёрланди.

Ғалла дони сифатининг ўзгариши, моғорлаши ва бошқалар ғарам ички қисми ичидаги ҳароратнинг ўзгариши (кўтарилиши) билан баҳоланди ва симоб термометри ёрдамида кузатилди. Доннинг умумий сифати эса, тажриба тугаганидан кейин, ғарамни қаватма-

қават янчиш, яъни «органолептик» усулда аниқланди. Температурани ўлчаш учун ғарам ичига 0.5, 1.0, 1.5, 2.0, 2.5 м баландликда термометрлар ўрнатилди. Ушбу термометр 3.2-расмдаги схема бўйича жойлаштирилди ва хар бир қатламнинг тўрт жойидаги ҳарорат ўлчанди.

Ғарам кўндаланг кесими бўйича термометрларни жойлаштириш схемаси



3.2-расм.

1-қозик; 2-сим тўр; 3-термометр.

Ғарам ичидаги ҳарорат, дон табиий ҳолдагидек пишиб етилгунча, хар куни соат 9⁰⁰, 12⁰⁰ ва 21⁰⁰ да ўлчаниб борилди. Доннинг тўлиқ қуриб пишиб етилганлиги [12,21] усулда аниқланди.

§ 3.4. Лаборатория стенди

Ғарамланган ғалла маҳсулотини янчиш учун ғалла ком-байнига узатиб бериш мослама (ғарамтитгич) нинг ишлаш қобилятига турли

хил омиллар ва ўзгарувчан шароитлар таъсир этади. Улар кўп факторларга боқлиқлиги сабабли мосламанинг оптимал ўлчамларини аниқлаш кузатилаётган ходисанинг тўлиқ механизми хақида билимга эга бўлмасдан туриб бажаришга тўғри келади.

Бундай вазифани ечишда экспериментал натижаларга асосланган ва ўрганилаётган ходисаларни тўлиқ механизми хақида билимга эга бўлмасдан туриб бажаришга тўғри келади.

Бундай вазифани ечишда эксперимент натижаларига асосланган ва ўрганилаётган ходисаларни статистик қонуниятлари асосида талқин этишни кўзда тутиш, яъни экспериментни математик режалаштиришдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир [18,19,61].

Ғарамтитгичнинг асосий ўлчамларини аниқлашда, тажриба сонини камайтириш экспериментлар ўтказиш учун сарфланадиган вакт ва маблаҳни тежаш билан бир қаторда, олинадиган эксперимент натижаларни қўйиладиган талабларга жавоб берадиган даражада бўлишини таъминлаш мақсадида иккинчи даражали эксперимент Бокс режасида ўтказилди [19,61].


Мосламанинг иш қобилятига таъсир қиласидиган эркин факторларни танлашдан олдин унга таъсир кўрсатадиган хамма факторлар априор таҳлил қилинди. Мосламанинг иш қобилятини шакллантирадиган факторлар даражасини ўрганиш, хамда тажрибалар ўтказиш мақсадида лаборатория стенди тайёрланди.

Лаборатория стендининг умумий кўриниши 3.3-расмда келтирилган.

Лаборатория стенди қўйидаги қисмлардан ташкил топган:

Рамага ўрнатилган бармоқли барабан 1, планка ўрнатилган лентали ажратгич 2, чўткали назорат барабани 3, шитоклар, сифимлар ҳамда харакат узатувчи механизмлардан иборат.

Лаборатория стенди



3.3-расм.

1-бармоқли барабан; 2-ажратгич; 3-чўткали барабан; 4-узатилаётган ғарам; 5-бармоқдан ажралиб улгурмаган поялар учун сифим; 6-бармоқдан ажратиб олинган поялар учун сифим.

Бармоқли барабан, лентали ажратгич узатмаси орқали харакатни двигательдан занжирили узатма орқали олади. Бармоқли барабаннинг айланишлар сонини ҳамда лентали ажратгичнинг харакатланиш тезлиги уларнинг валида жойлашган юлдузчаларни алмаштириш хисобига ўзгартириш мумкин. Бармоқли барабаннинг айланишлар сони 50 дан 80 айл/мин. гача, лентали ажратгичнинг тезлиги эса 2,2 дан 2,63 м/с. гача ўзгартирилади.

Бармоқлар барабан ва лентали ажратгич орасидаги тирқиши t ни (2.9-расм) ҳам ўзгартириш кўзда тутилган. Бу лентали ажратгичнинг пастги таянчини рамага нисбатан силжитиш билан амалга оширилади.

Бармоқлар ўрнатилган қувурсимон валнинг диаметрини, унинг сиртига илиб олинаётган ғалла поясининг ўралиб қолмаслик шарти асосида назарий хисобланиб 4-бобда $D_b=162$ мм қабул қилинган. Лентали ажратгич ва стенднинг бошқа ўлчамлари конструктив қабул қилинди. Бармоқлар ўрнатиладиган қувурсимон валнинг узунлиги комбайннинг қия транспортёри энига teng яъни, 120 см қилиб олинди.


Бармоқларни барабан валининг ўқига параллел йўналишда оралиқи 10, 15, 20, 25 ва 30 см қилиб, айлана бўйича эса бир қаторда 4, 8, 10 ва 12 та бармоқ ўрнатиш имкони бор. Барабанга турли хил шакл ва узунликдаги бармоқлар ўрнатилиши мумкин. Тажриба жараёнида тадқик қилинадиган бармоқлар шакли ва ўлчамлари ва шу асосда тайёрланган турли бармоқларнинг қўриниши 3.4 ва 3.5-расмда келтирилган.

Стенд қўйидагича ишлайди. Электродвигатель манбага улангач ҳаракат узатмаси ёрдамида бармоқли барабан 1, лентали ажратгич 2 ва чўткали назорат барабани 3 га ҳаракат келади. Тажриба вақтида зичлиги ўртacha $35 \text{ кг}/\text{м}^3$ ғалла 1,5 м баландликда ва 1,2 м кенгликда аравачага юкланади. Аравача эса $0,05...0,08 \text{ м}/\text{с}$ тезлиқда барабан томон ҳаракатланади. Натижада янчиш аппаратида $3,5...5,4 \text{ кг}/\text{с}$ миқдордаги ғалла узатиш таъминланди. Бу пайтда барабан бармоқлари ғалла пояларини илиб олиб умумий массадан ажратади ва уни ажратгичга олиб келади. Ажратгич планкаси бармоқка илашиб келаётган пояларни ажратиб олади.

Ажратгичнинг ишини баҳолаш, яъни унинг бармоқлардаги пояларни ажратиш даражасини аниқлаш учун стендда чўткали назорат барабани 3 ўрнатилган. Ажралиб улгурмаган пояларни ушбу чўткали барабан бармоқлардан сидириб олади ва маҳсус бункер 5 га

узатади. Бункерга түшгән поялар миқдорини қия транспортёрға узатылған поялар миқдорига нисбатан фоиз ҳисобида аниқланади.

Тадқиқ қилингандык турли шаклдеги бармоқтар да уларнинг ўлчамлари



3.4-расм.

а-букилган; б-логарифмик спираль бўлаги; в-парабола ($Y^2=2px$)
кўринишдаги; г-тўғри чизиқли [68].

Назарий тадқиқодлар асосида тайёрланган бармоқлар



3.5-расм.

Ушбу стенд бармоқлар шакли, ўлчами ва сони турли бармоқлар ўрнатилган мосламанинг ғарамдан ғалла пояларини ажратиб олиб комбайнга узатиш қобилятини тажрибалар асосида аниқлаш имконини беради.

Тажрибалар ўтказиш сони, тартиби, олинган натижаларни таҳлил қилиш ва мосламанинг изланаётган ўлчамларини оптимал қийматларини топишда [18,19,61] усулларидан фойдаланилда.

3-Боб бўйича хулоса

Хар қандай илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун албатта экспериментлар ўтказилиши лозим. Бизнинг холатимизда кўзланган мақсадга эришиш, назарий ҳисоб-китобларни амалда исботлаш учун лаборатория хамда дала экспериментларини ўтказиш керак бўлади. Албатта экспериментни оптимал ва аниқ натижалар олувчи усуллари танланилади. Шуни ҳисобга олган холда тадқиқот обьекти танланди ва тажрибалар ўтказиш усули [62] дан фойдаланилди.

IV. ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИ

§ 4.1. Фалланинг «масса-ўлчам» тавсифи

Иш сифат кўрсаткичлари ўзаро таққосланадиган ғалла комбайнлари устида олиб бориладиган тажрибалар «далада тажриба ўтказиш» усулидан фойдаланилган ҳолда танланди. Шуни хисобга олган ҳолда, бунда танланган майдон кейинги 3-4 йил ичида ўғитланган, тупроғига бир хил ишлов берилган ҳамда бир хил экин экилган. Ерларнинг ҳолати ва рельефи ҳамда ғаллазорнинг агротехник фони бир хил кўрсаткичларга эга бўлган жойларда ўтказилди.

Ушбу майдон Тошкент вилояти ТИҚҲММИ нинг ўқув-тажриба хўжалигига жойлашган бўлиб, тажриба ўтказиладиган жойга уруғ экишдан олдин 250 кг/га минераль ўғит ва маҳаллий ўғит солинган. «Сикифянка» навли буғдой 5-6 см. чукурликда 20-22 ноябрь 1997 йилда экилган ва 1998 йил 4 ва 24 март кунлари сугорилган.

Фалланинг «масса-ўлчам» тавсифи аниқлаш тажрибалари 1998 йил 10-15 июнь кунлари олиб борилди. Тажрибалар 3.1. бўлимда келтирилган услубда олиб борилди, натижалар қуидаги 4.1 ва 4.2-жадвалларда келтирилган.

Тажриба ўтказиладиган майдоннинг агротехник кўрсаткичлари қуидагича:

Бугдой нави	-«Сикифянка»
Экилган вақти	- 20-22 ноябрь
Экиш нормаси	-250 кг/га
Экиш чукурлиги	-5-6 см
Ўғитлаш	-250 кг/га, февраль ойида
Сугориш	-4 ва 24 марта

4.1-жадвал

Тажрибалар Тартиби	Тажриба учун қирқиб олинган бошоқлар оғирлиги, гр		Нисбий намлиги %	Арифметик үртача қиймати, %	Үртача квадратик хато (G)
	қуритилган- гача	қуритилган- дан кейин			
1	300	234	22	25,1	2,04
2	300	228	24		
3	300	221	26,3		
4	300	220	26,6		
5	300	220	26,6		

4.2-жадвалда келтирилган кўрсаткичлардан кўриниб турибдики ғалазордаги маҳсулот икки қисм яъни, дон ва сомон қисмларидан иборат. Маҳсулотнинг «масса-ўлчам» тавсифи ўз ичига ўсимликнинг геометрик ўлчамлари, дон масасининг сомон массасига нисбати, минг дона доннинг массаси, дон зичлиги ва бошқалар ғалазорлар хосилдорлигини, унинг поялар баландлиги ва майдон юзаси бўйича тарқалишини, умумий хосилдорликни аниқлашга ҳамда ғалазорнинг умумий хосилдорлигини ва сифат кўрсаткичларини баҳолашга имкон беради. Шу билан бир қаторда ғалазор тавсифларидан бирин-хосилдорлиги ғалла комбайнларини ишлатишда катта ахамиятга эга. Чунки, янчиш қурилмасига узатиладиган ғалла массасининг миқдори унга боғлиқ бўлиб, комбайннинг ишчи тезлиги янчиш қурилмасига келиб тушадиган массасига нисбатан чегераланган бўлади.

4.2-жадвал

ҒАЛЛА МАЙДОНЧАСИНИНГ «МАССА-ҮЛЧАМ» ТАВСИФИ

Проба ¹		1m^2 даги бүгдий поя сони, дона	Бүгдий поясининг ўртача бүйи, см	1m^2 даги ғалла массаси, (дон+сомон) гр.	Дон ва сомон нисбати	1 та бошоқдаги доннинг ўртача сони, дона	Бошогининг ўртача узунлиги, см.	1m^2 майдондаги доннинг соф огирилиги гр.
1	2	3	4	5	6	7	8	
1.	622	83,9	$1002+1325=2327$	1:1,3	33,5	6,2	1002	
2.	493	82,0	$677+1280=1967$	1:1,9	28,6	5,9	677	
3.	578	91,1	$764+1480=2244$	1:1,9	27,5	6,4	764	
4.	594	92,9	$768+1490=2258$	1:1,9	27,0	6,9	768	
5.	630	87,6	$864+1340=2204$	1:1,5	29,0	6,0	864	

§ 4.2. Ўрим - йиғим даврида дон нобудгарчилиги


Пишиб етилган ғалла маҳсулотининг вақт ўтиши билан нобуд бўлишини аниқлаш тажрибаси 4.1. бўлимда тавсифи берилган майдонда 3.1. бўлимда келтирилган услубиёт ёрдамида аниқланди. Олинган маълумотлар 4.2-жадвалда ва 4.1-расмда келтирилган. Тўлиқ пишиб етилган ғалла маҳсулотининг вақт ўтиши билан нобуд бўлиши (грамм)

4.3-жадвал.

Тажрибалар тартиби	Тажриба ўтказиш кунлари				
	Дон тўлиқ пишганда г.	6 кун ўтгандан кейин г.	12 кун ўтгандан кейин г.	18 кун ўтгандан кейин г.	24 кун ўтгандан кейин г.
1	8	150	270	450	630
2	10	165	230	432	670
3	6	170	242	242	445
4	11	180	251	425	651
5	7	140	275	475	610
Арифметик ўртача қиймати	8,4	161	253,6	447,4	641,2
Ўртача квадратик ҳатоси G	2,07	15,96	18,8	19,59	22,57
1 га хисобига кг/га	3,369	63,434	99,18	175,21	252,63

4.3-жадвал ва 4.1-расмдан кўриниб турибдики пишиб етилган ғалла маҳсулотининг нобудгарчилик миқдори вақт ўтиши билан кўпайиб боради. Нобудгарчиликнинг жадал ўсиши 12 кундан кейин бошланади. Биринчи 6 кунликда дон нобудгарчилик 63,434 кг/га ни ташкил этса, иккинчи 6 кунликда эса 99,18 кг/га ни ташкил этади. Учинчи ва тўртинчи 6 кунликда уларга мос равишда 175,21 ва 252,63 кг/га ни ташкил этади.

**Дон нобудгарчилиги ва ғаллани ўриб-йиғиштириб олишни
бошлаш вақти орасидаги боғланиш графиги**



4.1-расм.

1-буғдой; 2-арпа.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики хосил тўлиқ пишганидан 6 кун ўтгандан кейин хосилдорлик -2,3% га, 12 кундан кейин -3,7% га, 18 ва 24 кун ўтгандан кейин эса -6,49% ва -9,36% камаяди. Ўтказилган ушбу тажриба тўлиқ пишиб етилганида ғаллани дарҳол ўриб-янчидан олиш ёки бўлмаса йиғиштириб олишнинг янги технологиясини қўллаш заррурияти борлигини кўрсатади.

Дони думбул пишган ғаллани ўриб олиш, ташиш ва хирмонда саклаш жараёнидаги йўл қўйиладиган дон нобудгарчилигини қўйида келтирилган тажрибалар асосида олинган маълумотларда кўриш мумкин (4.4-жадвал).

Дони думбул пишган ғаллани ўриб, хирмонда янчиш пайтида дон нобудгарчилиги.

Тажрибалар тартиби	Дон нобудгарчилиги,			Хосилдорликка нисбатан дон нобудгарчилиги %
	Ғаллани ўриб-йигиб олишда	Ташишда	Хирмонда ишлов бериш жараёни	
	5	2	0	2,4
	5	3	0	2,75
	6	3	0	3,1
	5	1	0	2,4
	3	2	0	1,72
Арифметик ўртача қиймати	4,8	2,2	0	2,47

Таққосланыётган технологиялар яъни, ғаллани думбул пайтида ўриб, уни хирмонда янчиб оладиган янги ва одатдаги анъанавий бир фазали ўриб-янчиб олиш технологиялари операцияларини бажаришда дон нобудгарчилигини аниқлаш қўйидагича амалга оширилади.

Ғалланинг думбул ва пишиб етилган холатида механик кучлар таъсиrlар натижасида дон тўкилиши миқдорини (5 карра такрорлаш асосида) қўйидагича аниқланди: ўриб олинган 10 кг ғалла (буғдой поялари) 5 минут давомида механик кучлар таъсирида 5.0×5.0 м бўлган брезент устида қориширилганда думбул холатида ўриб олинган ғалладан ўрта хисобда 160 дона бошоқ (массаси –174 гр.) ва 250 гр. миқдордаги соф дон тўкилди яъни, жами бўлиб, $174+250=424$ гр. дон брезентга тўкилди.

Худди шу хол пишиб етилган буғдой поясида такрорланганда 230 та бошоқ (массаси-250 гр.) ва 700 гр. миқдордаги соф дон брезентга тўкилди яъни жами $250+700=950$ гр. дон тўкилди.

Демак, тажрибалардан шу нарсани хulosса қилиб айтиш мумкинки, думбул пайтида ўриб-йигиб олинган ғалла бошоқларидан механик

кучлар таъсирида доннинг ажралиши пишиб етилган ғаллага қараганда 950x424x2,24 баробар камроқ бўлади. Яъни, думбул холатидаги ғаллани йиғиштириш жараёнида турли механик кучлар таъсирлари натижасида тўкиладиан дон миқдори пишиб етилган ғаллани анъанавий усулда йиғиштиришга нисбатан $(950+424)\times 100:950=55,3\%$ га камайишини башорат қилиш мумкин.

Юқоридаги тажрибалар 1998 йил Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ тумани ТИҚҲМИИ ўкув-тажриба хўжалиги далаларида ўтказилган бўлиб, Охунбобоев участкасининг 4 гектарлик ғалла пайкалидан 10 сотих ғалла майдони думбул холатига келган пайтда (5 карра такрорланиб жами 50 сотих ердан) қўлда ўриб олинниб, асфальтланган майдонда хар-хил баландликда ғарамлаб қўйилди ва вақти-вақти билан ғарамдаги температура назорат қилиб турилди, ҳаво температураси билан ғарам орасидаги температура фарқи ўртacha 50C ни ташкил этиб, ғарамнинг моғорлаб кетмаслиги тажрибалар асосида аниқланди.

Орадан 25 кун вақт ўтгач, биз томондан таклиф қилинган мослама «Доминатор-130» СК-5 ғалла комбайни ўрғичи ўрнига тақилиб, ғарамлаб қўйилган ғалла янчиб олинди. 10 сотих ердан ўриб олинган ғалла янчилганда (стационар холда) ўртacha 424 кг соф буғдой олинди. Тажриба ўтказилган пайкалнинг буғдойи тўлиқ пишиб етилганда (бошоқдаги дон намлиги 12-15% гача пасайганида) яна 10 сотих майдондан «Доминатор-130» СК-5 ғалла комбайнida бира йўла ўриб янчилиб, ўрта хисобда 325 кг миқдорда соф буғдой олинди (такрорлаш 5 марта). Анъанавий усулда йиғиштирилганда таклиф этилаётган янги усулга нисбатан $424-325=99$ кг камроқ дон йиғиштирилди. Яъни, янги усулда анъанавий усулга нисбатан $(99:325)\cdot 100=30,46\%$ кўпроқ хосил йиғиштирилади.

Таклиф этилаётган мосламани ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш жараёнида олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдик, хосилдорлиги 27,7 ц/га бўлган ғалазор думбул холатида ўриб сўнгра, янчиб олинганда дон нобудгарчилиги умумий хосилдорликнинг 2,8% ни ташкил этди. қуриб пишган ғалла комбайнда бира йўла ўриб янчиб олинганда эса, дон нобудгарчилиги умумий хосилдорликнинг 11,9% ни ташкил этди. У қуйидагича аниқланади: ғалла думбул пайтида ўриб хирмонда ғарамланиб қуритилганидан сўнг янчиб олинганда даланинг ҳар 1 м² жойида 7,9 гр. Яъни, 79 кг/га дон тўкилганлигини аниқлади, нобудгарчилик $(79:2770) \times 100 = 2,8\%$ ни ташкил этди.

Далада тўлиқ пишган ғаллани комбайнда бира йўла ўриб янчиб олинганда ҳар 1 м² жойда 32,6 гр. яъни 326 кг/га дон тўкилганлиги аниқланиб, нобудгарчилик $(326:2770) \times 100 = 11,9\%$ ни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтилганда, ғалла думбул пайтида ўрилиб хирмонда қуритилгандан сўнг янчиб олинганда ғалла тўлиқ пишганидан кейин комбайнда бира йўла янчилганга қараганда дон нобудгарчилиги 11,9:2,8=4,27 баробарига камайди. Ишлаб чиқаришда ғалла ўрим-ийими пайтида дон нобудгарчилигини аниқлаш ва илмий-тадқиқот ишлари натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш далолатномасига қайд этилиб хўжаликлар раҳбарлари томонидан тасдиқланди (илова).

§ 4.3. Ғарам баландлигининг дон сифатига таъсири

Ғаллани думбул пайтида ўриб қуритилгандан сўнг хирмонда ёки қаторлаб кетилган уюмлардан янчиб олинганда дон озуқа сифатининг ҳеч бир хусусияти билан поясида қуриб пишган ғалладан қолишмаслигини кўпчилик олимларнинг кузатишларида тасдиқланган [6,9,12,13,14,15]. Шунинг учун биз олиб борган илмий-94

тадқиқот ишларида мамлакатимиз шароитида ғаллани думбул холатида ўриб уни хирмонда ғарамлаб, табиий шароитда қуритилгандан сўнг уни янчиб олиш мақсад қилиб қўйилган эди.

Ғаллани думбул холатида ўриб, хирмонда ғарамлашнинг сифатига табиий факторларнинг таъсирини ўрганиш учун хирмонда махсус жой ажратилди. Бу жой асфальт билан қопланган бўлиб, ғалла ғарамининг максимал баландлиги 3 метр ни ташкил этди.

Ғарамланган ғалла дони сифатининг ўзгариши, моғорлаши ва бошқалар унинг ичидаги ҳароратнинг ўзгариши (кўтарилиши) билан баҳоланди ва уни симоб термометри ёрдамида кузатдик. Доннинг умумий сифати эса, тажриба тугаганидан кейин, ғарамни қаватма-қават янчиш яъни, «органолептик» усулда аниқладик. Температурани ўлчаш учун ғарам ичига 0.5, 1.0, 2.0, 2.5 м. баландликда термометрлар ўрнатилди. Ушбу термометрлар 3.2-расмдаги схема бўйича жойлаштирилди ва хар бир қатламнинг тўрт жойидаги ҳарорат ўлчанди.

Ғарам ичидаги ҳарорат, дон табиий холатда қуриб етилгунча, ҳар куни соат 900, 1200 ва 2100 да ўлчаниб борилди. Доннинг тўлиқ қуриб пишиб етилганлигини [12,21] усулда аниқланди.


Ғарам ичидаги ва ҳаво ҳароратлари фарқи ўртача 50С ни ташкил этди. Яъни қундузи ҳаво ҳарорати 35-40° С ни ташкил қиласа, ғарам ичидаги 30-32° С ни ташкил қилди. Кечаси ҳаво ҳарорати 25° С ни ташкил қиласа, ғарам ичидаги ҳарорат 28-30° С ни ташкил этди.

Демак, тажрибалардан шуни хulosа қилиш мумкинки мамлакатимиз шароитида ғаллани думбул пайтида ўриб ғарамлаб қўйилса (3 м гача баландликда), ғарам моғорлаб кетмайди ва доннинг биологик хоссаси ўзгармайди.

§ 4.4. Барабан бармоқлари шаклиниң ғалла пояларини ажратиш қобилиятига таъсири

Ажратгич бармоқлари шаклиниң, мосламанинг ғарамдаги ғаллани ажратиб олиш қобилиятига таъсирини лаборатория стендида [3.4-қаранг] тадқиқ қилинди. Тажриба учун турли шаклга эга бўлган тўрт хил бармоқлар (3.4 расмга қаранг) танланди. Бунда ғалла пояларни узатгич транспортер лентасининг тезлиги $V=2.62 \text{ м/с}$, яъни қурилманинг ғарамни титиб олиш тезлигига teng қилиб олинади. Олинган маълумотлар 4.2-расмда келтирилган.

Бармоқлар шаклиниң ғарамтитгич иш қобилиятига таъсири схемаси



$\omega_1 \rightarrow$

4.2-Расм.

1-а-бурчак остида букилган; 2-логарифмик спирал бўйича букилган; 3-парабола кўринишда букилган; 4-букилмаган.

Олинган тажриба маълумотлари шуни кўрсатадики 1 ва 2 вариант бармоқларниң ъаллани ажратиб олиш қобилияти барабан

бурчак тезлиги $\omega_1=6,25 \text{ c}^{-1}$ дан $\omega_1=7,3 \text{ c}^{-1}$ гача қўтарилиганча ошиб боради ва барабан бурчак тезлиги янада оширилганда эса камая бошлайди. Бунга асосий сабаб қилиб, барабан бурчак тезлигининг ошиб бориши билан биринчидан ажратгичнинг бармоқлардан пояларни ажратиб олиши қийинлашиши бўлса иккинчидан пояларга таъсир этадиган марказдан қочма куч миқдоридан бошқа кучлар йифиндиси миқдори катта бўлиши, натижасида пояларнинг бармоқда туриб қолиши ёки барабан маркази томон силжишини кўрсатиш мумкин. Худди шундай холат логарифимик шаклда эгилган ва барабангага тўғри (радиал) ўрнатилган бармоқлар билан жихозланган барабандада ҳам кузатилади. Лекин 3 ва 4 вариант бармоқлар билан жихозланган ва $\omega_1=6,25 \text{ c}^{-1}$, $\omega_1=7,3 \text{ c}^{-1}$ бурчак тезлик билан айланаётган барабанларнинг ғаллани ажратиб олиш қобилияти худди шундай бурчак тезлик билан айланаётган 1-2 вариант барабанлари қобилиятидан 15-25 % гача кам. Ушбу барабанларнинг бурчак тезлигини янада оширилса, уларнинг ғаллани ажратиб олиш қобилияти орта боради ва $\omega_1=8,3 \text{ c}^{-1}$ га ошганда 1 ва 2 вариант барабанларининг пояларни ажратиб олиш қобилиятига тенглашади. Бундай холатнинг юз бериши барабан бурчак тезлиги паст бўлганда унинг бармоқлари иш ғалла пояларини ажратиб олиш жараёнларининг бошида уни ғалла массасидан тортиб олиб ажратишга эмас, асосан зичлашга ва кейинчалик ажратишга сарфланади. Натижада барабаннинг ғалла пояларни ажратиб олиш қобилияти бир мунча пастроқ бўлади. Барабан бурчак тезлиги ошиши натижасида бармоқларнинг пояларни зичлаш жараёни кам ўзгарсада, унинг ажратиб олиш жараёни жадаллашади, яъни пояни ажратиб олиш қобилияти ошади.

Келтирилган маълумотлардан (4.2-расм) кўриниб турибдики барабан бурчак тезлиги $\omega_1=7,3 \text{ c}^{-1}$ дан $\omega_1=8,3 \text{ c}^{-1}$ гача бўлган оралиқда 1 ва 2

вариант шаклли бармоқлар барабандан пояларни нисбатан бир хил, максимал ажратиб олишини таъминлаб беради. Ушбу иккала бармоқлардан бармоқни махсус лографимик спирал шакл бериб эгишдан кўра 2-вариант уни оддий тайинланган бурчакга эгиш осонлигини хисобга олиб 1-вариантдаги бармоқни танлаймиз.


§ 4.5. Бармоқларнинг барабанда жойлашиш қадамининг ғарамтитгичдан пояларни ажратиб олиш қобилиятига таъсири

Барабанни сиртида бўйлама ўқ йўналиши бўйлаб жойлашган бармоқлари орасидаги масофа-бармоқлар қадамининг ўзгариши ғарамтитгичнинг ғарамдан ғалла пояларини ажратиб олиш қобилиятига таъсир кўрсатади. Бармоқларнинг барабанда жойлашиш қадамининг ўзгаришининг ғарамтитгичнинг ғалла пояларини ажратиб олиш қобилиятига таъсирини лаборатория стендида ўрганилди. Бунда стенд конструкция бармоқлар барабан сиртида бўйлама ўқ бўйлаб жойлашган бармоқлар қадамини $8\div20$ см. оралиқда ўзгартириш имконини беради.

Тажриба барабанга 1-вариант бармоқлар, унинг кўндаланг кесими юзаси бўйича 3 ва 6 қатор, қадами эса 8,12,16 ва 20 см қилиб ўрнатилган ҳамда барабанинг бурчак тезлиги $\omega_1=7,3 \text{ c}^{-1}$ ўтказилади. Баҳолашнинг асосий мезони қилиб ғарамтитгичнинг ғалла пояларни ажратиб олиш қобилияти танланади.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики (4.3-расм) бармоқлар қадами $8\frac{1}{4}12$ см. оралиқда ўзгартирилган ғарам титгичнинг ғалла пояларини ажратиб олиш қобилиятига таъсир қўрсатмайди. Бармоқлар қадами 16 см. қилиб ўрнатилганда эса ғарамтитгичнинг ғалла пояларини ажратиб олиш қобилиятининг пасая бориши ва бармоқлар қадами 20 см. қилиб жойлаштирилганда эса бу ҳолат янада ошкора равишда кузатилади.

Бармоқлар жойлашиш қадами (t) нинг ғарамтитгич иш қобилияти (q) га таъсири



4.3-расм.

1-Барабан кўндаланг кесими бўйича ўзаро тенг масофада 3 қатор бармоқлар ўрнатилганда; 2- Барабан кўндаланг кесими бўйича ўзаро тенг масофада 6 қатор бармоқлар ўрнатилганда.

Кўндаланг кесим юзасига 3 қатор бармоқлар ўрнатилган барабан билан жихозланган ғарамтитгичнинг ғарамдан ғаллани ажратиб олиш қобилияти 6-қатор бармоқлар билан жихозланган ғарамтитгичнинг ғалла пояларини ажратиб олиш қобилиятидан бир мунча паст. Уларнинг бармоқлари қадамини 8 см дан 20 см гача ўзгартирилганда ғарамтитгичнинг ғалла пояларини ажратиб олиш қобилиятининг ўзгариши бир хил қонуниятга бўйсунади ва улар орасида жуда катта фарқ ($HCP_{0,5}=0,27$) йўқ. Шундай қилиб ғарамтитгичнинг барабани бармоқлари қадамини $8\frac{1}{4}$ -12 см оралиғида қабул қиласиз.

§ 4.6. Ғарамтитгич параметрларини экспериментни режалаштириш асосида аниклаш

4.6.1. Ғарамтитгич барабани параметрларини аниклаш

Мосламанинг асосий ўлчамларини аниклаш назарий ҳам экспериментал асосида олиб борилади. Биз унинг назарий жихатдан аниқланган ўлчамларни, амалда тўғри топилганлигини текшириш мақсадида экспериментал изланишлар олиб бордик. Амалда бир пайтнинг ўзида мослама ўлчамларининг оптимал қийматларини топиб, ушбу кўрсаткичларни хаммаси экстремум қийматига эришиш мумкин эмас. Шу сабабли хар қандай қишлоқ хўжалик процессларини тадқиқот қилаётган мутахассис ўзини қизиқтираётган битта критерий (жавоб-отклик)ни танлайди, қолганларига, ўзгариш чегараларини белгилайди.

Ғарамтитгич параметрларини аниклаш икки этапда олиб борилди. Биринчи этапда ғарамтитгичнинг ғарамдан пояларни ажратиб олгич бармоқли барабанининг параметрлари, иккинчи этапда эса барабан бармоқларидан ғалла пояларини тўлик ажратиб олишни таъминлаб берадиган ажратгичи параметрлари аникланади.

Ғарамтитгич бармоқли барабани параметрларига барабан диаметри, бармоқлар конструкцияси, бармоқ узунлиги ва унинг барабан сиртида бўйлама ўқ бўйлаб жойлашиш қадами, бурчак тезлиги, бармоқ эгилган қисмнинг энганиш бурчаги, барабан узунлиги ва бошқалар киради.

Ажратгич конструкцияси бармоқли барабан конструкциясига мосланган бўлиб икки валикка ўрнатилган транспортердан иборат. Транспортер лентасига тишли планкалар 20 см оралиқда ўрнатилган.

Унинг параметрлари: валиклар диаметри, валик ва транспортер эни валиклар орасидаги масофа ва бошқа параметрлари конструктив

қабул қилинди. Барабаннинг ғалла пояларини ажратиб олиш қобилиятига асосан транспортер лентасининг тезлиги, барабан ва транспортер лентаси орасидаги ишчи тиркиш таъсир қилишини хисобга олиб, ушбу параметрларнинг муқобил ўлчамларини тажриба ўтказиш йўли билан аниқлаш кўзда тутилди.

Биринчи этап тажрибаларини ғарамтитгич барабанининг ғарамдан комбайннинг янчиш қобилиятига мос келадиган микдордаги ғаллани ажратиб, янчиш учун узатиб беришни таъминлайдиган муқобил параметрларини аниқлашда унинг қуидаги параметрлари: бармоғининг узунлиги, бармоғининг эгилган қисмининг қиялик бурчаги, барабан кўндаланг кесими бўйича жойлашган бармоқ қаторлари сони ва барабаннинг бурчак тезлиги план режага қўйилди. Барабан цилиндри диаметри, барабан узунлиги, бармоқлар шакли, барабан сиртида бармоқларнинг бўйлама ўқ бўйича жойлашиш қадами ва бошқа параметрлари, назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида қабул қилинди. Улар қуидаги қийматларга эга:

- барабан узунлиги-1200 мм;
- бармоқлар шакли-1-вариант (4,5 бўлимга қаранг);
- барабан цилиндри диаметри-162 мм;
- барабан сиртида бармоқларнинг бўйлама ўқ бўйлаб жойлашиш қадами-10 см. ва бошқалар, ва ўтказилган тадқиқотлар жараёнида ушбу параметрларнинг тайинланган қиймати ўзгартирилмасдан қолдирилди.

План-режага қўйилган барабан параметрларнинг ўзгариш чегаралари, асосан назарий ва эксперимент натижалари ҳамда априор таҳлил асосида танланди. Уларнинг тайинланган қиймати 4.5-жадвалда келтирилган. Тажриба лаборатория стендида Хартли-4 план-режаси асосида юқорида келтирилган (3-бўлимга қаранг)

методика бўйича ўтказилди. Олинган тажриба маълумотлари 4.6-жадвалда келтирилган.

4.5-жадвал

1-этап тажрибаларини ўтказишда танлаб олинган факторлар ва унинг ўзгариш чегаралари.

№	Факторларнинг Номи	Факторлар белгиси	Факторларнинг			
			Асосий чегараси	Юқорги чнгараси	қуий чегараси	Ўзгариш чегараси
1.	Бармоқ узунлиги, мм	X ₁	200	260	140	60
2.	Бармоқ эгилган қисмининг қиялик бурчаги, град.	X ₂	35 ⁰	55 ⁰	25 ⁰	20 ⁰
3.	Барабан кўнда- ланг кесим юза сида жойлашган бармоқлар қаторлари сони, қатор	X ₃	4	5	3	1
4.	Барабанинг айланишлар сони, айл/мин	X ₄	60	80	40	20

Режа матриаси бўйича параметри ўзгартирилган барабан билан жихозланган ғараметитгич-лаборатория қурилмасида хар бири ўтказилган тажриба n=4 тадан такрорланди, тажриба ўтказиш кетма-кетлик тартиби «тасодифий сонлар» жадвалидаги сонларнинг учрашиш асосида ўтказилди. Тажриба ўтказиш жараёнида ғараметитгичнинг ғарамдан ғалла пояларини ажратиб олиш қобилияти фоизда (ажратиб олинган ғалла пояларининг ажратиб олинмаган пояларга нисбати) аниқланди, тажриба натижалари 4.6-жадвалда келтирилган.

**План-режа матрицаси, эксперимент ва уларнинг статистик
ишлов берилган натижалари**

№	Факторлар				Эксперимент натижалари					Дисперсия
	X ₁	X ₂	X ₃	X ₄	Y ₁	Y ₂	Y ₃	Y ₄	Ўр.ариф. қиймати	
1.	-1	-1	-1	+1	+91,100	+91,400	+91,300	+91,200	91,250000	0,016667
2.	+1	-1	-1	+	+90,300	+90,700	+90,800	+90,600	90,599998	0,046666
3.	-1	+1	-1	-1	+89,500	+89,700	+89,800	+89,700	89,675003	0,015833
4.	+1	+1	-1	-1	+90,200	+90,400	+90,400	+90,300	90,324997	0,009167
5.	-1	-1	+1	-1	+90,600	+90,100	+90,200	+90,300	90,300003	0,046667
6.	+1	-1	+1	-1	+89,200	+89,100	+89,500	+89,300	89,274994	0,029167
7.	-1	+1	+1	+1	+90,400	+90,700	+90,300	+90,500	90,475006	0,029166
8.	+1	+1	+1	+1	+90,400	+90,200	+89,900	+90,200	90,175003	0,042500
9.	-1	+0	+0	+0	+89,400	+89,500	+89,500	+89,300	89,425003	0,009166
10.	+1	+0	+0	+0	+89,200	+89,400	+89,300	+89,200	89,275009	0,009167
11.	+0	-1	+0	+0	+90,200	+89,900	+89,900	+90,000	90,000000	0,019999
12.	+0	+1	+0	+0	+89,000	+89,600	+89,400	+89,500	89,375000	0,069166
13.	+0	+0	-1	+0	+90,200	+89,900	+90,200	+90,100	90,099998	0,019999
14.	+0	+0	+1	+0	+90,300	+90,300	+90,400	+90,400	90,324997	0,009167
15.	+0	+0	+0	-1	+89,000	89,200	+88,900	+89,100	89,050003	0,016666
16.	+0	+0	+0	+1	+91,300	+91,400	+91,400	+91,400	91,375000	0,002500
17.	+0	+0	+0	+0	+89,900	+89,500	+89,900	+89,800	89,774994	0,035834

Олинган тажриба маълумотлари ЎзМЭИ нинг «Моделирование» илмий лабораториясида статистик ишлов берилди (4.6-жадвалга қаранг), тажрибаларни такrorий (қайтадан) ўтказиш мумкинлиги Кохрен мезони:

$$G = 1,61 \prec G_{жад} = 2,51$$

бўйича, экспериментнинг амалий ва хисобий натижаларининг адекватлиги (бир-бирига мос келиши) эса Фишер мезони:

$$F = 1,823 \prec F_{жад} = 2,54$$

асосида текширилди. Эксперимент натижасида олинган иш сифат кўрсаткичлар қиймати экспериментларни такrorий ўтказиш, хисоблаб топилган математик модел ва унинг жавоб функцияларининг адекватлиги хақидаги гипотезасини инкор этмаслигини кўрсатди.

Натижада, ғарамтитгич барабанининг ғарамдан ғалла пояларини ажратиб олиш қобилиятини тасвиirlайдиган қуйидаги иккинчи тартибли тенглама олинади.

$$Y = +89,735 - 0,148X_1 - 0,313X_2 + 1,162X_4 - 0,399X_1^2 + 0,253X_1X_2 - 0,166X_1X_3 - 0,072X_1X_4 + 0,000X_2^2 - 0,797X_2X_3 - 0,203X_2X_4 + 0,463X_3^2 + 0,216X_3X_4 + 0,463X_4^2 \quad (4.1)$$

Ғарамтитгич барабанининг оптимал параметрларини (аниқлаш) кўп хадли моделнинг (4.1) экстремумини ЎзМЭИ нинг «моделирование» илмий лабораторияси тавсия этган «Штрафнўе функция» усулидан фойдаланган холда аниқланди. Ушбу тенглама ёрдамида ғалла пояларини максимал даражада ажратиб олишини (93,6 %) унинг бошқариладиган факторларининг қуйидаги қийматларида эришилади.

$$X_1 = -0,7716; \quad X_2 = 0,9995; \quad X_3 = 0,9999; \quad X_4 = 1,0000;$$

Ғарамтитгич бармоқли барабани параметрларининг натурал қийматини қуйидаги формула орқали аниқлаймиз.

$$X_i = x_i \cdot \varepsilon + X_{oi}; \quad (4.2)$$

Бу ерда; X_i -факторларнинг натурал қиймати;

x_i -факторларнинг шартли (4.1) қиймати;

ε - фактор натурал қийматининг ўзгариш чегараси;

X_{oi} -факторнинг натурал ўртача қиймати;

Ғарамтитгич барабани параметрларининг оптимал қийматлари қуйидагича :

1. Бармоқнинг узунлиги $X_1 = l = 154\text{мм}$,
2. Бармоқ эгилган қисмининг қиялик бурчаги $X_2 = \alpha \approx 26^\circ$,
3. Барабан кўндаланг кесим юзасида жойлашган бармоқ қаторлари сони $Z = 5$ қатор,
4. Барабанинг айланишлар сони $n = 80$ айл/мин.

§ 4.6.2. Ажратгич параметрларини аниқлаш

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек ғарамтитгич иш кўрсаткичлари фақат бармоқли барабан параметрларигагина эмас, балки ажраткич транспортёри параметрларига хам боғлик. Ажратгич транспортёрининг вазифаси ғарамдан бармоқли барабан ёрдамида ажратиб олиниб, уни поялардан тозалаш зонасига келгунга қадар ва бармоқдан ўз холича ажралган ғалла пояларини, хамда бармоқда қолган пояларни ажратиб олиб, ғарамтитгич таглиги ва транспортёр тасмаси орасидаги тирқишига тортиш ва уларни қия камерага узатиб беришдан иборат.

Ажратгич барабан бармоқларидан пояларни тоза, тез ажратса ва уларни хамда у жойда ўзи ажратилган пояларни узлуксиз равишда қия камерага узатиб берса, ғарамтитгич шунчалик яхши ишлайди. Бу жараённинг сифати ажратгич транспортерининг тезлиги хамда у билан барабан орасидаги тирқиши кенглигига боғлик. Ажратгичнинг ушбу параметрларининг муқобил қийматларини аниқлаш учун юқорида зикр этилган ОМКП режаси (ДФЭ-2п-1) дан танланди. Транспортер тасмасининг тезлиги унинг етакловчи валигининг айланма тезлигига teng эканлигини хисобга олиб, тажриба олиб боришда валикнинг айланишлар сонини бошқариладиган фактор сифатида қабул қилинди. Ажратгичнинг бошқа параметрлари юқорида кўрсатилганидек, тадқиқод жараёнида ўзгармас деб қабул қилинди.

Ғарамтитгич ажратгичнинг иш сифати кўрсатгичи сифатида бармоқли барабандан ажратиб олинган ва қия камерага узатиб бериладиган ғалла пояларининг миқдори (фоиз хисобида) танланди.

Ажратгич параметрларининг, пояни барабан бармоқларидан ажратиб олиш, уларни қия камерага узатиш жараёнини, хамда

олинган эксперимент натижалари шуни кўрсатадики, улар эксперимент ўтказиш доирасида қабул қилинган.

Биз ўз тадқиқотимизда, яъни ғарамтитгичнинг назарий асосда аниқланган ўлчамларини эксприментал тасдиқлаш мақсадида уни режалаштириб, критерийнинг қийматларининг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш учун иккинчи даражали кўп хадли тенгламадан фойдаланамиз. У қуйидаги шаклга эга:

$$\eta(x_1\beta) = \beta_0 + \sum_{i=1}^n \beta_i x_i + \sum_{\substack{i,j=1 \\ i < j}} \beta_{ij} x_i x_j + \sum_{i=1}^n \beta_{ij} x_i^2 \quad (4.3.)$$

Хозирги пайтда иккинчи даражали кўп хадли тенгламанинг математик моделини олиш учун кўп сонли план-режалар тузилган [61]. Улар бир-биридан нафақат тузилиш принциплари билангира эмас, балки оптималлик мезони билан хам фарқ қиласди. План-режа тузилиш принциплари ва оптималлик мезонларини таҳлил қилиш натижасида, ғарамтитгичнинг асосий ўлчамларини асослаш учун экспериментал тажрибалар икки этапда олиб борилди. Биринчи этап тажрибалари учун композициялаштирилмаган планлар турига кирадиган Хартли плани ва иккинчи этап тажрибаларини ўтказиш учун эса ортогонал марказ композицион-лаштирилган план-режа (ОМКП) танланди. Бунда асосий мезон қилиб планнинг қуйидаги хусусиятга эга эканлиги: ортогоналлиги, яъни хисоблаш формулаларининг соддалиги, математик модель коэффицентларини бир-бирига боғлиқ бўлмаган холда баҳолаш имкониятини, хисоб натижаларини аниқлик даражаси юқори бўлганлиги ҳисобга олинди.

Мосламанинг асосий ўлчамларини аниқлашда асосий баҳолаш мезони, яъни жавоб-отклиқ сифатида, унинг бармоқли барабандан ғалла пояларини тўлиқ ажратиб олиш ва уни комбайннинг қия камерасига узатиб бериш қабул қилинди. Дастраси ўтказилган

тажрибалар тахлили ажраткич иш кўрсаткичини баҳолаш мезонижавоб-откликнинг ўзгариши мураккаб шаклли, эгри сирт бўйлаб ўзгариш қонуниятига бўйсунишлигини кўрсатди.

Тажриба ўтказиш учун экспериментлар ва априор тахлил асосида ғарамтитгичнинг ишлаш қобилиятига таъсир кўрсатадиган, биргаликда ишлайдиган бармоқли барабан ва ажраткичнинг асосий факторларининг қийматлари, ўзгариш чегаралари танланди. Тадқиқод олиб бориш учун қуидаги факторлар:

X_1 -ажраткич транспортёрининг етакловчи валигининг айланишлар сони (транспортёрнинг иш тезлиги ушбу валик айланма тезлигига боғлиқ бўлганлиги сабабли);

X_2 -барабан цилинтри ва транспортёр тасмаси орасидаги тирқиши, қабул қилинди. Улар тўғрисидаги маълумотлар 4.7-жадвалда келтирилган.

4.7-жадвал

ОМКП режаси (ДЭФ-22-1 ядроси билан) да иштирок этадиган

факторларнинг ўзгариш чегаралари.

Факторлар чегараси	X_1	X_2
Асосий чегараси X_{i0} ($X_i=0$)	480	25
Ўзгариш қадами ΔX_i	40	15
Юқори чегараси X_{i10} ($X_{i10}=+1$)	520	40
Пастки чегараси X_{i11} ($X_{i11}=-1$)	440	10
Юлдуз елкаси $+a$ ($X_i=1.414$)	536,5	46,2
Юлдуз елкаси $-a$ ($X_i=1.414$)	423,4	6

Биз танланган план-режа матрицаси ва изланиш асосида аниқланган экспериментлар натижалари 4.7-жадвалда келтирилган. Экспримент хар бир варианти $m = 3$ мартадан қайтарилди. Жавоб-

отклиқ мезонининг натижалари, яъни уларнинг арифметик ўртача қийматлари қўйидаги формула асосида аниқланди (4.8-жадвал).

$$\bar{Y_g} = \frac{1}{m} \sum_{m=1}^n Y_{g_i} \quad (4.4)$$

4.8-жадвал

Танланган план-режанинг матрицаси, тажриба ва уларга статистик ишлов бериш натижалари

Факторлар қиймати		Y_1	Y_2	Y_3	\bar{Y}	S^2	\hat{Y}
X_1	X_2						
-1	-1	+96,00	+98,00	+97,00	97,0000	1,000000	97,350861
+1	-1	+89,00	+91,00	+90,00	90,0000	1,000000	90,867279
-1	+1	+92,00	+90,00	+93,00	91,6666	2,333333	91,465042
+1	+1	+91,00	+90,00	+89,00	90,0000	1,000000	90,314804
-1,41	+0	+95,00	+96,00	+92,00	94,3333	4,333333	94,365639
+1,41	+0	+90,00	+88,00	+91,00	89,6666	2,333333	88,968529
+0	-1,41	+96,00	+95,00	+96,00	96,3333	2,333333	95,609756
+0	+1,41	+94,00	+89,00	+90,00	91,0000	7,000000	91,057877
+0	+0	+95,00	+98,00	+94,00	95,6666	4,333333	95,667160

Элементни такрорий ишлаб чиқариш мумкинлиги текшир-ишида хир бир бош танлама дисперсияси $G^2(Y_g)$ нинг танлаб баҳолаш қиймати S_g^2 қўйидаги формула асосида аниқланади.

$$S_g^2 = \frac{1}{m-1} \sum_{i=1}^m \left(\bar{Y}_{ge} - \bar{Y}_g \right)^2 \quad (4.5)$$

Бунда эркинлик даражаси $V_g = m-1$, деб қабул қилинади.

Тенгламанинг дисперсияси

$$\sum_{g=1}^N S_g^2 = 23,4 \quad \text{деб аниқлаймиз.}$$

Экспериментни қайта текшириш мүмкінлігінің, $g = 0,05$ учун аниқтама көрсетілді.

$$G = \frac{\max_{g=1}^N S_g^2}{\sum_{g=1}^N S_g^2} = 0,227$$

Аниқланған Кохрен критериясінің $G \leq G_{1-g}(\nu_1 \nu_2)$ тенгсизлик асосида текширамыз. Агар тенгсизлик бажарылса, бош танлама дисперсияси S_g^2 асосида тәжрибаниң қайтариш мүмкінлігінің күрсатади. Унда әркинлик даражалары,

$$\nu_2 = N(m-1); \quad \nu_1 = m-1 \quad (4.6)$$

асосида аниқланади.

Ушбу күрсаткыштарда Кохрен критериясінің жадвалдан олинадиган қийматы

$$G_{g-1} = 0,3025 \quad \text{га тенг}$$

Ушбу маълумотларни тенгсизликка қўйилса,

$$G = 0,203; \quad G_{g-1} = 0,3025; \quad G = 0,203 < G_{g-1} = 0,3025 \quad \text{бўлади},$$

яъни тәжрибаниң қайтариш мүмкінлігінің күрсатади.

Регрессия тенгламасынің коэффицентларини аниқлаш учун

$$\sum_{n=1}^9 f_{gi} \bar{Y}_g \quad (4.7)$$

$j = 0 \dots 9$ хисобланиб, қуйидаги формулалар ёрдамида $B_0, B_1, B_2, B_{12}, B_1^2$ ва B^2 коэффицентлар аниқланди:

$$B_0 = K_1(n) \sum_{g=1}^N \bar{Y}_g; \quad (4.8)$$

$$B_i = K_2(n) \sum_{g=1}^N (x_i)_g \bar{Y}_g; \quad (4.9)$$

$$B_{ij} = K_3(n) \sum_{g=1}^N (x_i x_j)_g \bar{Y}_g; \quad (4.10)$$

$$B_{ii} = K_4(n) \sum_{g=1}^N \left(X_i^2 \right)_g \bar{Y}_g; \quad (4.11)$$

ва уларнинг дисперсиялари

$$S^2\{B_0\} = K_1(n) S^2 \left[\bar{Y} \right] \quad (4.12)$$

$$S^2\{B_i\} = K_2(n) S^2 \left[\bar{Y} \right] \quad (4.13)$$

$$S^2\{B_{ij}\} = K_3(n) S^2 \left[\bar{Y} \right] \quad (4.14)$$

$$S^2\{B_{ii}\} = K_4(n) S^2 \left[\bar{Y} \right] \quad (4.15)$$

$K_i(n) \dots K_y(n)$ лар 6.5 – жадвалдан олинади [61].

$$K_1(n) = 0,11; \quad K_2(n) = 0,16; \quad K_3(n) = 0,50$$

Тажрибани қайтариш дисперсиясини баҳолаш куйидагича аниқланади,

$$S^2(B^0) = \frac{S^2[Y]}{N + 2n + N_0} = 6,82;$$

$$\text{ўртача дисперсия} \quad S^2\{Y\} = \frac{S^2\{Y\}}{m} = 2,85$$

Коэффициентлар:

$$B_o = 95,667;$$

$$S^2 = 0,25;$$

$$B_1 = 1,908;$$

$$B_2 = -1,610;$$

$$S^2 = 0,31;$$

$$B_{12} = 2,001;$$

$$S^2 = 0,56;$$

$$B_1^2 = 1,333;$$

$$B_2^2 = -1,167;$$

$$\rho^2\{\sigma_1^2\} = 1,135$$

Аниқланган коэффициентларни баҳолаш, уларнинг статистик таъсирини текшириб кўриш учун Стыюдентнинг t-критериясидан фойдаланамиз. Бунинг учун 0...9 гача t_j ни аниқлаймиз.

$$t_j = \frac{|\boldsymbol{\epsilon}_j|}{S|\boldsymbol{\epsilon}|} \quad (4.16)$$

формуласи асосида аниқланилади.

$$t_0 = 191,334$$

$$t_1 = 3,46$$

$$t_2 = -2,92$$

$$t_{12} = -2,07$$

$$t_1^2 = 1,45$$

$$t_2^2 = 1,41$$

бизнинг холатимизда Стыюдентнинг t-критерияси $q=0,05$ да ва

$$\nu = N(m-1) = 9 \cdot (3-1) = 1 \text{ да}$$

$$t_{\text{жад}} = \nu = 1,33 \text{ га тенг.}$$

Агар, аниқланган t-критерия натижалари билан t_{жад} маълумотларини солиштиrsак, хамма коэффициентлар мухим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, критерий тенгламасини қуидагича тузамиз:

$$Y_{\text{аж}} = 95,667 + 1,908X_1 - 1,610X_2 - 2,001X_1X_2 + 1,338X_1^2 - 1,167X_2^2; \quad (4.17)$$

$$\hat{Y} = \hat{Y}(X_g \boldsymbol{\epsilon}) = \boldsymbol{\epsilon}_o + \sum (X_i)_g \boldsymbol{\epsilon}_i + \sum_{\substack{i,j=1, \\ i \leq 1}}^n \boldsymbol{\epsilon}_i (X_i X_j) + \sum_{i=1}^n \boldsymbol{\epsilon}_{ii} (\overline{X_i^2})_g; \quad (4.18)$$

формула асосида тажрибалар орқали олиниши мумкин бўлган отклик-жавобнинг натижасини аниқлаймиз.

$$\hat{Y} = 95,21; \quad Y_2 = 92,66; \quad Y_3 = 91,16; \quad Y_4 = 94,1; \quad Y_5 = 91,55; \quad Y_6 = 93,7; \\ Y_7 = 91,57; \quad Y_8 = 91,56; \quad Y_9 = 88,87.$$

Тенглилик гипотезаси қўйидаги Фишер критерияси орқали текширилади,

$$F = \frac{S^2_{\text{отк}}}{S^2_{\{Y\}}}; \quad (4.19)$$

Фишер критериясини ҳисобланган миқдори $F = 0,71$ га, жадвалдагиси $F_{ж}$ дан кичик бўлиши лозим: $F < F_{жад}$. Бу тенгсизлик асосида текшириш учун эркинлик даражасини топиб,

$$\nu_1 = N - d = 9 - 0 = 9$$

бу ерда: d -аҳамиятга молик бўлмаган коэффициентлар сони $d=0$

$\nu_2 = N(m - 1) = 9(3 - 1) = 18$ ушбу даражалар асосида $F_{ж}$ -Фишер критериясининг жадвалдаги қийматини топамиз. У $F_{жад}=3,1$ га тенг. Агар тенгсизликка қўйсак,

$$F = 0,71 < F_{жад}=3,1 \text{ яъни,}$$

эркинлик даражалари $\nu_1 = 9$, $\nu_2 = 18$ бўлганда, $q=0,05$ тажриба асосида олинган математик модель, тенглилик гипотезасини тасдиқлайди, жавоб-отклиқ функцияси натижалари эксперимент ва кузатишлар натижасига қарама-қарши келмайди.

Шундай қилиб, матеметик моделни қўйидагича ёзамиз,

$$Y_{aж} = 95,667 + 1,908X_1 - 1,610X_2 - 2,001X_1X_2 + 1,338X_1^2 - 1,167X_2^2; \quad (4.20)$$

Олинган тенглама таҳлили қўйидаги хулосаларни келтириб чиқаради:

1. Агар X_1 ва X_2 лар нолинчи чегарасида ўрнатилса, бармоқлардаги пояларнинг 95,6 % ажратиб олинади.
2. X_1 факторнинг коэффициенти мусбат ишорага эга бўлганлиги сабабли X_1 нинг ўсиши \hat{Y} нинг хам ўсишига олиб келади. Шу

сабабли ажратгич етакловчи ролигининг айланишлар сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. X_2 нинг коэффициенти манфий ишорага эга бўлганлиги сабабли барабан цилинтри ва ажратгич лентаси орасидаги тирқиш кенглиги камайтирилса пояларни ечиб (ажратиб) олиш даражаси ортади.

Олинган регресия тенгламасини каноник кўринишга келтириб жараённи акс эттирувчи сирт шакли аниқланиб, унинг икки ўлчамли кесимлари чизилиб, X_1 ва X_2 факторларнинг мақбул миқдорларини аниқлаш мумкин ва уни кейинги бўлимда кўриб чиқамиз.

§ 4.6.3. Математик модель бўйича мосламанинг оптимал ўлчамларини аниқлаш.

Эксперимент натижалари бўйича тадқиқод қилинаётган мезонни ифодалайдиган регресия тенгламаси (4.20) ни ифодалайдиган «акс-садо» сиртнинг турини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Сиртнинг турлича кесимлари топилса, мезон кўрсатгичларнинг X_1 ва X_2 ўзгарувчан факторларга боқлиқлигини кўрсатадиган эгри чизик (график) ларни қуриш ва бу боғлиқликнинг қонуниятини тадқиқод учун аниқлаш имконияти туғилади.

Мазкур масалани ечиш учун (4.20) регресия тенгламасини каноник кўринишга келтириш, «акс-садо» сиртнинг икки ўлчамли кесимларини аниқлаш керак.

Илгари топилган регресия тенгламаси кўринишга эга:

$$\hat{Y} = -1,66X^2 - 2XV + 1,3Y + 1,9X_1 + 1,6XY + 95,6 \quad (4,21)$$

Тенгламани ўзгартирамиз: $\bar{Y} = \hat{Y}_1 + 95,6; X = X_1; Y = \hat{Y}_1$ деб,

белгилаб оламиз ва $(\hat{X}_1, \hat{Y}_1, \hat{\bar{Y}}_1)$ координат системасида (4.21) тенгламани қуидаги күришишга келтирамиз:

$$\hat{\bar{Y}}_1 = -1,16 \hat{X}_1^2 - 2 \hat{X}_1 \hat{Y}_1 + 1,3 \hat{Y}_1^2 + 1,9 \hat{X}_1 - 1,6 \hat{Y}_1 \quad (4.22)$$

Иккинчи тартибли эгри чизик тенгламаси күришишдаги (4.22) ни тенгламанинг ўнг қисмини таҳлил қиласиз:

$$\Phi(X_1, Y_1) = A \hat{X}_1^2 + 2B \hat{X}_1 \hat{Y}_1 + C \hat{Y}_1^2 + 2D \hat{X}_1 + 2E \hat{Y}_1 + F = 0 \quad (4.23)$$

бу ерда: $A=-1,16$; $B=-1,0$; $C=1,3$; $D=0,95$; $E=-0,8$; $F=0$.

(4.23) тенгламанинг катта коэффициентлари дискриминантини қуидагича хисоблаймиз:

$$G = \begin{vmatrix} A & B \\ B & C \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} -1,16 & -1,0 \\ -1,0 & 1,3 \end{vmatrix}$$

Энди, аниқловчи күришишдаги (4.22) тенгламанинг дискриминантини хисоблаймиз:

$$\Delta = \begin{vmatrix} A & B & D \\ B & C & E \\ D & E & F \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} -1,16 & -1,0 & 0,95 \\ -1,0 & 1,3 & -0,8 \\ 0,95 & -0,8 & 0 \end{vmatrix} \neq 0$$

Икки ўзгарувчан ноаниқликли иккинчи даражали тенгламалар назариясидан маъмумки (4.22) тенгламанинг график күриши эллипс бўлади, хамда $\alpha \neq 0$; $G > 0$ бўлганлиги сабабли бу эллипс марказга эгадир.

(4.22) тенгламани марказга нисбатан ўзгаришини қуидагича бажарамиз.

Эллипс марказини топиш учун қуидаги тенгламалар системасини ечамиз:

$$\begin{cases} \frac{\partial \Phi(\hat{X}_1, \hat{Y}_1)}{\partial \hat{X}_1} = 0 \\ \frac{\partial \Phi(\hat{X}_1, \hat{Y}_1)}{\partial \hat{Y}_1} = 0 \end{cases} \Leftrightarrow \begin{cases} -1,16\hat{X}_1 - 2,0\hat{Y}_1 + 1,9 = 0 \\ -2,0\hat{X}_1 + 2,6\hat{Y}_1 - 1,6 = 0 \end{cases}$$

Тенгламалар системасини Крамер методи ёрдамида ечамиз:

$$\hat{X}_1^0 = \frac{\Delta \hat{X}_{-1}}{\Delta} = \frac{\begin{vmatrix} 1,9 & 2,07 \\ -1,6 & 2,6 \end{vmatrix}}{\begin{vmatrix} -1,16 & 2,0 \\ -2,0 & 2,6 \end{vmatrix}} = -0,24$$

$$\hat{Y}_1^0 = \frac{\Delta \hat{Y}_1}{\Delta} = \frac{\begin{vmatrix} -1,16 & 1,9 \\ -2,0 & -1,6 \end{vmatrix}}{\begin{vmatrix} -1,16 & 2,0 \\ -2,0 & 2,6 \end{vmatrix}} = -0,73$$

Демак, эллипснинг маркази қуёидаги нүктада бўлади,

$$S(\hat{X}_1^0, \hat{Y}_1^0) = S(-0,24; -0,73)$$

X_1 О Y_1 координаталар бошини эллипс маркази $S(-0,24; -0,73)$ га кўчирамиз.

Бунинг учун системани параллел кўчирамиз, шу мақсадда :

$$\begin{cases} \hat{X}_1 = X_2 - 0,24 \\ \hat{Y}_1 = Y_2 - 0,73 \end{cases} \quad (4.24)$$

(4.24) ни (4.23) тенгламага қўямиз ва қуйидагини хосил қиласиз:

$$AX_2^2 + 2BX_2Y_2 + CY_2^2 + F_1 = 0 \quad (4.25)$$

бу ерда:

$$F_1 = DX_0 + EY_0 + F = 0,95(-0,24) - 0,8(-0,73) = 0,356$$

Шундай қилиб, (4.25) тенглама қуйидаги кўринишга келади,

$$-1,16X_2^2 - 2X_2Y_2 + 1,3Y_2^2 + 0,356 \quad (4.26)$$

X_2 S Y_2 координат системасини кононик кўринишга келтириш учун унинг ўқларини (4.26) тенгламадаги $-2,0$ X_2 Y_2 аъзоси йўқ бўлиб кетадиган холатигача буриш лозим.

Координат ўқларини буриб ўзгартириб, (4.24) тенгламани симметрия ўқларига келтиришни қўйидаги тартибда бажарамиз.

(4.26) тенгламани симметрия ўқларига келтириш учун

$$A_1 X_3^2 + C_1 Y_3^2 + F = 0 \quad (4.27)$$

SX_2 ва SY_2 координат ўқларини φ бурчакка буриш зарур, у қўйидаги формуладан аниқланади:

$$\operatorname{tg} \varphi = \frac{B}{A - C}; \quad (4.28)$$

$$\operatorname{tg} \varphi = \frac{-1}{-1,16 - (-1,0)} = 6,25$$

(4.28) тенгламадан $\varphi = \operatorname{arctg} 6,25 \approx 9^\circ$

Буриб ўзгартириш қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{aligned} X_2 &= X_1 \cos \varphi + X_2 \sin \varphi \\ Y_2 &= X_1 \sin \varphi + X_2 \cos \varphi \end{aligned}$$

ёки $\cos \varphi$ ва $\sin \varphi$ ларни $\varphi = \operatorname{arctg} 6,25$ қийматида хисобланса, бурилишнинг ўзгариши тенгламасини хосил қиласиз.

$$\begin{cases} X_2 = 0,9877 X_1 + 0,1564 X_2 \\ Y_2 = 0,1564 X_1 + 0,9877 X_2 \end{cases} \quad (4.29)$$

Ўзгартирилган (4.27) тенгламанинг A_1 , C_1 , $/_1$

коэффициентларини характеристик тенгламадан аниқлаймиз:

$$\lambda^2 - (A + C)\lambda + C = 0$$

$A = -1,16$; $C = 1,3$; $G = -2,208$ қийматларида қўйидаги илдизга эга бўлади:

$$\lambda_1 = 3,05 \quad \text{ва} \quad \lambda_2 = -2,77$$

демак,

$$A_1 = \lambda_1 = 1,525$$

$$C_1 = \lambda_2 = -1,385$$

$$F_1 = 0,356$$

Хулоса қилиб айтганда, (4.27) тенглама қуйидаги күришишга келади:

$$1,52X_1^2 - 1,38X_2^2 + 0,356 = 0 \quad (4.30)$$

(4.30) тенгламани кононик күришишга келтирамиз:


$$\frac{X_1^2}{(0,87)^2} + \frac{X_2^2}{(1,85)^2} = 1 \quad (4.30a)$$

Демак, $X_1 \leq X_2$ текислигіда эллипс

$a = 0,87$ -хақиқий ярим ўқига ва

$\epsilon = 1,85$ -мавхум ярим ўқига эга бўлади.

$X_1 \leq X_2$ текислигіда эллипснинг күришиши.



4.6.1-расм

(4.21) тенгламанинг ўзи эса кетма-кет ўзгартиришлардан кейин,

$$\bar{Y} = \hat{\bar{Y}}_1 + 95,6$$

- 1). $X = \hat{X}_1$ -параллел кўчириш,
 $Y = Y_1$

$$\bar{Y} = \hat{\bar{Y}}_1 + 95,6$$

2). $\hat{X}_1 = X_2 - 0,24$ -параллел күчириш,

$$\hat{\bar{Y}}_1 = Y_2 - 0,73$$

$$\bar{Y} = \hat{\bar{Y}}_1 + 95,6$$

3). $\hat{X}_2 = 0,9877X_1 + 0,1564X_2$ -ўқлар φ бурчакка,

$$\hat{Y}_1 = 0,1564X_1 + 0,9877X_2$$

бурилганда, қуидаги күринишга эга бўлади:

$$\bar{Y}_1 = 1,52X_1^2 - 1,38X_2^2 + 0,356 \quad (4.31)$$

бу эса ўз навбатида эллипссимон параболоидни билдиради.

$\hat{Y}_1 = const$, бўлгандағи текисликларнинг X_3 S Y_3 текислигига


параллел кесимлари қуидаги күринишга эга бўлади:

$$1,52X_1^2 - 1,38X_2^2 = \hat{\bar{Y}}_1 - 0,356$$

график күриниши қуидагича бўлади: (4.6.2-расм)

X_3 S Y_3 текислигига параллел кесимларнинг

график күриниши.




4.7.2-расм.

График чизмадан кўриниб турибдики, $S(-0,24; -0,73)$ нуқтасида параболоиднинг минимуми бу нуқта учун «акс-садо» $\hat{Y}_1 = -0,352$ эканлигини аниқлаймиз.

\hat{Y}_1 нинг ўсиши эллипснинг хақиқий ва мавхум ўқларнинг чексизликкача ўсишига олиб келади.

Энди параболоидни X_2 S \hat{Y}_1 га параллел ва $X_1 = const$ даги текисликлар билан кесимларини аниқлаймиз. Бу кесимлар $\hat{Y}_1 = X_2^2 + \alpha$ квадрат учхадли параболалар мажмуини билдиради. Бу ердаги α миқдори $\alpha = 0,356$ дан чексизликкача ўзгаради. Бу графикларни қуйидаги кўринишда келтириш мумкин (4.6.3-расм).


$X_2 S \hat{Y}_1$ текислигига параболаларнинг жойлашиши.



4.6.3-pacm.

Параболоидни X_2 \hat{Y}_1 текислигига параллел ва $X_2 = const$ масофадаги кесимлари юқоридагига ўхшаш бўлади. Бу кесимлар $\hat{Y}_1 = X_1^2 + \beta$ квадрат параболаларнинг мажмуини беради. Бу ердаги $\beta = -0,356$ дан чексизликкача ўзгаради. Уларни қуидаги кўринишда чизиш мумкин (4.6.4-расм).

X_2 \hat{Y}_1 текислигига параболаларнинг жойлашиши



4.6.4-расм.

Ғарамтигич ажратгичи параметрларининг муқобил ўлчамлари юқорида таъкидлаб ўтилган усул (иловага қаранг) (4.20) тенгламани кононик кўринишга келтириб икки ўлчамли кесмалар ёрдамида X_1 фактор-ажратгич транспортери тасмасининг етакловчи юлдузчаси айланишлар сонининг муқобил қиймати $490 \div 500$ айл/мин. X_2 -фактори барабан цилиндри ва тарнспортер тасмаси орасидаги тирқиши кенглигини муқобил қиймати эса 15...25 мм оралиғида қабул қиласиз.

4-боб бўйича хулоса

Ғалла ўрим-йиғимида мавжуд йиғиштириш технологияларида ичида Ўзбекистон шароити учун маъқул бўлган технология бир-неча йил ўтказилган экспериментлар натижасида ўз исботини топди ва экспериментлар натижалари бўйича анъанавий технология ўрнига тавсия этилаётган технология қўлланилса, дон нобудгарчилиги 4,27 баробарга камайиши исботланди.

1. Ўриб олинган ғалланинг физик-механик хоссаларини ғарамтитгичнинг иш кўрсаткичларига таъсирини тахлил қилиш, унинг параметрларини назарий аниқлаш имконини беради.
2. Эксперимент тадқиқодлари натижаси шуни кўрсатадики, ғалланинг дони думбул пишиб етилганда уни ўриб, маҳсус жойда ғарамлаб ва маълум вақт ўтгач уни ғарамтитгич мослама билан жихозланган комбайнда янчиб олинса, амалдаги ғалла йиғиштириш технологиясига нисбатан дон нобудгарчилиги 3-4 баробарга камаяди.
3. Ғарамтитгич барабани бармоғининг таклиф этилган геометрик шакли, унинг максимал иш унуми барабаннинг $\omega_1=7,3 \text{ c}^{-1}$ ÷ $\omega_1=8,3 \text{ c}^{-1}$ бурчак тезлик билан айланишда таъминлаб беради.
4. Экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатадики бармоқлар барабан сиртида $8 \div 12$ см қадам билан жойлаштирилганда, ғарамтитгич юқори иш унумига эга бўлади ва бу назарий тадқиқотлар натижасига мос келади ва унинг ҳаққонийлигини тасдиқлайди.

Экспериментал тадқиқотлар,

5. Комбайннинг янчиш қобилиятига мос келадиган ғарамтитгичнинг максимал иш унуми қўйида келтирилган муқобил параметрлари:
 - барабан узунлиги – 1200 мм.;
 - бармоқ шакли–кўндаланг кесими айлана, ($\varnothing=12 \text{ mm}$) учи ўткирланган ва қисман эгилган, барабанга радиал ўрнатиладиган:

- барабан цилиндири диаметри –162 мм;
- барабан сиртида бармоқларнинг бўйлама ўқ бўйлаб жойлашиш қадами –10 см.;
- бармоқнинг узунлиги –154 см;
- бармоқнинг эгилган қисмининг қиялик бурчаги $\alpha=26^0$;
- барабан кўндаланг кесим юзасида жойлашган бармоқ қаторлари сони – $Z=5$;
- барабанинг айланишлар сони $n=80$ айл/мин;
- ажратгич транспортери тасмасининг етакловчи юлдузчаси айланишлар сони $n_{\text{ю}}=490 \div 500$ айл/мин;
- барабан цилиндири ва транспортер тасмаси орасидаги тирқиши кенглиги $\delta=15 \div 20$ мм ва бошқаларда эришиш мумкинлигини кўрсатди ва тасдиқланди.

V. МОСЛАМАНИ ЭКСПЛУАТАЦИОН СИНАШ НАТИЖАСИДА УНИ ҚҮЛЛАШНИ ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАШ

§ 5.1. Ғарам титгичнинг тажриба нусхасини ишлаб чиқиш

Дон нобудгарчилигини кескин камайтириш мақсадида ғаллани биологик жихатдан пишган вақтида яъни, думбул пайтида ўриш ва бира йўла дала четига чиқариб ғарамлаш, маълум бир вақт ўтгач уни стационар ҳолатда ишлаш учун жихозланган махсус комбайн билан янчиб олиш мақсадга мувофиқдир.


Ғарамланган ғаллани стационар ҳолатда ишлаётган комбайнга унинг янчиш қобилятига мос равищда узата оладиган мослама таклиф этилган бўлиб, унинг умумий кўриниши 5.1-расмда келтирилган. Мослама қуйидаги қисмлардан ташкил топган: 1-барабан, 2-ғаллани сидириб оловчи бармоқ, 3-пояни бармоқдан ажратиб оловчи тасма, 4-ростлагич, 5-Комбайн қия камераси, 6-рама, 7-таглик.

Мосламага харакат комбайн қия камераси орқали узатилиб, у қуйидаги тартибда ишлайди: Бармоқли барабан 1 ғаллани ғарамдан керакли миқдорда сидириб олиб тасмали ажратгич 3 га узатади. Ўз навбатида тасмали ажратгичнинг тезлиги бармоқли барабан 1 никидан бирмунча кўп бўлганлиги сабабли бармоққа илашган пояни у сидириб олади ва комбайн қия камерасидаги 5 транспортёрга узатиб беради.

Самарқанд вилоятининг Булунғур тумани, Жиззах вилояти-нинг Фаллаорол ва Бахмал туманлари, Тошкент вилоятининг Ўрта-Чирчик туманидаги ТИҶХМИИ ўқув-тажриба (ЎТҲ) хўжалигига ўтказилган эксплуатацион синовларда мослама ишга яроқли эканлигини ва юқори самара бериши исботланди (илова).

ТИҚХМИИ үқув-тажриба хўжалигида кузатишлар ўтказилган майдон тавсифи 5.1-жадвалда келтирилган.

Ғарамланган ғаллани узатувчи мосламани умумий кўриниши



5.1-расм.

1-Барабан; 2-Ғаллани сидириб оловчи бармоқ; 3-Пояни бармоқдан ажратиб оловчи тасма; 4-Ростлагич; 5-Комбайн қия камераси; 6-рама; 7-таглик.

5.1-жадвал

Галла майдонининг «масса-ўлчам» тавсифи

Проба 1			1 м ² даги буғдой поялар сони, дона		Буғдой поянинг ўртача бўйи, См		1 м ² даги галла массаси, (дон+сомон) гр.		Дон ва сомон нисбати		1 та бошоқдаги доннинг ўртача сони, сони		Бошоғининг ўртача узунлиги, см		1 м ² майдондаги доннинг соғ оғирлиги, гр.		
1	2	3	4	5	6	7	8										
1.	622	83,9	1002+1325=2327	1:1,3	33,5	6,2	1002										
2.	493	82,0	677+1280=1967	1:1,9	28,6	5,9	677										
3.	578	91,1	764+1480=2244	1:1,9	27,5	6,4	764										
4.	594	92,9	768+1490=2258	1:1,9	27,0	6,9	768										
5.	630	87,6	864+1340=2204	1:1,5	29,0	6,0	864										

Буғдой массасининг думбул холатга келганлиги бошоқдаги доннинг намлиги ўрта хисобда 27 % гача камайганлиги бўйича аниқланади. Намлик эса қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$V = \frac{(a - e) \cdot 100}{a}, \%$$

бу ерда: V-намлик % да

a - қуритилганга қадар бўлган оғирлик, граммда.

e - қуритилгандан сўнги оғирлик, граммда.

куритишга олинган массани ВЛКТ-500 г-М маркали электрон тарозида бир граммгача аниқликда тортиб олиниб, оғирлиги ўзгармайдиган холатга қадар СНОЛ-3,5 маркали қуритиш

шкафида 105°C температурада қуритилади ва юқоридаги формула ёрдамида хисобланади [17].

ВЛКТ-500 г-Н маркали электрон тарози



5.2-расм

Тажриба натижалари 5.2. жадвалда келтирилган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, СНОЛ-3,5 қуритиш шкафининг температурасини $105\text{-}107^{\circ}\text{C}$ га келгунга қадар тарировка қилиш зарур ва массани солгандан сўнг ҳам шу температурага кўтарилилганга қадар кутиш лозим [17].

СНОЛ-3,5 қуритиш шкафи.



5.3-расм.

Думбул холатидаги доннинг намлигини аниқлаш натижалари

Проба №	куритилганга қадар бўлган оғирлик	куритилганда н сўнги оғирлик	куритиш натижасида оғирликнинг камайиши		Намлик
№	гр	Гр	гр	%	%
1.	300	234	66	22	22
2.	300	228	72	24	24
3.	300	221	79	26,3	26,3
4.	300	220	80	26,6	26,6
5.	300	220	80	26,6	26,6

Бундан ташқари думбул холатга келганлигини аниқлаш учун “КОЛОС-1” автоматик прибори мавжуд бўлиб, унинг идишига ўлчанадиган фалла бошоғи 0,5-1 см ўлчамда қирқиб солинади ва қопқоғи ёпилади, прибор таблосида массанинг намлиги % ҳисобида кўрсатилади.

Ғалланинг намлигини аниқлайдиган «КОЛОС-1» прибори

5.4-расм.

Галлани думбул пайтида ўриб, сўнгра қуритилгандан кейин янчилганда биологик хосил тўлиқ бўлиши ва унинг бошқа параметрлари қуриб пишиб етилган ғаллага қараганда қолишмаслиги олимлар томонидан бир неча маротаба исботланган [9,10,6].

Думбул пайтида ўриб олинган ғалла майдонининг ҳар 1 м² ерида ўрта хисобда 34-50 та дон ва 2-3 тагача бошоқ табиий факторлар таъсирида тўкилганлиги, пишиб етилгандан сўнг (намлиги 10-15 % га тушганида) комбайн билан ўриб янчилганда эса, ҳар бир 1 м² ерда ўрта хисобда 93-165 та дон ва 7-13 тагача бошоқ тўкилганлиги аниқланди.

Юқоридаги тажрибалар 1998 ва 1999 йиллари Ўрта-Чирчиқ тумани ТИҚҲМИИ ўқув-тажриба хўжалиги далаларида ўтказилган бўлиб, Охунбобоев участкасининг 4 гектарлик ғалла майдонидан 10 сотих ери ғалла майдони думбул холатига келган пайтда (5 карра такрорланиб жами 50 сотих ердан) қўлда ўриб олиниб, асфальтланган майдонда ҳар хил баландликда ғарамлаб қўйилди ва вақти-вақти билан ғарамдаги температура назорат қилиб турилди, ҳаво температураси билан ғарам орасидаги температуралар фарқи ўртacha 5°C ни ташкил этиб, ғарамнинг моғорлаб кетмаслиги тажрибалар асосида исботланди.

Яъни, кундузи ҳаво ҳарорати 35-38°C ни ташкил қилган бўлса, ғарам ичида 30-32°C ни ташкил қилди. Кечаси ҳаво ҳарорати 25°C ни ташкил қилган пайтда пояларнинг кундузи қизиб олиши натижасида ғарам ичидаги ҳарорат 28-30°C ни ташкил этади.

Демак, тажрибалардан шуни хulosа қилиш мумкинки, мамлакатимиз шароитида ғаллани думбул пайтида ўриб ғарамлаб

қўйилса (3 м гача баландликда), ғарам моғорлаб кетмайди ва доннинг биологик хоссаси ўзгармайди.

Орадан 25 кун вақт ўтгач биз томондан таклиф қилинган мослама “Доминатор-130” СК-5 ғалла комбайни ўрғичи ўрнига тақилиб, ғарамлаб қўйилган ғалла янчиб олинади. 10 сотих ердан ўриб олинган ғалла янчиб олинганда (стационар холда) ўртacha 424 кг соф буғдой олинди.

Айнан тажриба ўтказилган пайкалнинг буғдойи тўлиқ пишиб етилганда бошоқдаги дон намлиги 15-16% гача камайганда, яна 10 сотих майдондан “Доминатор-130” СК-5 ғалла комбайнida бира йўла ўрилиб янчиб кетилганда ўрта хисобда 325 кг миқдорда соф буғдой олинди (такрорлаш 5 марта). Анъанавий усулда йиғиштирилганида таклиф этилаётган янги усулга нисбатан $424-325=99$ кг камроқ дон йиғиштирилди. Яъни янги усул билан анъанавийга нисбатан $(99:325)\cdot100=30,46\%$ кўпроқ ҳосил йиғиштирилди.

§ 5.2. Иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш.

1. Машиналарни эксплуатация қилишда иш миқдори бирлигига умумий меҳнат харажатлари.

$$Z_T = Z_{TE} + Z_{TP} + Z_{TY} + Z_{TP} \text{ одам. соат/га} \quad (5.2)$$

Бу ерда: Z_{TE} -асосий ишлаб чиқариш процесини бажаришга меҳнат сарфи,

Z_{TP} -техник носозликларни созлашга меҳнат харажати,

Z_{TY} -режали техник хизмат кўрсатишга меҳнат харажати,

Z_{TP} -бошқа харажатлар (монтаж, қайта жихозлаш, сақлаш ва бошқалар).

Мавжуд: $Z_T = 3,28 + 0,085 + 0,01 = 3,37$ одам.соат/га

Янги: $Z_T = 1,6 + 0,085 + 0,01 = 1,695$ одам.соат/га.

1.1. Асосий ишлаб чиқариш процессини бажаришга меҳнат сарфи,

$$Z_{TE} = \frac{P}{W_{CM}} \quad \text{одам.соат/га} \quad (5.3)$$

Бу ерда: P -хизмат кўрсатувчи шахслар сони

$W_{CM}=0,1 \cdot B_k \cdot V_t$ -иши миқдори бирлигига машинанинг сменада I соатлик иш унуми,

B_k -қамров кенглиги,

V_t -комбайннинг назарий ишчи тезлиги, яъни

$V_t=1,4 \frac{\text{м}}{\text{с}} \cdot 3,6 = 5,04 \text{ км/с}$

Мавжуд: $Z_{Te} = \frac{3}{0,914} = 3,28 \quad \text{одам.соат/га,}$

Янги: $Z_{Te} = \frac{1}{0,6} = 1,6 \quad \text{одам.соат/га,}$

1.2. Техник носозликларни созлашга ва режали-техник хизмат кўрсатишга меҳнат харажати.

$$Z_{mp}(Z_{my}) = \frac{\sum P_i t_i}{T_3 W_{ek}}, \quad \text{одам.соат/га} \quad (5.4)$$

Бу ерда: \ddot{E}_i -i марта носозликларни созлашда қатнашадиган шахслар сони,

t_i -i марта носозликни олдини олиш учун кетадиган вақт, соат,

$T_3=D \cdot t \cdot c$ – машинанинг зонадаги норматив юкланиши,

D -йилдаги иш куни, t -сменада иш вақти, C - смена сони,

$W_{ek}=0,1 \cdot B_p \cdot V_p \cdot \tau$ -мавжуд ва янги машиналарнинг 1 соатлик эксплуатацион иш унуми,

$B_p=\beta \cdot B_k$ комбайннинг эксплуатацион қамров кенглиги,

$V_h=E \cdot V_t$ – эксплуатацион ишчи тезлиги,

т-иш пайтида вақтдан фойдаланиш коэффиценти, мавжудда – 0,8, янгисида-0,9.

$$\text{Мавжуд: } Z_{mp}(Z_{my}) = \frac{1 \cdot 25}{448 \cdot 0,65} = 0,085 \quad \text{одам.соат/га,}$$

$$\text{Янги: } Z_{mp}(Z_{my}) = \frac{1 \cdot 25}{448 \cdot 0,65} = 0,085 \quad \text{одам.соат/га}$$

1.3. Агар таққосланаётган машиналар меҳнат сарфи, монтаж, қайта жихозлаш, сақлашга қўйиш, билан фарқ қилса, у ҳолда умумий харажатларга бошқа харажатларни ҳам қўшиш лозим. (Z_{tp})

«Доминатор-130» комбайнни учун умумий харажатлар (59) бўйича 4,16 одам.соат/га. белгиланган.

2. Машиналарни эксплуатация қилишда йиллик умумий меҳнат харажати қуидагича аниқланади.

$$Z_{me} = Z_m \cdot B_3 \quad \text{одам.соат,} \quad (5.5)$$

Бу ерда: $B_3 = W_{ek} \cdot T_3$ -машинанинг зона учун йиллик иш миқдори, га.

$$\text{Мавжуд: } Z_{me} = 3,375 \cdot 291,2 = 982,8 \quad \text{одам.соат,}$$

$$\text{Янги: } Z_{me} = 1,695 \cdot 291,2 = 493,58 \quad \text{одам.соат,}$$

3. Иш миқдори бирлигига тўғри эксплуатацион харажатлар.

$$I_{y_d} = 3 + A + R_K + R_T + \Gamma + \Pi \quad \text{сўм/га,} \quad (5.6)$$

Бу ерда: (ЎзАгроСервис АЖ дан олинган маълумотлар асосида)

З-хизмат кўрсатувчи шахснинг иш хақи (10317 сўм/га),

А-реновация харажатлари (17092 сўм/га),

R_k -капитал ремонт харажатлари (163670 сўм/га),

R_t-жорий ремонт ва режали-техник хизмат кўрсатиш харажатлари (151100 сўм/га),

Г-ёнилғи мойлаш материаллари ва электроэнергия харажатлари (136500 сўм/га),

П-бошқа харажатлар (ёрдамчи материаллар, қайта жихозлаш, саклаш харажатлари) (34183 сўм/га).

Мавжуд: И_{уд}=10317+17092+163670+151100+13650+34183=390012 сўм/га,

Янги: И_{уд}=10317+17092+12350+75100+12183=127042 сўм/га

3.1. Хизмат кўрсатувчи шахснинг иш хақи қўйидагича аниқланади.

$$Z = \frac{1}{W_{cm}} \sum JI r_j \quad \text{сўм/га} \quad (5.7)$$

Бу ерда: r_j-хизмат кўрсатувчи шахснинг соатлик иш хақи, разряд бўйича [59].

Мавжуд: Z=10317 сўм/га ва иккита ёрдамчининг

иш хақи 4585·2=9170 сўм/га

Янги: фақат комбайнчининг ўзи ишлагани учун

$$Z = 10317 \text{ сўм/га},$$

3.2. Машиналар реновациясига харажатлар қўйидагича аниқланади.

$$A_K = \frac{I_{\delta} \cdot a_K}{B_3} \quad \text{сўм/га.} \quad (5.8)$$

мавжудда: $A_k = \frac{750000000 \cdot 0,125}{300} = 312500$ сўм/га,

янгида: $A_K = \frac{675000000 \cdot 0,125}{300} = 1281250$ сўм/га,

Ц_б-машиналарнинг баланс нархи, сўм,
 a_k - комбайнга йиллик реновация ажратмаси коэффиценти.

3.3. Машиналарни жорий ремонтни ва режали техник хизмат
 кўрсатиш харажатлари.

$$P_K = \frac{U_b \cdot (R_K \cdot R_T)}{B_3}, \quad \text{сўм/га}, \quad (5.9)$$

[59] бўйича мавжуд: $P_K = \frac{750000000 \cdot 0,1}{300} = 250000$ сўм/га,

янги: $P_K = \frac{675000000}{300} = 225000$ сўм/га

3.4. Ёнилғи мойлаш материаллари харажатлари

$$\Gamma = q \cdot U_T, \quad \text{сўм/га} \quad (5.10)$$

Ц_т-мойлаш материалларинин нархини хисобга олган холда, 1 кг
 ёнилғининг нархи (9100 биржа нархи) [59].

q -ёнилғи мойлаш материалларини сарфи кг/га,
 ёнилғи мойлаш материаллари сарфи двигатель қувватига боълик
 равища аниқланади,

$$q = \frac{q_E \cdot N_E \cdot H}{W_{\mathcal{E}K}}, \quad \text{кг/га.}$$

q_E - двигателнинг солиштирма ёнилғи сарфи, кг/квт.соат
 N_E -двигателнинг самарали қуввати, квт.

H-машинанинг двигателдан фойдаланиш ўртача коэффиценти.

$$\text{Мавжуд: } q = 15 \quad \text{кг/га}$$

Янги: хирмонда ишлагани ва массаси кам бўлгани учун 11% га кам бўлади [59,60,63] ларга асосан.

$$q = 13,3 \quad \text{кг/га}$$

$$\text{мавжуд: } \Gamma = 15 \cdot 9100 = 136500 \quad \text{сўм/га.}$$

$$\text{янги: } \Gamma = 13,3 \cdot 9100 = 121030 \quad \text{сўм/га.}$$

3.5. Агрегатнинг сақлаш харажати.

$$\Pi_{xp} = \frac{X_K}{W_{\mathcal{E}K}}, \quad \text{сўм/га,} \quad (5.11)$$

Бу ерда: X_K -бир соатлик иш вақтига сақлаш харажати,

$$\text{мавжуд: } \Pi_{xp} = \frac{34183}{0,65} = 52589, \quad \text{сўм/га,}$$

$$\text{янги: } \Pi_{xp} = \frac{34183}{0,65} = 52589, \quad \text{сўм/га,}$$

4. Ўйиллик иш хажмига эксплуатацион харажатлар.

$$I_\Gamma = I_{y\Delta} \cdot B_3, \quad \text{сўм,} \quad (5.12)$$

$$\text{мавжуд: } I_\Gamma = 390012 \cdot 300 = 117003600, \quad \text{сўм,}$$

$$\text{янги: } I_\Gamma = 127042 \cdot 300 = 38712600, \quad \text{сўм,}$$

5. Иш бирлиги хисобига солиштирма капитал қўйилма.

$$K_{y\Delta} = \frac{I_B + C_B \cdot \frac{T_3}{\tau_H}}{B_3}, \quad \text{сўм/га} \quad (5.13)$$

$$\text{Мавжуд: } K_{y\Delta} = \frac{750000000 \cdot \frac{448}{2000}}{300} = 560000, \quad \text{сўм/га}$$

$$\text{Янги: } K_{y\Delta} = \frac{675000000 \cdot \frac{448}{2000}}{3000} = 1504000, \quad \text{сўм/га}$$

Бу ерда: τ_H -агрегатнинг йиллик юкланиши, соат-2000.

6. Машинанинг йиллик иш хажмига капитал қўйилма қўйидагича аниқланади.

$$K_\Gamma = K_{y\Delta} \cdot B_3, \quad \text{сўм} \quad (5.14)$$

$$\text{мавжуд: } K_\Gamma = 560000 \cdot 300 = 168000000, \quad \text{сўм.}$$

$$\text{янги: } K_\Gamma = 504000 \cdot 300 = 151200000, \quad \text{сўм.}$$

7. Иш миқдори бирлигига келтирилган харажатлар.

$$P_{y\Delta} = E \cdot K_{y\Delta} \cdot I_{y\Delta}, \quad \text{сўм/га} \quad (5.15)$$

бу ерда: Е-капитал қўйилманинг самарали норматив коэффициенти, $E=0,15$

$$\text{мавжуд: } P_{y\Delta} = 0,15 \cdot 560000 + 628971 = 721971, \quad \text{сўм/га}$$

$$\text{янги: } P_{y\Delta} = 0,15 \cdot 504000 + 628971 = 704571, \quad \text{сўм/га}$$

7.1. Йиллик иш хажмига келтирилган харажатлар.

$$P_\Gamma = P_{y\Delta} \cdot B_3, \quad \text{сўм.} \quad (5.16)$$

$$\text{мавжуд: } P_\Gamma = 721971 \cdot 300 = 216591300 \quad \text{сўм.}$$

$$\text{янги: } P_\Gamma = 704571 \cdot 300 = 211371300 \quad \text{сўм.}$$

8. Агар таққосланаётган варианларнинг ишлаб чиқараётган махсулотлари ва харажати бир хил бўлса, буни йиллик иқтисодий самарани аниқлашда хисобга олиш керак.

8.1. Янги техникани қўллаш натижасида иш миқдори бирлигига қўшимча маҳсулот таннархи.

$$C_{\mathcal{D}} = \sum C_i \cdot J_i, \quad \text{сўм/га.} \quad (5.17)$$

бу ерда: J_i - Янги техникани қўллашда хар қайси иш миқдори бирлигига қўшимча маҳсулот сони,

C_i -и- кўринишдаги маҳсулот харид нархи.

мавжуд:-йўқ,

янги: $C_{\mathcal{D}} = 4500000 \cdot 0,28 = 1260000 \quad \text{сўм/га.}$

Мамлақатимиз қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг берган маълумоти бўйича 2020 йилда 1038104 га ерга ғалла экилган, шундан: 1000000 га. сувли ерга,

Ўртача хосилдорлик 58,8 ц/га,

Республика Вазирлар Махкамасининг қарорига асосан 1 тонна буғдойнинг харид нархи 1 340 000 сўм қилиб белгиланган.

Бизлар ўтказган тажрибалар натижасидан шу нарса маълум бўлдики, амалдаги хар бир гектар ердан нобудгарчиликни камайтириш хисобига умумий хосилдорликнинг ўртача 11,9 % қисмини тежаш имкони туғилади. Демак, биз тажриба ўтказган суғориладиган ғалла майдонида дон бўйича хосилдорлик 60 ц/га. лигини хисобга олсак, хар бир ғалла экилган майдондан 2,8 ц. қўшимча йиғишириб олиш мумкин.

§ 5.3. Иқтисодий самарадорлик кўрсатгичларини аниқлаш.

1. Янги машинани эксплуатация қилишда йиллик меҳнат иқтисоди.

$$\mathcal{E}_T = Z_{TT}^B - Z_{TT}^H, \quad \text{одам.соат} \quad (5.18)$$

$$\mathcal{E}_T = 982,8 - 493,58 = 489,22, \quad \text{одам.соат.}$$

2. Капитал қўйилмалар иқтисоди.

$$\mathcal{E}_K = K_G^B - K_G^H, \quad \text{сўм.} \quad (5.19)$$

$$\mathcal{E}_K = 168000000 - 151200000 = 16800000, \quad \text{сўм}$$

3. Тўғри эксплуатацион харажатларнинг йиллик иқтисоди.

$$\mathcal{E}_I = I_I^B - I_I^H, \quad \text{сўм}, \quad (5.20)$$

$$\mathcal{E}_I = 117003000 - 38712600 = 78291000, \quad \text{сўм}$$

4. Келтирилган харажатларнинг йиллик иқтисоди.

$$\mathcal{E}_P = P_P^B - P_P^H \quad \text{сўм.} \quad (5.21)$$

$$\mathcal{E}_P = 216591300 - 211371300 = 5220000 \quad \text{сўм.}$$

5. Олинадиган махсулотнинг сони сифати ўзгариши ва янги машинани ишлатишда асосий материаллар сарфининг иқтисодий самарадорлиги.

$$\Delta Y = (C_D^H - C_D^B) + (C_M^B - C_M^H), \quad \text{сўм/га} \quad (5.22)$$

$$\Delta Y = 470898 \quad \text{сўм/га.}$$

6. Янги машинани ишлатишида олинадиган махсулотнинг сони ва сифатининг ўзгариши ва асосий материаллар сарфининг хисобга олган ҳолда йиллик иқтисодий самарадорлиги.

$$\mathcal{E}_{\Gamma\Theta} = \left[(\Pi_{УД}^F - \Pi_{УД}^H) + \Delta Y \right] \cdot B_3 \quad \text{сўм,} \quad (5.23)$$

$$\mathcal{E}_{\Gamma\Theta} = [(721971 - 704571) + 470898] \cdot 300 = 146489400 \quad \text{сўм.}$$

7. Мехнат унумдорлигининг ўсиши.

$$T_{PP} = \left(\frac{B_3^H}{L - L'} \cdot \frac{L}{B_3^F} - 1 \right) \cdot 100 \% \quad (5.24)$$

$$T_{PP} = \left(\frac{300}{2-1} \cdot \frac{2}{300} - 1 \right) \cdot 100 \% \quad (5.24)$$

8. Ўзини қоплаш муддати.

$$T_{OK} = \frac{L^F}{\mathcal{E}_{\Gamma\Theta}} \quad \text{йил,} \quad (5.25)$$

$$T_{OK} = \frac{75000000}{146489400} = 0,51 \quad \text{йил}$$

**Ғарам титгич билан жихозланган комбайннинг иқтисодий
кўрсатгичлари**

№	КЎРСАТГИЧЛАР	Ўлчов Бирлиги	«Доминатор-130» комбайни	
			Анъанавий варианти	Таклиф этилаётган варианти
1.	Комбайннинг баланс нархи	Сўм	750 000 000	675000000
2.	Комбайнни бевосита ишлатиш харажатлари	Сўм/га		
	-иш хақига		10317	9170
	-реновациялашга		312500	281250
	-жорий капиталъ таъмирлаш ва техник хизмат қўрсатишга		250000	225000
	- ёнилғи мойлаш материалларига		136500	121030
	-сақлашга		52589	52589
	Жами:	Сўм/га	761906	689039
3.	Солиширма капитал қўйилма	Сўм/га	560000	504000
4.	Келтирилган харажатлар	Сўм/га	721971	704571
5.	Йиллик иқтисодий самарадорлик	Сўм	-	146 489 400
6.	Харажатларни қоплаш муддати	Йил	-	0,51

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Монография ишининг бўлимларида таъкидлаб ўтилган лаборатория ва дала эксперементлари натижаси тасдиқланган тадқиқот натижаларидан қуидагиларни хulosа қилиб айтиш мумкин:

1. Республикаиз хўжаликларида ғалла хосилини агротехник талабларга биноан қисқа вақтда йиғиштириб олишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли, дон нобудгарчилиги жоиз булган меёrlардан ортиқ бўлмоқда.

2. Ғалла дони думбул ҳолатигача етилганида ўриб олиб, уни дала чети ёки маҳсус тайёрланган хирмонларга чиқариб ғарамлаш, табиий холда қуритиш ва ғарамтитгич билан жихозланган ғалла комбайнлари билан стационар холда янчib олиш технологияси етиштирилган хосилни белгиланган агротехник муддат ичida дон нобудгарчилигини кескин камайтирган холда йиғиштириб олиш, такрорий экинлар экиш учун майдонни ғалладан 20-25 кун барвакт бўшатиш имконини беради.

3. Ғалла пояларининг физик-механик хоссаларини эътиборга олган холда бажарилган назарий тадқиқотлар асосида ғарамтитгич қуидаги параметрларга эга бўлиши аниқланди:

- Ғарамтитгич бармоғининг абсолют тезлиги 1,2...3,5 м/с;
- Бармоқли барабан айланишлар сони 75...85 айл/мин.
- Таъминланиши мумкин бўлган иш унуми 9 кг/сек гача;
- Барабан цилинтри диаметри 0,124...0,2 м;
- Барабаннинг бармоқлар бўйича диаметри 0,48...0,7 м;
- Бармоқлар жойлашиш қадами 8...12 см.

4. Бармоқларга илинтириб олинган пояларнинг бармоқ бўйлаб нисбий харакатланиш дифференциал тенгламасини ечими

ажратгичнинг айланиш тезлиги 450...510 айл/мин бўлиши лозимлигини берди.

5. Экспериментларни режалаштириб ўтказилган тажрибалар назарий тадқиқот натижаларини адекват тасдиқлади (5...6 кг/с янчиш қобилиятига эга бўлган янчиш аппаратини тўлиқ таъминлаш учун):

- Бармоқли барабан узунлиги -1200 мм;
- Барабан цилиндрининг диаметри - 162 мм;
- Бармоқларнинг узунлиги - 260 мм;
- Барабаннинг бармоқлар учи бўйича диаметри - 680 мм;
- Бармоқнинг диаметри -12 мм;
- Бармоқни эгилиш бурчаги - 26° ;
- Барабан узунлиги бўйлаб бармоқларнинг қадами - 100 мм;
- Барабан айланаси бўйлаб бармоқлар қатори сони Z - 5 та;
- Барабаннинг айланишлар сони n = 80 айл/мин.
- Ажратгич транспортёри тасмасининг етакловчи ролиги айланишлари сони n = $490 \div 500$ айл/мин;
- Барабан цилинтри ва транспортёр тасмаси орасидаги тирқиш кенглиги $\delta = 15 \dots 20$ мм.

6. Таклиф этилаётган, технология ғаллани йиғишиши жараёнида дон нобудгарчилигини анъанавий технологияга нисбатан 3-4 баробарга камайтириш, мослама билан жихозланган хар бир комбайндан фойдаланишда 146.489.400 сўм йиллик иқтисодий самарадорлик олиш имконини беради.

МУНДАРИЖА

Кириш	5
I. ФАЛЛА ЙИГИШТИРИШДА НОБУДГАРЧИЛИК ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ	7
1.1-§. Фалла йигиштириш усуллари ва уларга кўйиладиган агротехник талаблар	7
1.2-§. Фалла йигиштиришда дон нобудгарчилиги ва унинг олдини олиш	10
1.3-§. Фаллани ўриб ғарамлаб, сўнгра янчиш технологияси	17
1.4-§. Тадқиқотнинг гипотезаси, мақсади ва вазифалари	24
II. ФАРАМТИТГИЧ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ	36
§ 2.1. Фарамтитгич бармоқининг ўлчамлари	36
§ 2.2. Фарамтитгич кинематикаси	42
§ 2.3. Бармоқли барабан ўлчамларини асослаш	54
§ 2.3.1. Фарамтитгич барабанинг диаметри ва узунлиги	55
§ 2.3.2. Фарамтитгич бармоқининг барабанда жойлашиш қадами	56
§ 2.3.3. Бармоқларни барабан сиртида жойлаштириш	57
§ 2.4. Бармоқларга илашган пояларни ажратиб олиш	60
§ 2.4.1. Ажратгичнинг ишлаш жараёни	60
§ 2.4.2. Ажратиш жараёни модели	61
§ 2.4.3. Дифференциал тенглама ечими асосида ажратгичнинг айланиш тезлигини тайинлаш.	67
§ 2.5. Пояни бармоқдан ажратиш вақтини аниқлаш	70
III. ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚОЛЛАР МЕТОДИКАСИ	75
§ 3.1. Далада тажрибалар ўтказиш методикаси	75
§ 3.2. Ўрим-ийғим даврида дон нобудгарчилигини аниқлаш	78
§ 3.3. Тўпланган ғалла ғарами баландлигининг дон сифатига таъсирини аниқлаш методикаси	80

§ 3.4. Лаборатория стенди	81
<hr/>	
IV. ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИ	87
<hr/>	
§ 4.1. Фалланинг «масса-ўлчам» тавсифи	87
<hr/>	
§ 4.2. Ўрим - йифим даврида дон нобудгарчилиги	89
<hr/>	
§ 4.3. Фарам баландлигининг дон сифатига таъсири	94
<hr/>	
§ 4.4. Барабан бармоқлари шаклининг ғалла пояларини ажратиш қобилиятига таъсири	96
<hr/>	
§ 4.5. Бармоқларнинг барабандада жойлашиш қадамининг ғарамтитгичдан пояларни ажратиб олиш қобилиятига таъсири	98
<hr/>	
§ 4.6. Ғарамтитгич параметрларини экспериментни режалаштириш асосида аниқлаш	100
<hr/>	
4.6.1. Ғарамтитгич барабани параметрларини аниқлаш	100
<hr/>	
§ 4.6.2. Ажратгич параметрларини аниқлаш	105
<hr/>	
§ 4.6.3. Математик модель бўйича мосламанинг оптималь ўлчамларини аниқлаш.	113
<hr/>	
МОСЛАМАНИ ЭКСПЛУАТАЦИОН СИНАШ НАТИЖАСИДА УНИ ҚЎЛЛАШНИ ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАШ	123
<hr/>	
§ 5.1. Фарам титгичнинг тажриба нусхасини ишлаб чиқиш	123
<hr/>	
§ 5.2. Иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш.	129
<hr/>	
§ 5.3. Иқтисодий самарадорлик кўрсатгичларини аниқлаш	137
<hr/>	
УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	140

Қ.О. ШАВАЗОВ

**ҒАЛЛАНИ КҮП БОСҚИЧЛИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА
ЙИҒИШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНОЛОГИК
АСОСЛАРИ**

/монография/

Мухаррир: М.Мустафоева

*Босишига руҳсат этилди: 24.09.2021 й. Қоғоз ўлчами 60x84 - 1/16,
Ҳажми: 9,0 б.м. 50 нусха. Буюртма № 0163.
ТИҚҲММИ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент 100000, Қори-Ниёзий кўчаси 39 уй.*

БЕЛГИ УЧУН
